<b>2-босқич.</b> <b>Асосий</b> <b>(60 мин)</b>	<p>2.1. Талабаларни 6 нафардан қилиб гурухларга ажратади. Назорат ва натижаларни баҳолаш учун экспертлар гурӯҳини шакл-лантиради.</p> <p>Гурухларга ўқув топшириқларини топширади (3-илова). Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (4-илова) хамда қандай қўшимча манбалардан фойдаланиш кераклиги тушунтирилади. Гурухларда ишлаш бошланган-лигини эълон қиласди.</p> <p>2.2. Тақдимот ва натижаларни баҳолашни ташкил этади, изоҳлайди, жавобларни тартибга келтиради, шаклланган хуносаларни умумлаштиради.</p>
<b>3-босқич</b> <b>Якуний</b> <b>(10 мин)</b>	<p>3.1. Ўқув фаолиятини якунлайди. Талабалар дикқатини асосий жиҳатларга қаратади. Муаммони ҳал қилиш жараёнида ғолиб бўлган гурухни аниқлайди ва баҳолайди.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа беради. Ишларига маслаҳат беради.</p>
	<b>1-илова</b>
	<b>Амалий иш тартиби ва регламент</b>

Гурухда ишлаш ва презентацияни ёзиш - 20 мин.  
Ишнинг натижаларини тақдимот қилиш – 5 мин.  
Жамоа бўлиб муҳокама қилиш ва гурухни баҳолаш - 5 мин.

## **2-илова**

### **Гуруҳ билан ишлаш қоидалари:**

Гурухнинг ҳар бир аъзоси:

- ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- гурухни баҳолашда иштирок этишлари лозим.

## **3-илова**

**Гурухларга топшириқлар  
1-гурұх**

1-топшириқ. Қүйидаги жадвални түлдириңг:

**Савол**

**Жаңоб**

Никоҳ бу

Полигам никоҳ

Матриолокал оила

Ливерат никоҳ

Нуклеар оила

Авторетар оила

2-топшириқ. Ўзбекистон аҳолиси никоҳ ва оила таркиби ҳақида маълумот беринг.

3-топшириқ. Оиланинг иқтисодий вазифаси ҳақида маълумот беринг.

**2-гурұх**

1-топшириқ. Қүйидаги жадвални түлдириңг:

**Савол**

**Жаңоб**

Оила бу

Моногам никоҳ

Патриолокал оила

Конкубинат никоҳ

Тұлық оила

Демократик оила

.2-топшириқ. Осиё минтақаси аҳолисининг никоҳ ва оила таркиби хусусиятларини ҳақида нималар биласиз?

3-топшириқ. Оиланинг демографик мезони нималардан иборат?

**3-гурұх**

1-топшириқ. Қүйидаги жадвални түлдириңг:

**Савол**

**Жаңоб**

Полиандрик никоҳ

Полигиник никоҳ

Тұлықмас оила

Ёш оила

Тенгсиз никоҳ

Авторетар оила

2-топшириқ. Америка минтақаси аҳолисининг никоҳ ва оила таркиби хусусиятларини ҳақида нималар биласиз?

3-топшириқ. Оиланинг иқтисодий мезони нималардан иборат?

**4-илова**

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда)	1	Гурухлар
1-топшириқ (1)	2	
2-топшириқ (1)		3
3-топшириқ (0,6)		
Регламент (0,2)		
Назорат саволларига тўғри жавоб учун (0,1).		
Бошқалар томонидан тўлдирилганлиги учун (0,1)		
Жами: 3 балл		

**Назорат шакли (ҳисобот, тақдимот):** Кичик гурухларда ишлаш натижасида охирига етказилган иш ҳисобот тарзида ўқитувчига топширилади. Бунда берилган топшириқдаги жадвал ва тест саволлари тўлиқ бажарилгач иш яқунланган ҳисобланади ва талаба машғулотни бажарган саналади. Натижаларни баҳолаш Фан учун ажратилган соат бўйича балларда акс эттирилади. Натижалар «аъло», «яхши», «қониқарли», «қониқарсиз» баҳолар кўринишида жорий баҳолашдаши 45 балл ҳисобидан машғулотлар соатига қараб ажратилган балларда акс эттирилади. Бу машғулотда максимал балл 3 балл ҳисобланади ва қуйидаги мезонларда инобатга олинади:

2,2-3 балл – аъло: хулоса ва қарор қабул қилиш, ижодий фикрлай олиш, мустақил мушоҳада юрита олиш, амалда қўллай олиш, моҳиятини тушуниш, билиш, айтиб бериш, тасаввур ҳосил қилиш даражаларига эга бўлса қўйилади.

1,2-2 балл – яхши: мустақил мушоҳада юрита олиш, амалда қўллай олиш, моҳиятини тушуниш, билиш, айтиб бериш, тасаввур ҳосил қилиш даражаларига эга бўлса қўйилади.

0,5-1,1 балл – қониқарли: моҳиятини тушуниш, билиш, айтиб бериш, тасаввур ҳосил қилиш даражаларига эга бўлса қўйилади.

0-0,5 балл – қониқарсиз: берилган топшириқлар бўйича тасаввурга эга бўлмаса ва билмаса.

### мавзу

### Демографик сиёsat.

#### Амалий машғулотини ўқитиш технологияси

**Вақти – 2 соат**

**Ўқув мағулотининг шакли**

**Амалий машғулотининг режаси**

**Талабалар сони: 20-30 нафар**

**Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича муаммоли машғулот.**

1. Аҳоли сиёсати ва унинг асосий жиҳатлари.
2. Аҳоли сиёсати турлари.

3. Демографик сиёсат юритиш хусусиятлари.
4. Ўзбекистонда аҳоли сиёсати ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.

**Ўқув машғулотининг мақсади:** Аҳоли сиёсати, унинг турларини тадқиқ этиш. Аҳоли сиёсатида демографик сиёсатнинг аҳамияти ҳақида билимларни шакллантириши.

#### **Педагогик вазифалар:**

##### **Ўқитувчи:**

Аҳоли сиёсати ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш;

Аҳоли сиёсати турлари бўйича кўнгилмаларни ҳосил қилиш;

- демографик сиёсат юритиш тартибини ўргатиш.

#### **Ўқув фаолиятининг натижалари:**

##### **Талаба:**

- Аҳоли сиёсати ҳақидаги билимларни кўллаш;
- Аҳоли сиёсати турларини тахлил қилиш;
- демографик сиёсат юритиш тартибини аниқлаш.

#### **Ўқитишиш усуллари ва техникаси**

##### **Ўқитишиш воситалари**

##### **Ўқитишиш шакли**

##### **Ўқитишиш шаротилари**

##### **Мониторинг ва баҳолаш**

Муаммоли усул, ақлий ҳужум, блиц-сўров.

Ўқув қўлланмалар ёки маъруза матнлари, жадваллар.

Кичик групкалар ва жуфтликларда ишлаш.

Намунадаги аудитория.

Оғзаки ва ёзма назорат: Натижалар текширилади ва баҳоланади.

#### **Амалий машғулотининг технологик харитаси**

<b>Босқичлар, вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
<b>ўқитувчи</b>	<b>талаба</b>	
<b>1-босқич. Кириш (10 мин)</b>	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш тартибини айтади.	1.1. Эшитадилар ва амалий машғулот ишига тайёргарлик кўрадилар.
<b>2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин)</b>	2.1. Асосий тушунчалар асосида Б.Б.Б. жадвалини тўлдириш(1-илова). Бир неча жавобларни эшитади ва фаолият кичик групкаларда давом этишини айтади.	2.1. Эшитадилар, саволлар берадилар. 2.2. Жавоб берадилар.
<b>3-босқич Асосий (50 мин)</b>	3.1. Талабаларни кичик групкаларга бўлиб топшириqlар беради: 1) аҳоли сиёсатининг моҳиятини тушунтириш; 2) аҳоли сиёсатининг асосий турларини аниқлаш;	3.1.Групкаларда ишлайдилар. -жамоа бўлиб маълумотларни тизимлаштиради; - минтақаларда

		3) улар орасида демографик сиёсатнинг тутган ўрни хақида маълумот бериш; 4) демографик сиёсат юритишнинг минтақавий хусусиятлари хақида маълумот бериш; 5) Ўзбекистонда демографик сиёсат юритишнинг ўзига хос жиҳатлари.	аҳоли сиёсати олиб боришининг асосий жиҳатларини аниклади.
<b>4-босқич. Якуний (10 мин)</b>		3.2. Тақдимот жараёнини ва жамоа бўлиб муҳокама қилишни таклиф қилади.  3.3. Ўзлаштириш даражасини текшириш мақсадида ҳар бир талабага дунё мамлакатларида демографик сиёсат юритиш хусусиятлари бўйича саволлар тўпламини тарқатади (3-илова).  4.1. Машғулотга хулоса қилади, талabalарни баҳолайди ва рағбатлантиради. 4.2. Мустақил иш учун вазифа беради: Ўзбекистонда аҳоли сиёсати юритишнинг мақбул йўллари.	3.2. Тақдимотни намойиш этади, саволларга жавоб беради.  3.3. Дафтарга кичик маълумотнома ёзади ва топширади.
			Эшитадилар ва топшириқни ёзib оладилар.

<b>1-илова</b>					
<b>№</b>	<b>Мавзу саволи</b>	<b>Б.Б. техникаси</b>	<b>Биламан</b>	<b>Билишни хоҳлайман</b>	<b>Билдим</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	
2	Аҳоли сиёсати				
3	Аҳоли сиёсати юритишга кўра минтақавий фарқлар				
4	Демографик сиёсат				
5	Аҳоли сонини кўпайтиришга қаратилган демографик сиёсат				
6	Аҳоли сонини камайишига қаратилган демографик сиёсат				
7	Демографик сиёсат юритиш усуслари				
8	Ўзбекистонда аҳоли сиёсати юритишнинг хусусиятлари				

**2-илова**

<b>№</b>	<b>Минтақалар</b>	<b>Ахоли такрор барпо бўлиши турлари</b>	<b>Демографик сиёсат юритиш усули</b>	<b>Демографик сиёсатнинг ўзига хос жиҳатлари</b>
----------	-------------------	--	---	--

## **Демография мустақил фан сифатида. Демография фанлар тизими ва таркиби**

Маълумки, аҳоли қатор ижтимоий ва табиий фанларнинг ўрганиш обьекти ҳисобланади. Масалан, анатомия инсон организмининг тузилиши ва биологик хусусиятларини ўрганса, психология фани – инсон руҳиятини талқин этади, этнография алоҳида миллатларни ўрганар экан, асосий этиборни уларнинг урф – одатлари, қадриятларига қаратади. Аҳоли географияси эса, аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларининг таркиби, сони ва жойлашивудаги худудий фарқларни ва бу фарқларнинг вужудга келтирувчи омилларни ўрганади. Шунингдек аҳолини ўрганувчи фанлар жумласига социология, фалсафа, жамиятишунослик, тарих, статистика, экология, иқтисод каби фанларни киритиш мумкинки, улар ҳаммаси биргаликда демография асослари фанлари тизимини ташкил этади. Ана шу фанлар тизимида демография асослари алоҳида аҳамиятга эгадир.

“Демография” – икки юонон сўзларининг қўшилишидан иборат бўлиб, “демос” – ҳалқ, аҳоли, “графия” – тасвирлаш, ёзиш, ўрганиш яъни, “ҳалқ ҳақида ёзмоқ” ёки “аҳолини шархлаш” маъноларини англатади. Бироқ демография асослари фани фақат шархлаш билан чегараланиб қолмай, балки унинг ўрганиш доираси бир мунча кенг ва чукурдир.

“Демография” тушунчаси 1855 йилда француз олими А. Гийярнинг “Инсон статистикаси элементлари, ёки таққослаш (қиёсий) демография асослари си” китобида пайдо бўлган; расмий равишда Халқаро гигиена ва демография асослари конгрессида қайд этилган (1882); XIX аср охири – XX аср бошларида кенг тарқалган. Ўзбек тилига XIX асрнинг 60 -70 йилларида кириб келган. Дастреб аҳоли статистикасининг синоними сифатида фойдаланилган. Баъзан демография асослари деб аҳолининг таркиби, такрор барпо этилиши, сонининг таърифи ва таҳлили бўйича олиб бориладиган фаолиятга айтилади. “Демография асослари” сўзи “аҳолининг ўрганишга таалукли” деган маънода кўлланилади (масалан, демографик адабиёт), шунингдек “аҳолига тегишли” маъносида ҳам (масалан, демографик таркиб). Демография асослари ўз тадқиқотларини асосан аҳолини ҳолати (сони, ёш – жинсий, никоҳ ва оиласавий таркиби) ва демографик жараёнлар (туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш) ҳақидаги статистик маълумотларни таҳлил этиш йўли билан олиб боради.

Мустақил ижтимоий фан сифатида демография асослари туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш, никоҳ жуфтликлари ва оиласаларнинг такрор барпо бўлиши, умуман шу жараёнларнинг бирлиги сифатида аҳолининг такрор барпо бўлиши кабиларнинг қонуниятлари ва ижтимоий негизларини ўрганади; у аҳолининг ёш – жинсий, никоҳ, оиласавий таркибидаги ўзгаришларни, демографик жараёнлар ва аҳоли таркибининг ўзаро боғлиқлиги, шунингдек бир – бирига таъсир этувчи аҳоли ва оиласаларнинг умумий сонларининг ўзгариш қонуниятларини тадқиқ этади. Демография асослари демографик жараёнлар ва аҳоли таркибини шархлаш, таърифлаш, таҳлил ва башорат қилиш услубларини ишлаб чиқади. Демографик жараён ва аҳоли таркибининг ички ўзаро боғлиқлигини ўрганиш, шунингдек уларга таъсир этувчи турмуш шароитлари ва демографик жараёнларнинг интенсивлигини белгилаб берувчи ижтимоий муносабатларни аниқлашга асосланиб демография асослари мазкур таркиб ва жараёнлар кечишининг умумий қонуниятлари, бу қонуниятларнинг алоҳида аҳоли гуруҳларида, маълум вақт ва жойлардаги хусусиятларини аниқлайди.

Амалий томондан демографик тадқиқотлар доирасига бутун мамлакат ёки унинг алоҳида ҳудудларидаги аҳолиси ёки маълум аҳоли гуруҳларининг демографик вазиятини таърифлаш, демографик жараён ва омилларини таҳлил этиш киради. Туғилиш ва ўлимнинг турли авлодлар, турли ижтимоий гуруҳлар ва ҳар хил ҳудудлардаги хусусиятларини тадқиқ этишга асосланиб, демография асослари буларнинг келгусида кутилаётган ўзгаришларининг демографик башоратларни ишлаб чиқиб, баҳо беради.

Демографиянинг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, демография асослари бутун ишлаб чиқаришнинг ижтимоий жараёнининг асосий обьекти ва субъекти саналади. Шу боис демографик тадқиқотлар жамият тўғрисидаги илмий билимлар тизимининг катта

қисмини ташкил қиласы, инсоният демографик тараққиётининг диалектик – материалистик нұқтаи – назардан талқин этилиши, бу илмий дунёқарашнинг ажралмас бир бўлгидир. Демография асослари га, бошқа ижтимоий фанлар каби, тадқиқот обьекти ва натижаларига синфий ёндашув хосдир. Аҳолининг амалдаги ва таҳминий сони, таркиби ҳақидаги маълумотлар режалаштириш, хусусан меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш воситаларини жойлаштириш, уй – жой қурилиши, соғлиқни сақлаш кабилар учун дастлабки материал сифатида хизмат қиласы.

Ишлаб чиқариш ва унинг таркибий қисмлари қонуниятларини холисона талқин қилиш, уларнинг тенденциялари ва ижтимоий детерминациясининг ўзига хос хусусиятларини билиш демография асослари учун демографик сиёсатнинг умумий йўналишлари ва аниқ тадбирларини ишлаб чиқиш имкониятларни беради, ижтимоий сиёсатнинг бир қисмини ташкил қиласы.

Демографияда асосий қузатув бирлиги – инсон ҳисобланади. Инсон ҳаёти давомида унинг физиологик ва психологияк хусусиятлари, маълумотлилик даражаси, оилавий ҳолати, қасби – кори, малакаси, ижтимоий гурухи, яшаш жойи, тил билиш каби имкониятлари ўзгариб боради. Ана шу алоҳида инсон ҳаётида рўй берган ўзгаришлар йиғиндиси умуман аҳоли ҳаётида ижтимоий – иқтисодий ва демографик ўзгаришларга олиб келади. Никоҳга кириш натижасида оилалар сони ошиб боради, ёлғизлар, бўйдоқлар сони эса камаяди. Никоҳнинг бекор этилиши, яъни, ажралиш жараёни эса аҳоли таркибida тугалмас оилаларнинг ва бевалар салмоғининг кўпайишига сабаб бўлади. Инсон дунёга келар экан маълум давр яшайди. Ана шу давр мобойнида улғайиб боради. Гўдаклик давридан болаликка, ўсмирлик, ёшлиқ, ўрта ёшлиқ, етиклиқ даврларга ўтилади. Ҳар бир ўқув йили тугаши билан аҳоли таркибida маълумотлилар сони ошиб боради. Ана шу тарзда шахс ҳаётидаги ўзгаришлар аҳоли гуруҳидаги ўзгаришларга олиб келади. Инсонларнинг бир худуддан иккинчи бир худудга кўчиб ўтиши – миграция, ушбу худудлар аҳоли сонига ва таркибига таъсир этади.

Аҳоли сони туғилиш ва ўлим ҳисобига доимо ўзгариб боради. Туғилиш жараёни аҳоли сонини кўпайишига олиб келса, ўлим унинг камайиб кетишига сабаб бўлади. Туғилиш ва ўлим жараёнлари асосида аҳоли табиий ўсиши содир бўлади. Агар туғилганлар сони ўлганлар сонидан юқори бўлса, аҳоли кўпайиб боради, аксинча, ўлганлар сони туғилганлар сонидан кўп бўлса, аҳоли камайиб боради.

**Демак, ДЕМОГРАФИЯ АҲОЛИНИНГ ТАҚРОР БАРПО БЎЛИШИ – ҚОНУНИЯТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ФАН БЎЛИБ, БУ ЖАРАЁНИ ИЖТИМОИЙ – ТАРИХИЙ ШАРТ – ШАРОИТЛАРГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЎРГАНАДИ, ОМИЛЛАРИНИ, МУАММОЛАРИНИ АНИҚЛАБ, ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРАДИ.**

Ҳар бир фаннинг асосий вазифаси табиат ва жамиятнинг маълум қисмидаги ривожланиш қонунларини ўрганишdir. Лекин шу билан бир қаторда ҳар бир фаннинг ўзига хос амалий аҳамиятга эга бўлган вазифалари ҳам мавжуд. Демография асослари ҳам алоҳида фан сифатида ўз вазифаларига эгадир. Ушбу вазифаларни уч гурухга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.<sup>1</sup>

4. Демографик жараёнлар ва уларнинг омилларини ўрганиш.
5. Демографик башоратларни ишлаб чиқиш.
6. Демографик сиёсат чора тадбирларини ишлаб чиқиш.

Демографик жараёнларга туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш ва оила киради.

Демографик жараёнлар таркибida туғилиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, ўрганилаётган мавжуд аҳоли аввало туғилиш жараёни натижасида дунёга келади. Демография асослари туғилишни алоҳида, аҳоли такрор барпо бўлишининг демографик замини сифатида ўрганади, унга таъсир этувчи барча ижтимоий – иқтисодий ва табиий омилларни таҳлил этади. Шунингдек, ўлим жараёни ҳам аҳоли такрор барпо бўлишининг асосий элементи сифатида демография асослари фанининг эътиборида туради.

<sup>1</sup> В.А.Борисов. Демография. М, 1999 г. с – 14.

Аҳолининг тақрор барпо бўлишида биринчи навбатда оила ташкил топиши, яъни шаклланиши аҳамиятлидир. Чунки дунёда туғилаётган инсонларнинг аксарияти оилада, оила мухитида дунёга келади, шахс сифатида шаклланиб ўзининг демографик фаолиятини (оила қуриш, фарзандлар кўриш) бошлади.

Оила шаклланиши эса, ўз ўрнида никоҳ ва ажралиш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқдир. Демография асослари никоҳ эволюцияси ва унинг аҳолининг тақрор барпо бўлишидаги ўрнини алоҳида ўрганади.

Ажралиш, яъни никоҳнинг бекор этилиш ҳам аҳоли тақрор барпо бўлишига таъсир этивчи демографик жараён ҳисобланади. Демография асослари ушбу жараённи ўрганар экан, унинг мавжудлик даражасига таъсир этувчи қатор сабаб ва оқибатларини атрофлича таҳлил этади.

Демография аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши – миграциясини ҳам ўрганади. Лекин бу жараённи ўрганишда, аҳоли географиясидан фарқли равишда, асосий эътиборни миграция жараёнининг ҳудудий ҳусусиятларига эмас, балки ушбу жараён натижасида рўй берадиган ҳудуднинг демографик ҳолатидаги ўзгаришларга қаратади. Демографияда оила асосий ижтимоий – демографик груп сифатида ўрганилади. Оилани жамият тараққиёти давомидаги ўрни, эволюцияси, аҳолининг тақрор барпо бўлишидаги асосий фаолияти ва унинг ўзгариб бориш омиллари ва оқибатлари ўрганилиб, келажак ривожланишининг асосий йўналишлари аниқланади. Маълумки, аҳоли туғилиш ва ўлим жараёни натижасида мавжуд бўлган авлодлар алмашинуви йиғиндисидир. Инсон мавжудлигини таъминловчи барча демографик жараёнлар – туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш унинг ҳаётидаги маълум даврида, яъни маълум ёшида рўй беради. Шунинг учун, ёш демографик жараёнларни ўрганишда асосий мезон ҳисобланади. Инсоннинг демографик ва ижтимоий ҳолатида, ўз ҳаёти давомида ёш ва жинс асосий кўрсаткичидир. Аҳолининг жинсий таркиби ҳам демографик таҳлили лозим бўлган мезонлардандир. Демографик башоратлар ишлаб чиқишда демография асослари фани, биринчи навбатда ўрганилаётган ҳудуд ёки ижтимоий груп аҳолисининг демографик майлини (демографик жараёнларига бўлган муносабатини) атрофлича таҳлил этади ва айни шу асосда демографик жараёнларда келажакда кутилаётган ўзгаришларни кўрсатиб беради. Демографик сиёсат мазмуни ва тадбирларини ишлаб чиқиш жуда маъсулатли ва мураккаб жараёндир. Ушбу юмушни бажаришда демография асослари ўрганилаётган давлат ёки алоҳида ҳудуднинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш даражасини, этник ҳусусиятлари, урф - одатлари ва қадриятларини, демографик ҳолатини мукаммал ўрганиш лозим. **Демография мустақил фан сифатида ўз тадқиқот усулларига эгадир.** Улар жумласига тарихий таққослаш, статистика, математика, картографик, мантикий фикрлаш ва социологик услублар киради. Демография асослари нинг таҳлил услуби статистикадан фарқ қиласди. Унда мавхум фикрлаш услубидан кенг фойдаланиш асосида аҳоли таркибида келгусида рўй берадиган миқдор ва сифатий ўзгаришлари ҳам ўрганилади. Аҳоли муайян ижтимоий ҳаёт тарзига бўйсимиши туфайли, демографик жараёнлар ҳам муайян ишлаб чиқариш усули ва муносабатига боғлиқ бўлади. Аҳоли мураккаб ижтимоий ва табиий ривожланиш махсусидир. Шу сабабли аҳоли турли омиллар заминида кўпаяди. Бу жиҳатдан демография асослари таҳлил мавзуи сиёсий иқтисод, социология, психология, математика, статистика, социал гигиена, география, тиббиёт, тарих, этнография ва бошқа фанлар таҳлил мавзуига яқин бўлиб, шу фанларнингютукларидан фойдаланади. Айни вақтда уларга қимматли маълумотлар беради.

Демография ҳар бир ижтимоий – иқтисодий тузум аҳолимининг кўпайиши ва ривожланиш қонунларини алоҳида – алоҳида ўрганади. Чунки ҳар бир ижтимоий – иқтисодий формацияга хос аҳоли ўсиш қонуни, демографик вазиятига бевосита таъсир кўрсатади.

### **Мавзу. Демография фанлар тизими ва бошқа фанлар билан алоқаси**

Аҳолининг тақрор барпо бўлиши қонуниятларни ўрганар экан, демография асослари бир қатор илмий йўналишларга бўлинади ва бу йўналишлар демография асослари фанлар

тизимини ташкил этади. Уларга назарий демография асослари , демографик статистика, тарихий демография асослари , демография асослари тарихи, этник демография асослари , иқтисодий демография асослари , ҳудудий демография асослари , тавсифий демография асослари ва амалий демографик тадқиқотлар киради.

**Назарий демография асослари** - аҳоли тақрор барпо этилишининг ҳаракатлантирувчи кучларини ва иқтисодий, ижтимоий, психологик ва бошқа омиллар билан боғлиқлигини талқин этади; тақрор барпо бўлиши тартиблари тараққиётининг, аҳолининг тақрор барпо этилиши турларининг тарихий тенденцияларини (томонларини) тушунтиради; аҳолининг тақрор барпо бўлишининг моҳияти ва бунинг тарихий жараёндаги ўрнини англаш учун аҳолининг жамият тараққиётидаги роли ва иқтисодий ривожланиш учун аҳамияти ҳақидаги қарашлар алоҳида ўринли бўлиб, ижтимоий – иқтисодий назарияга тааллуклидир. Айнан назарий демография асослари аҳолининг тақрор барпо бўлиши ва ундаги ўзгаришларнинг, демографик майл, шунингдек демографик жараёнлар ва аҳоли ҳолатини ўзаро боғланишларини тушунтиради. Назарий демография асослари назарияларни ишчи гипотезаларни таърифлашдан бошлаб, то тўпланган ахборотни умумлаштириш ва таҳлил қилиш каби демографик жараёнларни илмий ўрганилишининг барча босқичлари учун асос бўлиб хизмат қилади, қонуниятларни назарий таҳлил қилишга асос яратади.

**Демография тарихи** – демография асослари нинг алоҳида фан сифатида ривожланиш шарт – шароитлари ва тарихини ўрганади.

**Демографик статистика** – аҳоли сони, таркиби, жойлашуви, тақрор барпо бўлиш ва демографик жараёнлар ҳақида статистик услуг ёрдамида рақамли маълумотлар тўплайди.

**Этник демография асослари** – турли ҳалқлар ва этник гуруҳлар аҳолисининг сони, таркиби, тақрор барпо бўлиши ва демографик жараёнларини ўрганади.

**Иқтисодий демография асослари**. Аҳоли тақрор барпо бўлишининг иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ ҳолда ўрганади; демографик жараёнлар ҳусусиятларини иқтисодий структурага мувофиқ ва мувозанатга таъсирини таҳлил этади.

**Ҳудудий демография асослари** – маълум ҳудуд, мамлакат, давлатнинг ҳудудий бўлинмасидаги аҳоли сони, ёш – жинсий, оиласи таркиби демографик жараёнларининг ҳусусиятларини ўрганади.

**Тавсифий демографик** – демографик ходисалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, уларни ижтимоий – иқтисодий омиллар билан боғлиқлигини маҳсус демографик ва математик услублар ёрдамида ўрганади.

**Амалий демография асослари** – аҳоли ва демографик жараёнлар ҳақидаги маълумотларни шаҳарлар ва қишлоқларни, қурилишни, ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда, умуман инсон ҳаёти учун зарур бўлган воситаларни режалаштиришда ишлатилиши.

### **Демография асослари нинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.**

Аҳолининг тақрор барпо бўлиши ва унда содир бўлаётган ўзгаришлар инсонлар ҳаётидаги келиб чиқиши ижтимоий характерга эга турли муносабатлар таъсирида кечганлиги туфайли демография асослари қатор ижтимоий фанлар билан боғлиқ, жумладан бу тарих, иқтисодий фанлар, социология, ижтимоий психологик, ҳуқуқшунослик, аҳоли географияси. Бироқ демография асослари бу муносабатларнинг ўзини эмас, балки уларнинг аҳоли тақрор барпо бўлишига бўлган таъсирини ўрганади. Аҳоли тақрор барпо бўлиши қонуниятларини тушунтириб бериш учун демография асослари шу фанларнинг услублари, маълумотларидан фойдаланади. Аҳоли тақрор барпо бўлишининг қонуниятлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари тобора чукур ўрганиб борилиш демография асослари нинг бошқа фанлар билан алоқасини кучайтириб беради. Шу асосда баъзан демография асослари аҳоли ҳақидаги янада кенгроқ билимлар тизимининг элементи сифатида кўрилади.

Айниқса **демография асослари нинг тарих фани** билан алоқадорлиги катта, чунончи “тарих, бу алоҳида авлодлар алмашинуви ва уларнинг ҳар бири олдинги авлодлардан мерос бўлиб ўтган капитал, ишлаб чиқарувчи кучлардан фойдаланадилар.”

Аҳоли такрор барпо этилишини тарихий жараён сифатида кўрилиши унинг ижтимоий келиб чиқишини тўлалигича ёритиш имконини беради. Демография асослари тарих фани билан демографик тарихни ўрганишда уйғунлашади; мазкур тарих баъзан тарих фанининг обьекти сифатида кўрилади, лекин айни вақда демографик тадқиқотларнинг бир йўналиши ҳам саналади. **Этнография** демография асослари га турли халқлар маданиятининг таъсирини ёритишда ёрдам беради; демография асослари **архиология** билан **палеодемография асослари** орқали билвосита боғлиқ бўлиб, бу фан узоқ ўтмишдаги демографик жараёнларни ёритиб беради.

Демография асослари нинг **иқтисодий фанлар** билан боғлиқлиги демографик жараёнларга ишлаб чиқарувчи кучлар, ишлаб чиқариш муносабатлари, айниқса бандлик кабилар таъсирининг характеристери орқали ифодаланади.

Аҳоли такрор барпо бўлишининг жамият тараққиётининг ҳар бир босқичидаги ижтимоий институт, ижтимоий алоқалар ва меъёрлар билан боғлиқлиги демография асослари нинг **социология**, жумладан никоҳ ва оила социологиси билан ўзаро алоқадорлигини ифодалайди.

**Ижтимоий психология** демография асослари билан демографик майл, унинг демографик жараёнларни ижтимоий бошқариш механизмидаги ролини ўрганиш борасида тўқнашади.

Инсонларининг хулқ – атвори (масалан, никоҳга кириш ёки уни бекор қилиш) хукуқий меъёрлар билан ҳам тартибга солинганлиги, демографик сиёsat эса қонунчилик билан мустаҳкамлангани боис демография асослари да **хукуқшунослик** билан уйғунлашувчи тармоқлар мавжуд.

Инсон популяциясида индивидларнинг биологик хусусиятлари мавжудлиги демография асослари ни ижтимоий ва табиий фанлар чегарасида бўлган баъзи фанлар билан боғлади. **Ижтимоий гигиенада** инсон саломатлиги, меҳнат шароитлари, турмуш тарзи кабиларнинг касалланиш ва ўлим сабабларига ўтказган таъсирлари борасида олиб бориладиган тадқиқотлар демография асослари га ўлим омилларини аниқлашда ёрдам беради. Туғилиш динамикаси ва омилларини ўрганишда аёллар соғлигининг таҳлили, жинсий ҳаёт, сақланиш услублари, фарзандлар туғилишининг микдори кабилар мухим. Тиббий – биологик тадқиқотлар натижалари аҳолининг турли гурӯхларида ва характеристини тушунтириш учун хизмат қиласи; айни вақда демографик жараёнларининг тиббий – биологик омиллари ижтимоий гигиена тадқиқотларининг мухим йўналиши саналади. Ўлимни ўрганиш борасида демография асослари **геронтология** билан алоқада бўлади. Мазкур фан инсон қаришининг қонуниятларини ўрганади, лекин демографик қариши жараёнини – қариялар салмоғининг ошиши, бунинг сабаблари тўлалигича демографик тадқиқотлар доирасига киради. Демография асослари нинг **антропология, популяцион генетика, инсон экологияси, одам физиологияси, тиббий генетика ва руҳшунослик** каби одамни биологик эволюциясининг маҳсули ва обьекти сифатида кўриб ўрганувчи табиий фанлар билан боғлиқлиги демографик жараёнларнинг ижтимоий характеристи билан боғлиқ.

Ўз навбатида бошқа фанлар, биринчи ўринда ижтимоий фанлар, демографик омил ва қонуниятлардан ўз воқелик мухитларини чуқурроқ тушуниш мақсадида фойдаланади, айни вақтда бир хил демографик статистика маълумотлари турли фанлар учун дастлабки база сифатида хизмат қилиши мумкин. Масалан, туғилиш ва ўлим қонуниятлари шунингдек уларнинг аҳолининг ёш – жинсий таркибига бўлагн таъсири **иқтисодиётда** меҳнат ресурсларини тақсимлаш учун зарур, **этнографияда** – этник бирликлар динамикасини ўрганиш учун, **социологияда** – аёлнинг жамият ва оиладаги ижтимоий ролини таҳлил қилиш учун зарур.

Шундай қилиб, аҳоли тақрор барпо бўлишининг хусусиятлари демография асослари учун тадқиқотларининг асосий обьекти саналса – да, бошқа фанларда маълум жараёнларнинг омиллари сифатида намоён бўлади. Бундай чегараланиш демография асослари ва бошқа фанлар предметлари ўртасида чегаралар белгилаш имконини беради. Шу билан бирга мазкур чегараланиш аниқ тадқиқот фаолиятида шу каби чекланиш бўлишини англатмайди. Алоҳида йирик ижтимоий – демографик муаммоларни ишлаб чиқариш зарурати, масалан, аҳоли ўсиши ва атроф – мухит ҳолатининг ўзаро боғликлиги, этник ва демографик жараёнларнинг алоқаси, соғлиқни сақлашнинг самарадорлиги каби ва бошқа турли фанлар тўқнашувида олиб бориладиган фанлараро тадқиқотларларнинг салмоғини оширади. Мазкур чегарарадаги билимларни нисбатан мустақил илмий фанларга ажратиш тенденцияси ҳам сезиларли даражада (жумладан, бу ҳолат демография асослари нинг иқтисодиёт, тарих, этнография, ижтимоий гигиена билан чегараларида юз бермоқда); шунингдек турли билим соҳалари мутахассисларининг комплекс илмий ишлар олиб бориш мақсадида бирлашишлари ҳам тез – тез учрайдиган ҳолат бўлмоқда.

Шунингдек демография асослари фалсафа, экология, иқтисодий ва ижтимоий география фанлари билан ҳам боғлиқдир.

### **Мавзу. Аҳоли таркиби ва демографик жараёнларни ўрганиш манбалари**

Аҳоли сони, таркиби ва демографик жараёнларни ўрганишда маҳсус маълумотлардан фойдаланилади. Бу маълумотлар демографик маълумотлар деб аталиб, уларга аҳоли ва демографик жараёнларга оид нашр этилган рақамли маълумотлар, илмий манбалар, маҳсус тадқиқот натижалари киради.

Демографик маълумотлар *худудлар* учун (дунё, қитъа, алоҳида давлат, шаҳар, қишлоқ, туман) жамият тараққиётидаги *турли тарихий даврлар* учун, аҳолининг турли *ижтимоий гуруҳлари* (миллатлар, ишчилар, хизматчилик, тадбиркорлар ва ҳ.к.) алоҳида тўпланади. Шунингдек демографик маълумотлар бирламчи ва иккиласми харakterга эгадир.

**Бирламчи маълумотлар** – демографик жараёнлар ҳакида тўпланган дастлабки статистик, жадваллар ва маҳсус кўрсаткичлар. **Иккиласми маълумотлар** бирламчи маълумотлар асосида олиб борилган илмий таҳлил ва ҳисоб – китоблар.

Демографик жараёнларни ўрганишда жуда кўп маълумотлардан фойдаланилади. Уларга қуйидаги маълумотларни киритиш мумкин; фуқаролик ҳолатини қайд этувчи (туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш) маҳсус ҳужжатлар, аҳоли рўйхати маълумотлари, социологик тадқиқот натижалари, илмий манбалар, турли адабиётлар ва қонуний ҳужжатлар. Кўпчилик давлатларда демографик маълумотлар статистика ташкилотлари томонидан тўпланиб борилади. Тўпланган демографик маълумотлар ўрганилаётган худуднинг демографик ҳолатини ўрганиш, демографик жараёнлар билан боғлиқ ижтимоий – иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, демографик башоратларни ишлаб чиқишида илмий асос бўлиб хизмат қиласи.

Демографик маълумоталарни аҳолини рўйхатга ўтказиш йўли биланми ёки маҳсус социологик тадқиқотлар йўли билан тўплаш учун ҳар бир давлат, илмий ташкилотлар олдиндан илмий асосланган дастур тузади ва ана шу дастур асосида иш олиб боради.

Дунё миқёсида демографик маълумотлар тўплашда эса БМТ ташкилоти бошчилигида дастур тузилади ва барча ўрганилаётган дунё худудларидан ана шу битта дастур асосида маълумотлар тўпланади. Аҳоли сони, таркиби, оила ва деомграфик жараёнлар ҳакида батафсил маълумотлар асосан **аҳоли рўйхати ўтказиши** орқали тўпланади.

## **2. Аҳоли рўйхати ўтказишининг мақсади ва моҳияти.**

Аҳолини рўйхатдан ўтказиш, бу маълум даврда мамлакат ёки алоҳида бир ҳудудда яшовчи ҳар бир фуқаро ҳақидаги демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни

тўплаш жараёни. Шунингдек аҳолини рўйхатдан ўтказишга мазкур маълумотлар ҳақидаги ҳисобот, уларни тизимиға тушириш ва нашр этиш ҳам киради.

БМТнинг Статистика комиссиясининг таърифича, **аҳолини рўйхатдан ўтказиш** – бу маълум вақт мобайнида мамлакат ёки унинг аниқ белгиланган бир худудидаги барча шахсларга тегишли демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиши, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил қилиш, чоп этиш ёки бошқа йўл билан тарғибот қилиш ишларидан иборат яхлит жараён.

Аҳолини рўйхатдан ўтказишнинг **мақсади** – аҳоли сони ва жойлашуви ҳақида маълумотга эга бўлиш, бу эса мамлакатнинг иқтисодий ҳаётини ташкил қилиш, қонунчилик муассасаларига кадрлар белгилаш ва аҳолини илмий ўрганиш учун зарур.

Аҳоли сони ва таркиби ҳақидаги маълумотлар, бу ҳар вақтда ё аҳолини рўйхатдан ўтказиш, ё рўйхат натижаларидан қилинган ҳисоботлардир. Шундай қилиб, аҳолини рўйхатдан ўтказиш бу аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи. Аҳолини рўйхатдан ўтказиш материалларини ўрганиш борасида аҳолининг турли уйғунлашган белгилар бўйича гурухланишлари ҳақида маълумотларга эга бўлиш мумкин. Масалан, аҳолини ёш ва яшаш манбаи бўйича, ёки турмуш қурган аёлларни – миллати ва фарзандлари бўйича. Бундай маълумотларни бошқа манбалардан олиб бўлмайди, фақат аҳолини рўйхатдан ўтказиш бу имкониятни беради, айниқса барча аҳоли учун бериши қимматлидир.

### **3. Аҳоли рўйхати ўтказиша ҳисобга олинадиган аҳоли категориялари.**

Аҳоли категориялари – маълум аҳоли масканида яшовчи ва шу маскан билан боғлиқ аҳоли гурухининг умумий хусусиятлари тушинилади.

Статистикада аҳолини уч категорияга бўлиб ўрганади; доимий, мавжуд ва юридик (рўйхатдан ўтган) аҳоли.

**Доимий аҳоли** – маълум ҳудуднинг доимий яшовчи асосий аҳолиси ҳисобланади. Доимий аҳоли бўлиш учун ҳар бир давлатнинг ўз қонунлари бор. Масалан, Россияда доимий аҳоли бўлиши учун 1 йил Россияда яшаш лозим. Россияга 1 йил ва ундан кўп муддатга ўқишига, хизматга келган аҳоли ҳам доимий аҳоли ҳисобланади. Шунингдек, Россияда 1 йилдан кўп яшаган, шу жойда рўйхатда турган ва бошқа борор жойи бўлмаган шахслар доимий аҳоли ҳисобланади (В.И.Медков. Демография. М.:2004, 48 бет)

**Мавжуд аҳоли** – аҳоли рўйхати ўтказилган даврда, ушбу аҳоли масканида рўйхатдан ўтган ёки ўтмаганлигидан қатъий назар шу ерда яшовчи аҳоли гурухидир.

Мавжуд аҳолининг доимий аҳоли гурухига кирмайдиган қисми бўлиб, бу гурух **вақтинча яшовчилар** (вақтинча келганлар - ВК) дейилади.

Мавжуд аҳолининг яна бир қисми доимий аҳолига кириувчилар, лекин вақтинча шу масканда бўлмаганлар (**вақтинча бўлмаганлар** – ВБ)дир. Доимий аҳоли (ДА) = Мавжуд аҳоли (МА) – Вактинча келганлар (ВК) + Вактинча бўлмаганлар (ВБ) ёки

$$ДА = МА - ВК + ВБ$$

Юридик (рўйхатдан ўтган) аҳоли – аҳоли рўйхати ўтказилган даврда қаерда бўлишидан қатъий назар қадимдан ушбу ҳудудда рўйхатга олинган, полиция ходимлари, ҳарбийлар ва денгизчилар, элчилар ва уларнинг оиласидир. Улар алоҳида юридик гуруҳ сифатида қадимда рўйхатга олинар эди. Юридик аҳолини алоҳида гуруҳ сифатида Россияда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам 1897 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатида қайд этилган эди. (Ушбу даврда Ўзбекистон ҳудуди Чор Россиясининг колониялари таркибида эди.)

Кейинги аҳолини рўйхатдан ўтказишларда юридик аҳоли алоҳида қайд этилмаган.

### **4. Аҳоли рўйхати ўтказиши услублари ва тамойиллари.**

Аҳолини рўйхатдан ўтказиш мамлакатда яшовчи барча аҳолининг қамраб олади, чет элда вақтинча яшаётган фуқароларини ҳам, шунингдек мамлакат ҳудудидаги вақтинч аяшовчи аҳолини ҳам.

Одатда аҳолини рўйхатдан ўтказиш ҳар бир хонаданга ташриф буюриш ва ҳар бир хонадон яшовчиси ҳақида сўров йўли билан маълумот тўплаш усулида олиб борилади. Баъзан бундай маълумотларни, ёки уларнинг бир қисмини почта орқали жўнатилган саволномага почта орқали келган жавоблардан оладилар (АҚШ, 1970, 1980) ёки аҳоли маълум вақтда келиши лозим бўлган қайд этиш пунктларидан оладилар (ХХР, 1953, 1982).

Аҳолини рўйхатдан ўтказишида қуидаги **тамойилларга** асосланилади.

1. умумийлик (маълум худудни барча аҳолини қамраб олинади).
4. бир вақтлилик (одновременность), аҳоли ҳақида маълумоталр бир вақтга (рўйхат ўтказилган бир санага) тегишли бўлади.
2. ҳар бир шахс бўйича маълумот йиғиш (поименность).
7. ўз – ўзини намоён этиш ёки ўзи ҳақида маълумот бериш (самоопределение).
2. конфиденциальность – ҳисобчи шахс ҳақидаги маълумотлар сир сақланади.
4. бир хил дастурда ўтиши.
5. аҳоли рўйхати ўтказиши марказлашув (централизация) улубида қатъий бошқариш.

Аҳолини рўйхатдан ўтказиш чоғида ўзини – ўзи намоён қилиши тамоили қабул қилинган, яъни маълумотлар ҳар доимгидек хужжатлардан эмас балки одамларнинг сўзларидан олинади. Бу тадбир шу мақсадда қилинадики, баъзи жиҳатлар (хусусан этник муносиблик) умуман фақат сўралаётганинг ўзи билан, унинг ўзлигини билишига асосланиб аниқланиши мумкин; ҳамма маълумотлар ҳам хужжатларда тасдиқланмайди (уларда, шунингдек хатолар ҳам бўлиши мумкин); яна аҳолини рўйхатдан ўтказишига ишончни ошириш ва бу билан тўпланган ахборотнинг аниқлигини ошириш учун.

Аҳолини рўйхатдан ўтказиш XX аср 20 – йилларининг охирларидан, қисқа муддатда, бир неча кун ёки ҳафта давомида, одамлар камроқ ҳаракатда бўладиган вақтда (кўпинча қишида) олиб борилади. Барча ахборотларни аҳолининг бир кунлик рўйхатдан тамоилига кўра, аҳолини рўйхатдан ўтказишининг критик даврида йиғилади (одатда биринчи рўйхатдан ўтказиш кунига ўтар кечаси); унгача ўлган ва ундан кейин туғилганлар ҳисобга олинмайди.

Ўтмишда сўров вақтига қадар аҳолини рўйхатдан ўтказишининг критик даври белгиланмасди ва ахборотлар сўров вақтига кўра йиғиларди. XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб аҳолини рўйхатдан ўтказиш критик давргача ўтказилади, кейинги бир неча кунда ўлганлар ва туғилганлар ёзиларди (Россия, 1897). XX аср 60 – йилларининг ўрталаридан сўров критик даврдан кейин, қисқа муддатларда (бир – икки ҳафта), одамлар шу вақтда қаерда бўлганларини аниқ эслашлари учун олиб бориладиган бўлди.

Аҳолини рўйхатдан ўтказиш кунига ўтар кечаси аҳолининг асосий қисми ўз уйларида бўлади, шу вақтда ишда хизмат қилаётганлар уйдан ташқарида рўйхатга олинади. Сафардагилар поезд, автостанция, аэропорт, кемалар ва ҳ.к. ларда рўйхатга олинади. Ҳеч қаерда яшайдиганларни ўша вақда учраган ерларида рўйхатга оладилар (уйсизлар, кўчманчилар).

Аҳолини рўйхатдан ўтказишининг жавоблари рўйхатдан ўтказиш варақалар ёки ягона намунавий бланкларда қайд этилади (одатда бир оиласа битта бланк қофози). Бу ишни оғзаки савол – жавоб мобайнода рўйхатга олувчилар (счётчики, переписчики, регистраторы) (баъзи Европа, Осиё, Лотин Америкаси мамлакатларида) ёки аҳолининг ўзи ўзини – ўзи рўйхатдан ўтказиши чиғида (кўпчилик Европа давлатлари, Австралия, АҚШ, Японияда) бажарадилар. Ёзувлар сўз билан ёзиш ёки график услубларда олиб борилади. Кўп ҳолларда сўровномада эҳтимолий жавобларнинг асосий вариатлари кўрсатилиб, улардан мос келганини белгилаш қолади холос.

Ҳеч ким қолиб кетмаслиги ёки икки маротаба рўйхатга олинмаслиги чоралари кўрилади. Рўйхатдан ўтказишидан тониш ёки рўйхатдан ўтказувчи томонидан йиғилган шахсий маълумотларни ошкора қилиш кўп давлатларда жазоланади.

Маълумот тўплаш, бу аҳолини рўйхатдан ўтказишининг фақатгина дастлабки погонаси. Шахсий варақалардаги ахборотни бир хил жавоб қилган кишилар гурӯхларига

ажратиш лозим. Бу иш рўйхатдан ўтказиш материалларини ишлаб чиқариш йўли билан амалга оширилади. Варақалар тўлиқлиги текширилганидан кейин ёзувлар кодланади (шифрланади), яъни ҳар бир жавоб вариантига код – рақамли белги қўйилади. Масалан, иш жойининг номига қараб сўровчи ишлайдиган соҳа аниқланади ва код қўйилади. Кодли ёзувлар магнитафон лентасига ёзилади, ёки перфокартага туширилиб ҳисоблаш машиналарига киритилади. Кўп мамлакатларда компьютерларда ҳисобланиб маҳсус жадваллар тузилади (касби, ҳудуди, ёши, жинси ва бошқа жиҳатлар бўйича). Мазкур жиҳатларнинг уйғунлашуви ва уларга мос келувчи гуруҳлар тизими ҳудудий бўлинища аҳолини рўйхатдан ўтказиш материалларини ишлаб чиқши дастури деб аталади. Жадваллар сони аҳоли сонига қўра ўндан юзталаргача, бутун давлат учун эса мингталааб бўлиши мумкин. Жами аҳолини рўйхатдан ўтказиш натижасида бир неча миллион кўрсаткич тўпланади.

Энг муҳим кўрсаткичлар тезроқ, қолганлари босқичма – босқич олинади. Аҳолини рўйхатдан ўтказиш маълумотларининг тўлиқ ишлаб чиқилишибир неча йиллар давомида бажарилади. Жадваллар кўп жилдли нашрларда чоп қилинади. Буларнинг ҳаммаси аҳолини рўйхатдан ўтказишнинг ҳаражатларининг қимматлилигини кўрсатади. Шу боис кўп мамлакатларда аҳолини рўйхатдан ўтказиш ҳар 5 ёки 10 йилда олиб борилади.

Аҳолини рўйхатдан ўтказиш одатда умумий давлат статистика муассаси ёки унинг функцияларини бажарувчи ташкилот зиммасида бўлади. Аҳолини рўйхатдан ўтказишдан олдин бу ҳақда қонун ёки бошқа ҳукумат қарори чиқарилади. Баъзи давлатларда аҳолини рўйхатдан ўтказиш маҳсус қонун билан конститутида қайд этилган, чунки унинг маълумотлари айниқса ҳудудлардаги сайловчилар сони ҳақида ахборот келтиради. Аҳолини рўйхатдан ўтказиш ривожланаётган мамлакатларда ҳам муҳим, сабаби уларда аҳолини қайд қилиш ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Аҳолини рўйхатдан ўтказиш ишларидаги қийинчиликлар аҳолининг катта қисми саводсизлиги ва малакали ишчилар етишмаслиги билан боғлиқ.

### 5. Аҳоли рўйхати ўтказиш дастури.

**Аҳоли рўйхати дастурида** демографик жиҳатлар (жинси, туғилган санаси, ёши, ҳолати, фарзандлар сони), иқтисодий жиҳатлар (машғулоти, иқтисодий фаолиятининг тармоғи ёки тури, даромад манбаи, баъзан маоши, даромади, ишсизлар учун қатор саволлар), маълумотлилиги тавсифи (саводи, мактабга бориши, ўқиган йиллари, маълумот даражаси, касби, баъзан малакаси даражаси), этник жиҳатлар (у ёки бу ҳалқ ёки этник гурухга мансублиги, она тили, муомила тили, бошқа тилларнинг билиши, баъзан диний эътиқоди), бошқа жиҳатлар (фуқаралиги, жинси ва руҳий камчиликлари, урушда иштирок этгани). Маълум ижтимоий гурухга мансублиги ҳақидаги маълумотлар ҳам муҳим. Юқорида санаб ўтилган барча маълумотлар маълум ҳудудлардаги аҳолининг ижтимоий – демографик таркибини аниқлаш имконини беради. Рўйхатга олиш даврида ўз яшаш жойида ва бошқа ерда яшаб турувчи ҳақидаги маълумотлар одамларни аҳоли категориялари (тоифалари) бўйича тавсифлашга ёрдам беради. Булар эса ички миграция ҳақида тассавур ҳосил қилдиради. Кўчиб келган вақти ва қаердан келганлиги тўғрисидаги маълумотлар – ташки миграция ҳақида, иш ёки ўқиш жой тўғрисидаги – маятник миграцияси ҳақида ахборот беради.

Аҳолининг баъзи гурухлари учун дастур кенгроқ бўлади, масалан, никохланганларни никохнинг сони, қайд этилган санаси; никоҳда бўлиб чиққанларни – никоҳ турмуш ўртоғининг ўлими ёки ажралиш билан тугаганми; аёлларни – туғилган, шунингдек ҳаёт фарзандлари ҳақида сўрайдилар.

Аҳолини рўйхатдан ўтказишнинг дастури мамлакатдаги иқтисодий ва демографик вазият билан боғлиқ. Интенсив миграцияли давлатларда аҳолини рўйхатдан ўтказишда миграция батафсилроқ ўрганилади, аралаш этник таркибли давлатларда (мас. Ҳиндистон) – этник мансублик, нечта тил билиши аниқланади; аҳоли ўсишининг паст ёки баланд кўрсаткичли давлатларда туғилиш ўрганилади.

Ривожланаётган давлатларда демографик ҳодисаларни қайд қилиш яхши йўлга қўйилмаган ва у ерда аҳолини рўйхатдан ўтказиш дастурлариға тирик ва ўлик туғилган чақалоқлар, баъзан йил давомида (аҳолини рўйхатдан ўтказишдан олдинги йиллар) мазкур оиласда умумий нечта ўлим юз бергани ҳақидаги саволлар ҳам киритилади. Аҳолини рўйхатдан ўтказишнинг ушбу маълумотлари жорий қайд қилишникига нисбатан аниқроқ саналади. Дастур белгилари рўйхатдан ўтказиш варақасининг аниқ саволлар мажмуини белгилаб беради.

Аҳолини рўйхатдан ўтказиш оиласар, уй хўжаликлари бўйича ўтказилади, бунда оиласар таркиби ҳисобга олинади, шу боис сўралаётган одам оила бошлигининг ёки рўйхат варагаси биринчи бўлиб ёзилганинг кими бўлиши аниқланади. Мазкур савол бир оиласи бошқасидан ажратиб олиш, шунингдек оила (уй хўжалиги) ҳақида умуман маълумот йиғиш имконини беради.

Кўп мамлакатларда аҳолини рўйхатдан ўтказишда оила истиқомат қилаётган хонадон, уй ҳақида маълумотлар тўплайдилар (уйнинг алоҳидалиги, хоналар сони, қозон ўчоқ мавжудлиги), ёки аҳоли рўйхатдан ўтказиш турар жойни рўйхатдан ўтказиш билан бирга олиб борилади. Баъзан рўйхатдан ўтказиш бошқа турдаги рўйхатдан ўтказишлар билан бирга олиб борилади (Италияда – саноат ва савдони рўйхатдан ўтказиш билан бирга); аҳоли регистларини олиб борувчи давлатларда аҳоли рўйхатдан ўтказиш шулар асосида олиб борилади.(мас. Дания).

## 6. Аҳоли рўйхати ўтказиш тарихи.

Аҳолини рўйхатдан ўтказишнинг дастлабки, оддий шакллари Осиё ва Африканинг Қадимги давлатларида мил. ав. 3 – минг йилларда бўлгани маълум. Миср (мил. ав. 2800 -2250 й.), Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой (мил. ав. 2238 й.), Японияда ҳарбий ва солиқ йиғиш мақсадларида аҳоли рўйхатга олинган. Аҳоли рўйхати маҳсус усусларда, белгилар орқали ўтказилган. Масалан, ҳарбийлар сони найза ўқ учларидан аниқланган (скифларда), ёки тўп қилиб йигилган тошлар сонидан (Амир Темурда), Қадимги Юнонистон ва Қадимги Римда ҳам аҳоли қайд этиларди. Масалан, мил. ав. IV арсда Аттикада барча эркаклар қайд қилинган. Қадимги Римда мил. ав. 435 – йилдан бошлаб мунтазам равища ҳар 5 йилда ўтказилган. 510-йилда император Серви Тулл раҳбарлигига ҳар бир Рим фуқароси қасамёд қилиб сайланаётган цензларга ўз исми, ёши, оила аъзоларининг исмлари ва ёши, ўз мулки тўғрисида маълумот етказиши лозим эди. Мазкур ахборотлар аҳолини ҳарбий бўлинмалар бўйича бўлиш, Ҳалқ мажлисида овоз берганларни аниқлаш, солиқ белгилб, йиғиш учн зарур эди. Эрта феодализм даврида аҳолини қайд қилиниши кадастр ва маҳсус рўйхат дафтарлари (писцовые книги) билан боғлиқ. Уларда биринчи ўринда одамлар ёки оиласар эмас, балки солиқлар (уй, қозон-ўчоқ учун) турган. Мисол учун 1086 йили Вильгельм Истилочи томонидан Англиянинг 34 та графлигига ерлар рўйхатга олинган. Бу рўйхат “Даҳшатли суд китоби” номи билан машҳурдир. Ўрта асрларда аҳолини қайд қилиш бир қанча шаҳарларда олиб борилган (1449 йилда Нюренбергда, 1473 йилда Страсбургда), кейнчалик бошқа давлатларда ҳам ҳам қилинган (1567 Кантон, Цюрих) XVIII аср ўрталаридан аҳолини ўрганишга қизиқиш ошди. Уни қатор Еврпа давлатларида (Австрия, Бавария, Голландия, Дания, Испания); Осиё (Япония); Америкада қайд қила бошладилар. Бироқ бу тадбирлар бир неча йилга чўзилиб, жами аҳолини қамраб олмасди (айниқса юқори қатлам кишилари олинмаган) ёки фақат эркак аҳоли ўрганилган.

Хозирги тушунчадаги аҳолини рўйхатдан ўтказишнинг бошланишини одатда 1790 (АҚШ), 1800 (Швеция, Финландия), 1801 (Англия, Дания, Норвегия, Франци) йиллардаги аҳолини рўйхатдан ўтказишлар билан боғлайдилар. Унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тараққий этаётган капитлизмнинг аҳоли сони, жойлашуви, таркиби, ва бошқа жихатлари тўғрисидаги ахборотларга эҳтиёж сезганиндн келиб чиққан.

Тарихда аҳолини рўйхатдан ўтказишнинг уч босқичини ажратиш мумкин. Биринчи босқичида (XVIII аср охири- XIX аср биринчи ярми) а.р.ў.нинг асослари шаклланиб,

дастурлари белгиланган. Бу даврда ҳар 10 йилда АҚШ ва Англияда, ҳар 5 йилда – Франция ва Швецияда, ҳар 3-4 йилда Австрияда мунтазам аҳолини рўйхатдан ўтказишлар олиб бориладиган бўлган. Мазкур аҳолини рўйхатдан ўтказишлар маълум жиҳатларни кўриб чиқиб, бутун аҳолини қамраб олмаган; тўпланган маълумотларни ишлаб чиқиши кўп йилларга чўзилган. Шундай қилиб АҚШ даги биринчи аҳолини рўйхатдан ўтказишида (1970 й.) фақат уй хўжалиги бошлигининг исми, озод шахслар, оқ танли аёллар, қуллар сони қайд қилинган. Франциянинг аҳолини рўйхатдан ўтказишида (1801) уй хўжалиги бошлигининг жинси ва машғулоти ёзилган (дефқончилик, савдо ёки саноат).

Иккинчи босқичда (XIX аср иккинчи ярми- XX аср биринчи ярми) аҳолини рўйхатдан ўтказиш барча Европа ва Америка, баъзи Осий ва Африка давлатларида ўтказил бошланди. Назарий томондан ривожланиб бориб амалти такомиллашиб борди. Аҳолини рўйхатдан ўтказишдаги бўлимлар кўпайиб, дастурлари кенгайди.

Аҳолини рўйхатдан ўтказишнинг кейинги такомиллашуви учун 1846 йили Бельгияда А.Кетле раҳбарлигига олиб борилган аҳолини рўйхатдан ўтказиш бўлиб, бу унинг ҳозирги талқинига ўтишдаги тўнтариш саналади; илк бор бир кунлик аҳолини рўйхатдан ўтказиш олиб борили ва аниқ мавжуд аҳоли қайд қилинди. Янги маҳсус рўйхатга олиш варақалари вужудга кела бошлди, ўз-ўзини хисобга олдириш пайдо бўлди. Варақаларда жиҳатлар конкретлашди, айниқса ёш ва машғулотига тегишли. Шундай қилиб, дастлабки 2-3 йиллик гуруҳлар ўрнига 5-10 йиллик гуруҳлар, XIX аср 40-50 йилларида кўп давлатларда яшаб ўтган умр йиллари, сўнг туғилган кун, ой, йил, хисобга олинадган бўлди (Франция, Буюк Британия, Германия, Италия ва б.) Аҳолини рўйхатдан ўтказишдаги янги белгилар умумдемографик тавсифлар, саводлилик, маълумот даражаси, миграция, ўлим ва туғилиш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий тасиф билан боғлиқ эди. Доимий аҳолини қайд этишга, иккала категориясини бир вақтда ўрганиб, материалларни ишлаб чиқиши йўлга кўйилди. Аҳолини рўйхатдан ўтказиш тадбирларининг илмий асосланишига кўп жиҳатдан ҳалқаро статистика конгреслари туртки бўлган. Аҳолини рўйхатдан ўтказишнинг асосий қоидалари конгресснинг Брюссел сессиясида (1853) ишлаб чиқилган. Улар кейинги сессияларда такомиллаширилиб борилган в Петербург сессиясида (1872) бирлаштирилган. Конгрессларда аҳолини рўйхатдан ўтказишнинг асосий тамойллари, даврийлиги белгиланган, қайд қилинадиган аҳоли тоифалари кўриб чиқилиб, дастурлар қабул қилинган, бериладиган жиҳатлар тизими муҳокама этилган. Кейинчалик аҳолини рўйхатдан ўтказишнинг режалаштириш ва бошқа ишлар билан Ҳалқаро Статистика Институти шуғуллунган.

Мукаммал аҳоли рўйхатга ўтказишни ўз миллий қонун-қоидалари бордир. Унда аҳоли рўйхати аҳолининг жамиятни, яъни янги туғилган чақалоқдан бошлаб то энг кекса гуруҳгача қамраб олиш керак. Биринчи ана шундай мукаммал аҳоли рўйхати 1970 йили АҚШда, 1801 йили Франция, Дания, Норвегияда, Буюк Британияда ўтказилди. Лекин бу аҳоли рўйхатлари ҳам жуда оддий бўлган ва узоқ муддат чўзилган. Масалан, биринчи Америка аҳоли рўйхати 18 ой чўзилган.

XIX асрга келиб аҳолини ўрганиш жуда кенгайди. Статистика фан сифатида тараққий этди. Қатор Европа мамлакатларида статистик ташкилотлар тузилди. Аҳолини рўйхатга олиш илмий дастурлари асосида олиб борилди. 1870-1879 йилларда дунёда 48 та аҳоли рўйхати ўтказилган. 1880-йилларда эса 74 та аҳоли рўйхати ўтказилди. XIX аср охирида дунё аҳолисининг 21 фоизини рўйхатга олишган бўлса, XX аср бошида – 54 фоиз аҳоли рўйхатга олинди.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейин аҳолини ва унинг демографик гуруҳларини рўйхатга олиш яна ҳам ривожланиб кетди. 1945-1954 йилларда 151 давлатда, 1965-1974 йилларда 179 давлатда аҳоли рўйхати ўтказилади. Фақат баъзи бир ривожланаётган давлатларда иқтисодий-сиёсий сабабларга кўра аҳоли рўйхати ўтказилмаган.

Бугунги кунда барча давлатларда демографик гуруҳлар тарққиётини ўрганиш учун статистик маълумотлар мавжуддир. Аҳоли рўйхатлари илмий асосланган дастурлар орқали жуда кенг мавзуларни қамраб олган ҳолда ҳар 5-10 йилларда ўтказилиб турилади.

Хозирги даврда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари шу қадар кенг доирада тўпланганини улар асосида аҳолини ва ижтимоий – демографик гурухларни фақат миқдорини эмас балки уларнинг сифатий кўрсаткичларини, яъни маълумоти, оиласи ҳолати, ижтимоий аҳволи, ва бошқа хусусиятларини ҳам ўрганиш мумкин. Олинган маълумотлар компьютерлар ёрдамида ҳар бир йўналишлар бўйича алоҳида ўрганилиб статистик йилномалар тайёрлаб борилади.

Учинчи- замонавий босқич. XX аср ўрталаридан бошланган, бунга аҳоли тўғрисидаги маълумотларга талаб ошиб бориши сабаб бўлган. Осиё ва Африканинг қатор мамлакатларида аҳоли рўйхати ўтказишлар олиб борилиб, улар янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. 70-йилларда илк бор аҳоли рўйхати ўтказиш Омон Араб Республикаси, Қатар, БАА, Саудия Арабистони, Афғонистонда ўтказилган.

Аҳоли рўйхати ўтказиш дастурларини ўрганиш ва рўйхатдан ўтказиш усусларини, тамоил ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиши борасида, шунингдек Бутунжағон аҳоли рўйхати ўтказиш учун тавсиялар ишлаб чиқишида БМТ нинг ҳиссаси катта.

1982-йилнинг 1-январига қадар дунёда 2 мингтадан ортиқ аҳоли рўйхати ўтказиш олиб борилган. Терма аҳоли рўйхати ўтказишлар орқали катта ҳажмдаги ахборотларни олиш имконини берди. Аҳоли рўйхати ўтказишдан аввал аҳоли тоифалари аниқланади. Баъзи мамлакатларда фақат доимий аҳоли (АҚШ, Япония, Германия, Ҳиндистон, Финландия), бошқаларида- фақат мавжуд аҳоли (Буюк Британия, Бруней, Танзания, Туркия), учинчиларида- бир вақтнинг ўзида ҳам доимий, ҳам мавжуд аҳоли қайд қилинади (Болгария, Венгрия, Италия). Аҳоли рўйхати ўтказишдаги дастурлarda ўзгаришлар кузатилмоқда. Кўп давлатларда саводлилик, эътиқод, жинсий камчиликларни сўрашга эҳтиёж йўқ бўлган, бироқ аҳолининг маълумоти, касби, малакаси, иқтисодий жиҳатлари, туғилиш, миграцияси ҳақидаги ахборотга талаб ўсиб бормоқда. Аҳоли рўйхати ўтказиш дастурларида ретроспектив тавсифларга, аҳолининг худудий ва ишлаб чиқарувчи жиҳатларига қизиқиши ортмоқда. Масалан Венгриядаги 1980 йилги аҳоли рўйхати ўтказишда фаолият тарихи ўрганилган (илк бор ишга тушган йил, даврлардаги меҳнат фаолияти, туғилганида отасининг меҳнат тури ва ҳ.к.).

## 9. Ўзбекистонда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари.

Дунёдаги барча давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам демографик жараёнларни ўрганиш ўз тарихига ва хусусиятларига эгадир. Ўзбекистонда демографик жараёнларни ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан ташкил топган Статистика қўмитаси, хозирги кундаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси фаолияти орқали тўпланган фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид маълумотлар жуда катта аҳамиятга эгадир. Қўмита республика аҳолисининг сони, табиий ўсиши, никоҳ ва ажралиши, миграцияси, саломатлиги, ижтимоий-иқтисодий ҳолатига оид статистик йилномалар тайёрлаб, мунтазам равишда чоп этиб боради. Ана шу йилномалар Ўзбекистоннинг демографик ҳолатида рўй бераётган ўзгаришларни аниқлашда, муаммоларни белгилаб, истиқболни ишлаб чиқишида илмий асос бўлиб хизмат илади.

Ўзбекистонда оила ва демографик жараёнларни ўрганишда ўлка худудида ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари ҳам катта аҳамият касб этади. Илмий манбаларда кўрсатилишича, Республимкада дастлабки аҳоли рўйхати 1897 йили ўтказилган бўлиб, бу аҳоли рўйхати ҳозирги Ўзбекистон чегарасидаги барча худудларни қамраб ололмаган. Шундай бўлсада, ушбу рўйхат маълумотлари Ўзбекистонда XIX аср охирида истиқомат этган оиласи, аҳолининг сони, этник таркиби, туғилиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Ўзбекистонда кейинчалик 1926, 1939, 1959, 1970, 1979, 1989 йилларда аҳоли рўйхатлari ўтказилди. Бу аҳоли рўйхатларида ўлканинг демографик тарихини ўрганишда қимматли маълумотлар мавжуддир.

Демографик жараёнларни ўрганишда социолого-демографик тадқиқотлар ўтказиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Демографик жараёнларни социологик тадқиқотлар ёрдамида

ўрганиш социолого-демографик тадқиқотлар дейилади. Бундай тадқиқотлар ўтказиш услуги билан асосан демографик жараёнларни авлодлар бўйича хусусиятларини, омилларини ва муаммоларини атрофлича ўрганиш мумкин. Социолого-демографик тадқиқотлар, айниқса мунтазам аҳоли рўйхати ўтказилмайдиган ҳудудлар демографик ҳолатини ўрганишда катта ёрдам беради. Бунинг учун демографик жараёнларни ўрганишга оид мутахассислар томонидан маҳсус сўровномалар тузилиб, ўрганилаётган ҳудуд аҳолисига ёки ижтимоий гурухларга тарқатилади. Шунингдек, аҳоли ўртасида мутахассислар сўрономага асосан сухбатлар олиб борадилар ва керакли маълумотларни тўплайдилар.

Демографик жараёнларни социолого-демографик тадқиқотлар ёрдамида ўрганиш Ўзбекистонда асосан 1928-1930 йиллардан бошланган. 1960-70 йиллардан бошлаб эса, мукаммаллашиб, ривожланиб борди.

Шунингдек демографик жараёнларни мунтазам ўрганиб борища, маҳсус ташкилотлар орқали тўпланиб бориладиган маълумотлари ҳам асосий манба бўлиб хизмат қиласди.

### **Мавзу. Аҳоли сони, динамикаси**

22. Демографик баланс тенгламаси
23. Аҳоли сони динамикасининг нисбий кўрсаткичлари
24. Аҳолининг даврий ва ўртача йиллик ўсиш коэффициентлари
25. Аҳоли таркиби
26. Жинс ва аҳолисининг жинсий таркиби
27. Ёш ва аҳолининг ёш таркиби

Аҳолининг абсолют сони – маълум ҳудуд ёки аҳоли гуруҳидаги кишиларнинг маълум вақтдаги миқдорий ифодасидир. Демографияда аҳоли сони, энг умумий асосий кўрсаткич бўлиб, аниқ бир даврдаги аҳоли миқдорини англатади. Статистик манбаларда аҳоли сони маълум бир санага (1-январь, 1-июль ёки 31 декабрь) келтирилади. Масалан, Ўзбекистон аҳолиси 1991 йил 1 январда 20708,2 мингни, 2000 йил 1 январда эса – 24487,7 мингни ташкил этди. Бу кўрсаткичларни бутун йил учун қабул килиб бўлмайди, чунки йил давомида, яъни 1 январдан 31 декабрга қадар аҳоли сони туғилиш ва ўлим ҳисобига мунтазам ўзгариб туради.

Ҳар бир ҳудуд аҳоли сонини ўрганганда, юқорида қайд этилгандек, уни доимий (шу ҳудудда доимий рўйхатга олинган) ва реал (текширилаётган даврда шу ҳудудда маълум муддат яшаётган) аҳолига ажратилади.

Демографик тадқиқотлар олиб борища назарий аҳоли сони, ҳамда мавжуд, реал аҳоли сонидан фойдаланилади. Назарий аҳоли сони ўзгармас – стабил аҳоли сонидир. Стабил аҳоли сони лотинча *stabilis* сўзидан олинган бўлиб, доимий, ўзгармас деган маънони билдиради. Аҳолининг асосий категорияси мавжуд (наличные) аҳолидир. Демографик коэффициентларни ҳисоблаганде мавжуд (наличные) аҳоли сонидан фойдаланилади. Шунингдек, мавжуд аҳоли сони аҳоли рўйхатлари – орасидаги давр учун аҳоли абсолют сонини ўрганишда ҳам қўлланилади.

Аҳолининг абсолют сони мунтазам ўзгариб боради. Аҳоли рўйхатлари ёрдамида аҳоли абсолют сонини ўзгаришини аниқ ифодалаш мумкин. Аҳоли абсолют сонидаги ўзгаришлар аҳоли сони мунтазам кўпайиб борса ижобий, агар аҳоли сони камайса салбий хусусиятга эга бўлиши мумкин. Масалан Ўзбекистонда аҳоли абсолют сони 1897-1989 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатлари оралиғида мунтазам кўпайиб борган.

Аҳолининг абсолют ўсиши қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta_{t-0} = P_1 - P_0$$

$\Delta_{t-0}$  - абсолют ўсиш

$P_0$  – ўрганилаётган давр бошидаги аҳоли сони

$P_1$  – ўрганилаётган давр охиридаги аҳоли сони

(Медков В.М. Демография. М., 2004 с. 98)

## 2. Демографик баланс тенгламаси

Маълумки, давлат ёки ҳудуд ахолиси туғилиш ва иммигрантларни келиши ҳисобига кўпаяди, ўлим ва эмигрантларнинг кетиши ҳисобига камаяди. Демак, ахоли абсолют сонининг кўрсаткичи 4 таркибий қисм, яъни ташкил этувчидан иборат:

- Туғилиш сони
- Ўлим сони
- Иммигрантлар сони
- Эмигрантлар сони

Туғилганлар ва ўлганлар баланси – аҳолининг табиий ўсишидир (маълум даврдаги туғилганлар ва ўлганлар сони фарқи)

Иммигрантлар ва эмигрантлар баланси – аҳолининг механик ўсишидир. Агар ташқи миграция бўлмаса – ёпиқ аҳоли дейилади. Ташқи миграциянинг мавжудлиги эса аксинча очиқ аҳоли дейилади.

Аҳолининг табиий ўсиши ва сальдо миграция маълум даврдаги аҳоли сони ўзгариши компонентлари дейилади.

$$P_1 = P_0 + (B - D) + (M_1 - M_0)$$

P<sub>0</sub> – Аҳоли сони (ўрганилаётган давр боши)

B – ўрганилаётган даврдаги туғилганлар сони

D – ўрганилаётган даврдаги ўлганлар сони

M<sub>1</sub> – келганлар (иммигрантлар) сони

M<sub>0</sub> – кетганлар (эмигрантлар) сони

(Медков В.М. Демография. М., 2004 с. 100)

## 3. Аҳоли сони динамикасининг нисбий кўрсаткичлари

Аҳоли динамикасидаги ўзгаришларни абсолют кўрсаткичларда аниқлашни ўзига хос камчиликлари мавжуд. Ўрганилаётган давр қанча узоқ бўлса аҳоли сонидаги ўзгаришларни аниқлаш даражасининг сифати камаяди. Шунингдек, ўртадаги даврларни хусусиятлари тўла очилмай қолади. Бу борада аҳоли сонидаги ўзгаришларни нисбий кўрсаткичлар орқали аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

### 4. Аҳолининг даврий ўсиши коэффициентлари

Аҳолининг маълум бир даврда ўсишини аниқлашда энг оддий усул ўрганилаётган даврнинг бошидаги аҳоли сонига нисбатан, ўрганилаётган даврнинг охиридаги аҳоли сонини неча фоиз ошганини аниқлашдир.

$$K_{\text{ўсиш}} = \frac{P_1}{P_0} \times 100\%$$

Масалан: Ўзбекистон аҳолиси 01. 01. 1989 йилда 19,905 минг кишини ташкил этган. 01. 01. 2000 йилда эса – 24583 минг кишига етди. Ушбу ҳолда 1989-2000 йиллардаги аҳолининг ўсиш коэффициенти 123,5 % га тенгдир.

$$\left( K_{\text{ўсиш}}^{1989-2000} = \frac{24583}{19905} \times 100\% = 123,5\% \right)$$

Иккинчи усули ўрганилаётган даврдаги аҳоли сонининг абсолют ўсиш сонини ўрганилаётган давр бошидаги аҳоли сонига нисбати билан аниқланади.

$$K_{\text{ўсиш}} = \frac{P_1 - P_0}{P_0} \times 100\% = \frac{24583 - 19905}{19905} = 23,5\%$$

### 4. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати ва ўсиш коэффициентлари

Турли даврлардага аҳоли ўсиши суръатини таққослаш учун аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати ва ўсиш коэффициентларидан фойдаланилади. Бунинг учун ўрганилаётган даврдаги аҳолини умумий ўсиши аниқланиб логарифмлар ёрдамида тузилган махсус ўсиш ва камайиш жадвали (Айропетов) асосида ўртача йиллик ўсиш суръати ва ўсиш коэффициентлари топилади. Масалан, 1989-2000 йилларда яъни 11 йилда аҳолининг даврий ўсиш коэффициенти 123,5 фоизни ташкил этган. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиш ва камайиши жадвалидан 11 йил учун 123,5 фоиз ўсанлигини кўрамиз. 11

йилда Ўзбекистон аҳолисининг ўртacha йиллик ўсиши \_\_\_\_ фоизни, ўсиши эса ўртacha ҳар илии \_\_\_\_ ташкил этган экан (Айропетов... бет)

### **Мавзу. Аҳоли таркиби. Аҳолининг ёш-жинсий таркиби.**

Аҳоли таркиби деганда аҳолининг маълум ижтимоий – иқтисодий ва демографик белгилар асосида тақсимланиши тушунилади.

Асосан асосан куйидаги белгилар асосида тақсимланади:

- Биологик хусусиятга эга бўлган белгилар: (аскриптив) жинси, ёши, ирқи, этник гуруҳи
- Социал хусусиятга эга бўлган белгилар: никоҳ статуси (никоҳда туриши) саводлилиги ва маълумотлилик даражаси), келиб чиқиши, тили, фуқаролиги, профессиональ тайёргарлиги
- Иқтисодий хусусиятга эга бўлган белгилар: касби, бандлиги, бандлик соҳаси, даромад манбай
- Миграцион хусусиятга эга бўлган белгилар: туғилган жойи, мазкур аҳоли масканида неча йилдан бери яшаб келиши ва х.к.
- Демографик (витальный) белгилар: туғилиш ва ўлим, никоҳ ва ажралиш, никоҳга кириш ёши, ҳомиладорликлар сони, фарзандлар сони, ўлим сони ва х.к.
- Оиласий таркиби бўйича белгилар: оила ёки уй хўжалиги, оила турлари ва х.к.

Демографик тадқиқотларда асосан аҳоли тақрор барпо бўлишига бевосита таъсир қўрсатувчи аҳоли таркиби аҳамиятлидир. Уларга аҳолининг демографик таркиби ёки аҳолининг жинс, ёш, никоҳда туриши, оиласий статуси, демографик ҳодисалар бўйича таркиби киради.

Аҳолининг демографик таркибини ўрганишда асосий қўрсаткичлар – аҳолининг жинс ва ёш таркиби қўрсаткичларидир.

Ёш – инсон туғилганидан ҳаётининг маълум нуктасигача бўлган давр.

Биологик ва календарь ёшлар мавжуд. Ҳозирги даврда аҳолининг ёш структураси бўйича қуйидаги классификацияси берилган.

#### **Ёш классификацияси\***

Календарь ёш	Инсон ҳаёти даврлари
1 – 7 кунлик	Янги туғилган чақалоқ
7 кун – бир ёш	Чақалоқ
1 – 3 ёш	Эрта болалик
4 – 7 ёш	Биринчи болалик
8 – 12 (ўғил болалар)	
8 – 11 (қиз болалар)	Иккинчи болалик
13 -16 (ўғил болалар)	Ўсмирлар
12 – 15 (қиз болалар)	
17 – 21	Йигитлар
16 – 20	Қизлар
22 – 35 (эркаклар)	I – етуклик даври
21 – 35 (аёллар)	
36 – 60 (эркаклар)	II – етуклик даври

35 – 55 (аёллар)	
61 – 74 (эркаклар)	Кекса одамлар
56 – 74 (аёллар)	
75 – 90 ёш	Қари одамлар
90 дан юқори ёшдагилар	Узок яшовчилар

\*Народонаселение: Энциклопедический словарь. М., 1994 с. 461

Аҳолининг ёш таркиби – ижтимоий – иқтисодий ва демографик жараёнларни ўрганиш мақсадида аҳолининг ёш гурухларга бўлинишидир. Аҳоли ёш гурухлари ва демографик жараёнлар ўзаро узвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Аҳоли таркибида ёшлар (0 – 9, 10 – 19, 20 – 29 ёшида) салмоғининг юқорилиги никоҳ ва туғилиш каби демографик жараёнларга ижобий таъсир этади. Айни пайтда туғилиш юқори бўлган ҳолларда худудларда болалар, ёшлар салмоғи юқори бўлади. Туғилиш даражаси паст бўлган ҳолларда эса аҳоли таркибида қариялар (60 ёш ва ундан юқори) салмоғи юқори ва ўлим ҳоллари кўпроқ содир бўлади. Демографик нуқтаи назардан ёндашганда аҳолининг бугунги ёш таркиби кечаги аҳоли такрор барпо бўлишининг натижаси ва келажакдаги демографик ривожланишнинг асоси бўлиб хизмат қиласди.

Аҳоли ёш таркибини ўрганганда аҳолининг алоҳида ҳар бир ёшларга (0,1,2,3,4,5...100 ва ундан юқори) беш йиллик ёш гурухларига (10 – 14, 15 – 19...) ва уч ирик – ирик гурухларига (0 – 14, 15 – 60, 60 ва ундан юқори) ажратилади.

Аҳоли ёш таркиби демографияда асосий ўрганиш обьекти сифатида ўз келиб чиқиш ва ривожланишига эга. Ушбу ривожланишни қўйидаги йўналишларга ажратиш мумкин: а) алоҳида ёш гурухлари ва уларни нисбатларини статистик таҳлили; б) аҳоли ёш таркибининг шаклланиш қонуниятлари ва уларнинг демографик ривожланишнинг омили сифатидаги ўрни; в) аҳоли ёш таркиби ва ижтимоий иқтисодий жараёнларни ўзаро боғлиқлиги.

Аҳоли сонининг ўсиб боришида унинг ёш таркиби асосий омил ҳисобланади. XX асрнинг ўрталарида иқтисодий ривожланган давлатларда аҳоли такрор барпо бўлиши туғилиш даражасининг нисбатан пастлиги ва аҳоли умумий таркибида болалар салмоғининг камлиги билан характерланади. Ривожланаётган давлатларда эса ана шу даврда нисбатан юқори туғилиш ва аҳоли таркибида болалар салмоғининг юқорилиги характерли эди. Туғилиш юқори ва уни назорат этиш даражаси паст бўлган шароитда аҳолининг ёш таркиби, аҳоли сони ўсиб боришига бевосита таъсир этади.

Ёш аккумуляцияси – баъзи ёш гурухларидаги аҳоли сонини ўзидан олдинги ёш гурухидаги аҳоли сонидан ошиб кетиши. Бу ҳол кўп ҳолларда аҳоли ўзини ёшини яхлитлаб айтиши сабабли содир бўлади. Кўпроқ 60 ёшдан кейин кексалар ёшларини кўпайтириб айтадилар. Натижада баъзи ёшдаги аҳоли сони ўзидан олдинги ёшдан ошиб кетади. Масалан, 1897 й. аҳоли рўйхатларининг таҳлилидан 70 ёш эркаклар, 75 ёш аёллар сони 69,74 ёшдаги аҳоли сонидан ошиб кетган.

Ёш аккумуляциясини Мьер ва Уипла индекслари ёрдамида ўлчанади.

Уипла ( $J_\omega$ )

$$J_\omega = \frac{\sum_{k=25}^{60} P_{5k}}{\sum_{x=23}^{62} P_x} \times 100\%$$

$P_{5k} = P_{25}, \dots, P_{60}$  – 25, 30, ... 60 ёшдаги аҳоли сони

$P_x = 23 - 62$  ёшдаги аҳоли сони

Ушбу индекс қанча кичик бўлса ёш аккумуляцияси ҳам кичик бўлади. Масалан, Россияда индекс Уипла 1897 – 125, 1989 – 98 га teng бўлган (Медков В.М. Демография, с. 129) Аҳолининг ёш таркиби аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичи билан бевосита

боғланган. Сабаби, қайси давлатларда аҳолининг табиий ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткич юқори бўлса ўша давлатдаги аҳолининг ёш таркибида болалар ва ўсмирлар салмоғи, меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишилар ҳиссаси юқори бўлади. Бундай ҳолат дунё миқёсида ривожланаётган мамлакатларда яққол кузатилади. Аксинча, ривожланган, иқтисодий жиҳатдан етук давлатлар аҳолисининг ёш таркибида катта ёшлилар ва қариялар улуши кўп бўлиши билан бирга, болалар кам сонни ташкил қилмоқда.

Буларга мисол қилиб, Хорижий Европа давлатларини, Россияни келтириш мумкин. Мазкур давлатларнинг меҳнат ёшидаги етишмаётган аҳолисининг ўринини юқоридаги ривожланаётган давлатлардан келиб ишловчилар яъни, мигрантлар тўлдиради. Демак, аҳолининг ёш таркибида миграция жараёни қайсиdir тарзда муҳим аҳамият касб этади.

Инсоннинг иқтисодий, биологик ва календар ёшлари мавжуд бўлиб, улар ўз илмий таърифлари ва хусусиятларига эгадир. Демографик нуқтаи-назардан инсон умри турли даврларга бўлинади (гўдаклик, болалик, ёшлик, етуклик, меҳнатга қобилиятлилик даври ва қариялик). Умуман дунё миқёсида аҳоли ёш таркиби бўйича учта демографик гурухларга ажратилади. Буларга 0-14 ёш (болалар), 15-64 ёш (меҳнат ёшидаги аҳоли), 65 ёш ва ундан юқорилар (қариялар) киритилади.

Аҳолининг ёш таркиби жуда қадимдан мавжуд бўлиб келаётган демографик ҳолат, яъни демографик эволюциянинг натижаси бўлиб у айни пайтга келажакдаги демографик вазиятнинг замини бўлиб хизмат қиласди.

Дунёнинг ҳар бир ҳудуд ва давлатларининг ўз демографик тарихи хусусиятлари ҳамда аҳоли ёш таркибига таъсир этувчи омиллари мавжуддир. XX аср бошларида швед демограф олими Г.Сундберг аҳолининг ёш таркибига қараб уч турга бўлди:

- Прогрессив.
- Стационар.
- Регрессив.

*Прогрессив*- ёш таркибида аҳоли умумий миқдорида болалар (0-14 ёшдаги) салмоғи қарияларга (65 ёш ва ундан юқори) қараганда юқори бўлган ҳудудларда кузатилиб уларнинг аҳолиси мунтазам кўпайиб боради. Бу ёш таркибига Африка ва Осиё давлатларини киритса бўлади. Дунё бўйича 15 ёшдан кичиклар жами аҳолининг 30 фоизини (2003 йил) ташкил қиласа, Африкада 42 фоизни, Осиёда 30 фоиз, Европада 17 фоизга тенг. Бизнинг республикамиз аҳолиси ёш таркибида айнан шу ёшдагилар дунё кўрсаткичидан баланд (38 фоиз) лиги билан тафсифланади.

*Стационар*- ёш таркибида аҳоли умумий миқдорида қариялар салмоғи ёшлар билан тенгдир. Стационар ёш таркибида аҳоли сони бир хил миқдорда туради. Аҳолининг тез камайиши ёки камайиши кузатилмайди.

*Регрессив*- ёш таркибида аҳоли умумий сонида қариялар салмоғи болаларга қараганда юқори бўлади. Бундай ҳолда эса аҳоли сони аста-секин камайиб боради ва “депопуляция” ҳолати юз беради. Аҳоли “қариб” бориши кузатилади. Дунё аҳолисининг атиги 7 фоизи (2003 йил) 64 ёшдан катталарга тўғри келади. АҚШ (13 %), Канада (13%), Европа (15 %), Океания (10%) давлатларининг аксариятида 64 ёшдан катта ёшдагилар салмоғи дунё аҳолисининг айнан шу ёш таркиби бўйича умумий кўрсаткичидан устунлиги кузатилади.

Дунё аҳолиси ёш таркиби бўйича ҳудудий хусусиятларга ҳам эгадир.

Жумладан, ер шари аҳолиси ёш таркибида 1970 йиллардаги аҳволни кўриб чиқилганда 15 ёшгача бўлганлар миқдори ва ундан юқори ёшдагилар кўп сонни ташкил этганлиги жадвал маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Европа ўша йилларда ҳам ундан кейинги вақтда ҳам 65 ва ундан катта ёшдагилар сони юқорилиги билан ажралиб келмоқда. Иккинчи ўринни (қариялар салмоғи бўйича) Океания ва Америка давлатлари эгаллайди. Ушбу таҳлилдан аҳоли ёш таркибини иккита асосий типга ажратиш мумкин.

Биринчи типда (туғилиш ва ўлим юқори бўлиб, ўртacha умр кўриш даври қисқа бўлган ривожланаётган давлатлар) болалар, ўсмирлар миқдори устун, қариялар ҳиссаси унча катта эмас.

Иккинчи типда Шимолий Америка, Европа, Япония, Австралия мамлакатларига хос (туғилиш кам, ўлим паст кўрсаткичга эга, узок умр кўрувчилар кўп сонли) болалар ва ўсмиirlар сони қисқариб, қариялар улуши ошиб боради.

Географик минтақалар доирасида таққослагандан Ўзбекистон биринчи типга хос давлат саналади. Республикаизда болалар салмоғи юқори. Бунга ўзбек оиласарида туғилиш суръатининг баландлигидир. 1970 йили 0-14 ёшдаги болалар жами аҳолининг 45 фоизини ташкил этган бўлса, 2004 йилда ушбу кўрсаткич 38 фоизни ташкил қилган. Иккинчи ўринни 15-64 ёшдагилар эгаллайди. Ушбу ёшдаги аҳоли жами аҳолининг тенг ярмига teng (58 фоиз). Қариялар сони камчилик бўлиб атига 10 фоиз (жадвалга қаранг).

### **Мавзу. Аҳолининг ёш-жинсий таркиби**

Жинс – жинсий кўпайишни таъминлайдиган, организмнинг генетик, физиологик ва морфологик белгилар мажмуудир (Медков В.М. Демография. М., 2004 111 бет).

Жинс – жуда кенг тушунча. Жинсни тушунишда, таърифлашда ҳар бир фан ўз нуқтаи назаридан ёндашади. Масалан, жинс – биологияда – жинсий кўпайишни таъминлайдиган, ҳамда эркак ва ургочи организмларни фарқ қилишга имкон берадиган белгилар мажмуи. Жинс – геологияда – муайян белги ва хоссаларга эга бўлган структура, модда (масалан, тоғ жинслари); жинс – мусиқада – ўтмиш шарқ мусиқа илмида бир нечта дуъдлар қўшилишидан ҳосил бўлган мусиқа товушлари (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. З том, 607 бет. Тошкент, 2002 й.) Инсонга нисбатан жинс – эркак ёки аёлнинг шахсий биологик ва социал статусини намойиш этадиган жисмоний (генетик, морфологик ва физиологик) репродуктив, аҳлоқий, социал, социал – психологик белгилар мажмуудир (народонаселение энциклопедический словарь М., 1994. с.327) Кейинги пайтда фанда биологик ва социал жинслар ҳақида тушунчалар шаклланган. Социал жинс – гендер деб аталмоқда. Социал жинс эркак ва ёки аёлнинг жамиятдаги социал ўрнидан келиб чиқмоқда. Жинсий белгилар асосида демографияда аҳолининг жинсий таркиби тузилади. Жинсий таркиб – аҳолининг эркаклар ва аёлларга бўлиннишидир. Аҳолининг жинсий таркиби – никоҳга кириш ва аҳолининг оиласи таркибининг шаклланишида асосий демографик заминидир. Демографияда жинслар муносабатини аниқлашда икки хил кўрсаткич кўлланилади. 1. Жами аҳоли таркибида жинслар салмоғи – фоиз хисобида. Масалан, 2000 йил Ўзбекистонда жами аҳоли 24582,8 минг кишини ташкил этади. Улардан эркаклар 12232,7 ва аёллар 12350,1. Ушбу кўрсаткичлар асосида жами аҳоли таркибида эркаклар 49,8 фоизни, аёллар эса 50,2 фоизни ташкил этишини аниқлаш мумкин.

Аҳоли жинсий таркибини ўрганишда аниқ кўрсаткич ҳар 1000 та эркакларга нисбатан аёллар сони, ёки ҳар 1000 та аёлларга нисбатан эркаклар сони ифодасидир. Ушбу кўрсаткич орқали маълум худуд жами аҳолисининг ва аҳоли ёш гурухлари (0 – 9, 10 – 19, 20 – 29...) жинсий таркиби ўрганилади. Мисол тариқасида, юқорида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, аёллар сонини эркаклар сонига бўламиз ва натижани 1000 га кўпайтирамиз. 2000 йилда Ўзбекистонда ҳар 1000 та аёлга 991 эркак тўғри келар экан, ёки эркаклар аёллардан камроқ экан. Ана шундай услуг билан алоҳида ёш гурухлари учун ҳам аёллар ва эркаклар нисбати аниқланади.

Аҳоли ёш таркиби уч асосий омил таъсирида шаклланади;

- янги туғилганлардаги жинсий нисбат;
- ўлимдаги жинсий фарқ
- аҳоли миграциясидаги жинсий фарқ

Демографияда ва статистикада бирламчи, иккиламчи ва учламчи жинсий нисбатлар мавжуд. Бирламчи нисбат – ҳомиладорликдаги қиз ва ўғил болалар нисбати. Илмий манбаларда қайд этилишича 100 та қиз бола ҳомилага 125-130 та ўғил бола ҳомилалар туғилар экан. Иккиламчи нисбат – тирик туғилган ўғил ва қиз болалар нисбати. Тадқиқотлар кўрсатишича ҳар 1000 та чақалоқдан 488 таси қиз ва 512 таси ўғил болалар экан (ёки 100 та қиз болага 105 – 106 та ўғил бола, Хитойда ўғил болалар кўп туғиляпти –

100 та қиз болага 1980 йил 107,4 ўғил бўлса, 1993 йил 100 та қиз болага нисбатан 114,1 ўғил бола туғилган – бу муаммо) Учламчи нисбат – репродуктив ёшдаги эркаклар ва аёллар нисбати – демографик ривожланишда энг аҳамиятли нисбат Аҳолининг ёш ва жинсий таркибидаги ўзгаришлар (демографик таркиби) жамиятнинг демографик ҳолати билан чамбарчас боғлиқ. Демографик ҳолат эса аҳолининг ёши ва жинсий таркиби, никоҳга кириши ва никоҳнинг бекор этилиши (ажралиш), туғилиш, ўлим ва миграция каби жараёнларда ифодаланади. Аҳоли таркибida эркаклар ва аёллар салмоғининг тенглиги, яъни мутаносиблиги уларнинг никоҳга киришига ва оилалар ташкил топишига кулай вазият яратади. Лекин ҳар доим ҳам жамиятда эркаклар ва аёллар салмоғи тенг бўлавермайди. Статистик маълумотларга қараганда ҳар 100 та қиз болаларга нисбатан туғилган ўғил болалар сони 104-107 тани ташкил этади. Ўғил болалар микдорининг қиз болаларга нисбатан юқорилиги уларнинг 15-20 ёшларигача сақланиб боради. 20 ёшдан кейин эса жинслар ўртасидаги нисбат тенглаша бошлади. Чунки, чақалоқлик, болалик ва ўсмирик даврида қиз болаларга нисбатан ўғил болалар ўлими юқорироқ бўлди. 15-20, 20-24 ёш гурухларидан бошлаб бир қатор сабаблар туфайли аҳоли таркибida аёллар салмоғи нисбатан ошади. Ёшлик ва ўрта ёшлик даврида эркакларнинг кўп қисми оғир меҳнат билан машғул бўладилар. Шунингдек, улар инсон саломатлиги учун заарли бўлган алкогизм, чекиш каби заарли одатларга берилувчанлиги сабаб қўплаб эркаклар ўрта ёшлик даврларида ҳаётдан эрта кўз юмадилар. Ёш ва ўрта ёш эркакларнинг ўлимiga давлатлар, халқлар ўртасида содир бўладиган урушлар ҳам сабаб бўлади. Ер шари аҳолисининг жинсий таркиби деярли тенг. Жанубий мамлакатлар ҳисобланмиш Осиё ва Африка давлатларида эркаклар салмоғи аёлларга нисбатан бир мунча кўп. Масалан, Осиё қитъасидаги аҳоли таркибida эркаклар аёлларга қараганда анча ортиқдир. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, 1985 й. Осиёда эркаклар аёлларга нисбатан 58 млн. кўп эди. Бундай хол Океанияда ҳам кузатилади. Шунингдек, шунингдек дунё миқёсидаги иқтисодий жиҳатдан бақувват давлатлarda аёллар сони эркаклар сонидан кўп. Сабаби бу давлатлардаги эркаклар орасида ўлим юқори, айниқса катта ёшли эркакларда. Масалан, 1985 йилда ҳар 1000 та аёлга Германияда- 910, Францияда- 951, Англияда- 954, Италияда- 946, Канада- 978, АҚШ- 949 та эркак тўғри келган. 2000 йилга келиб бу кўрсаткич ташкил этди. Буларнинг сабаби юқорида айттанимиздек аксарият эркакларнинг оғир меҳнат билан шуғулланишлари, баҳтсиз ҳодисалар, урушлар ва алкогизм, гиёҳвандлик каби заарли одатларга берилувчанлик кабиларир. Бунга сабиқ Иттифоқда 1941-1945 йиллардаги уруш туфайли миллионлаб эркакларнинг қирилиб кетиши ҳам яққол мисол бўла олади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда аёллар нисбати юқори бўлган давлатлар қаторига сабиқ Иттифоқ давлатлари ҳам киради. Эркакларнинг салмоғи юқори бўлган ривожланаётган давлатлар ва Осиё қитъасида аёллар ўртасида ўлим кўп кузатилади. Айниқса, Осиёдаги давлатларда эркаклар салмоғи аёлларга нисбатан анча юқори бўлиб, ҳар 1000 та аёлга 1041 нафар эркак тўғри келади. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги географик фарқлар асосан, аҳолининг ёш-таркиби билан боғланган. Болалар ва аёллар салмоғи қанчалик кўп бўлса, жинслар нисбатининг ўртacha кўрсаткичи нормал ҳолатга яқинлашади, баъзи ҳудудларда бунга аҳолининг механик ҳаракати ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

### **Мавзу: Аҳолининг қариши Режа:**

- 50) Аҳолининг қариши ва унинг демографик омиллари
- 51) Демографик қариш шкаласи (Ж. Боже – Рарнье – Э. Россет)
- 52) Дунё аҳолиси қаришининг ҳудудий ҳусусиятлари

Аҳоли қариши - аҳоли таркибida кекса ва қари аҳоли гуруҳининг ошиб бориши. Аҳолининг қариши демографик омилларга боғлиқ. Асосий демографик омил аҳолининг тақрор барпо бўлиш ҳусусиятидир. Туғилишнинг юқори, ўлим даражасининг пастлиги аҳоли таркибida болалар салмоғининг юқори бўлишига сабабдир. Аҳоли таркибida

қариялар салмоғининг мунтазам ошиб бориши эса, ўлимнинг камайиши, аҳоли ўртача умр кўриш муддатининг узайиши билан боғлиқ. XX асрнинг бошларида швед олими Г. Сундберг томонидан аҳоли ёш таркибининг уч тури ажратилган.

1) Прогрессив ёш таркиби – аҳоли таркибida болалар (0 – 14 ёш) салмоғи юкори бўлади ва аҳоли ўсишига олиб келади.

2) Стационар ёш таркиби – аҳоли таркибida болалар ва қариялар (60 ёш ва ундан юкори) салмоғи деярли тенг бўлади, бундай ёў таркиби аҳоли ўсишида асосий омил бўла олмайди.

3) Регрессив ёш таркиби – аҳоли умумий сонида қариялар салмоғи болаларга нисбатан юкори бўлади, аҳоли такрор барпо бўлиши қисқариб аҳолининг қариш жараёни рўй беради. (Демографический энциклопедический словарь М., 1985. с.67)

Аҳолининг қариши жуда узоқ давом этган демографик ўзгаришларнинг натижасидир. Айниқса туғилиш, ўлим аҳоли қаришига олиб келувчи асосий демографик омиллардир. Аҳоли миграцияси ҳам аҳоли қаришига ўзига хос таъсир этади.

Аҳоли қариши 2 турда намоён бўлади:

88. Туғилишнинг қисқариши ҳисобига қариш (“куйидан қариш”)

89. Аҳоли ўртача умр кўриш муддатининг узайиши ва ўлимнинг камайиши ҳисобига (“юкоридан қариш”)

Аҳолини қариш жараёнига демографи ва статистиклар томонидан XIX аср охирида эътибор берила бошланди. Аҳолини қариши бўйича сабиқ СССРда А.Я. Боярский, Ж. Буржуа – Пища, А. Сови – Францияда, АҚШда Э.Коул ва бошқалар шуғулландилар.

Аҳолининг қариш даражасини аниқлаш учун Россия ва бошқа қатор давлатларда аҳолининг ёш чегараси – 60 ёшдан бошланди. Қатор ғарб мамлакатларида ва халқаро миқёсда – 65 ёшдан бошлаб қарилар гурухига киритилади (Медков В.М. Демография. С. 131)

Қарилек даражасини ўлчаш учун Ж. Божё – Гарьне, Э. Россет томонидан шкала тақлиф этилган.

Ж. Божё – Гарьне, Э. Россетнинг демографик қариш шкаласи\*

Этап	60 ёш ва ундан катталарнинг жами аҳоли таркибидани салмоғи	Карилек босқичлари ва аҳолининг қариш даражаси
1	‐ 8	Демографик ёш
2	8 – 12	Қарилекнинг дастлабки босқичи
3	10 – 12	Қариш босқичи
4	12 дан юкори	Демографик қариш
	14 – 16	Демографик қаришнинг ўртача даражаси
	16 – 18	Демографик қаришнинг юкори даражаси
	18 ва ундан юкори	Жуда юкори қариш даражаси

\*Медков В.М. Демография. С. 132

Агар қарилек даражасини аниқлаш 65 ёшдан бошланса, у ҳолда аҳоли таркибida 65 ва ундан юкори ёшдагилар салмоғи 4 фоиздан кам бўлса – демографик ёш деб, бу кўрсаткич – 4-7 фоизгacha бўлса, демографик қариш бўсағасида, 7 фоиз ва ундан юкори бўлса, демографик қари аҳоли деб ҳисобланади. (Медков В.М., Демография. 132 б)

Сайёрамизда аҳолининг қариши 1870 йиллардан бошланган. 1870 – 1937 йилларда Франция, Швеция, Германия ва Буюк британия аҳолиси таркибида 60 ёшдан юқори гурух салмоғи 12 фоиздан ошган.

Демографик маълумотлар гувоҳлик беришича, XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларида дунё аҳолисининг ёш таркибида сезиларли ўзгаришлар содир бўлган. Аввало XX аср сайёрамизда аҳоли сонининг энг юқори суръат билан кўпайган даври бўлди. Бу даврда дунё аҳолиси 1,656 миллиондан 6 миллиардга етди, ёки деярли 4 баробарга ошди. Бу жараёнда 65 ёш ва ундан катта бўлган қариялар хиссаси ҳам анчагинадир. Дунё аҳолиси таркибида XX асрда болалар салмоғи камайиб, қариялар салмоғи эса ортиб борди. Масалан, 1980 йилда дунё аҳолиси таркибида болалар (0 – 14 ёш) 35 фоизни ташкил этган бўлса, 2001 йилга келиб эса бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этди. Ана шу даврда қариялар салмоғи эса 6 фоиздан 7 фоизга етди<sup>2</sup>. Бундай жараённи дунёning барча ҳудудларида ҳам кузатиш мумкин. Аҳоли таркибида болалар салмоғининг ошиб бориши, юқорида қайд этилганидек, демографик ҳолатнинг ўзгариши, аввало туғилишнинг камайиб бориши, аҳолининг умр кўриш муддатининг узайиши билан боғлиқдир. Масалан, дунё аҳолиси XX асрнинг бошларида ўртача 50 йил атрофида умр кўрган бўлсалар, ҳозирги даврга келиб аҳолининг ўртача умр кўриши 68 йилга етди<sup>3</sup>.

Аҳолининг ёш таркиби дунё ҳудудлари бўйлаб кескин фарқ қиласиди.

Дунё ҳудудлари бўйлаб аҳоли ёш таркибидаги фарқ ҳар бир ҳудуднинг демографик ҳолатига, ҳамда миграция жараёнига боғлиқдир. Туғилиш даражаси паст бўлган Европа давлатлари аҳолиси таркибида болалар ва қариялар салмоғи деярли тенгдир. Ҳозирги даврда (2001 й) дунёда аҳолиси энг кари давлат Фарбий Европадаги Монако давлати бўлиб, бу ерда аҳоли таркибида қариялар жами аҳолининг 23 фоизини, болалар эса 15 фоизни ташкил этади. Жаҳондаги аҳолиси энг ёш давлат Фарбий Африкадаги Нигер давлатидир. Бу давлатда жами аҳоли таркибида болалар 50 фоизни, қариялар эса фақат 2 фоизни ташкил этмоқда.

Кўпчилик Марказий ва Осиё давлатлари қатори Ўзбекистон ҳам аҳолиси нисбатан ёш давлатлар гуруҳига киради. Ўзбекистонда 2001 йил жами аҳолининг 38 фоизини болалар ва 4 фоизини қариялар (65 ва ундан катталар) ташкил этган. Лекин кейинги йилларда республика аҳолисининг ёш таркиби бирмунча ўзгарган. Жами аҳоли таркибида болалар салмоғининг кескин камайиб бориши кузатилмоқда.

1991 – 2002 йилларда Ўзбекистонда болалар салмоғи 4,4 фоизга қисқарган. Бу ҳол биринчи навбатда Республикада туғилишнинг кескин камайиши билан боғлиқдир. 1991 йилда Ўзбекистонда туғилишнинг умумий коэффициенти 34,5 % ни ташкил этган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 20,4 % ни ташкил этди. Туғилиш қисқа давр ичиде деярли 14 % га камайди.

Маълумки, 1985 – 1990 йилларга қадар Ўзбекистонда туғилиш юқори даражада бўлган. Ана шу даврда туғилган кўплаб болалар 1995 йилдан бошлаб меҳнат ёшига қадам кўйган. Натижада жами аҳоли таркибида меҳнат ёшидаги аҳоли салмоғи ортиб бормоқда. Шу сабали аҳоли таркибида қариялар салмоғи бироз камайган. Меҳнат ёшидаги аҳоли салмоғининг ортиб бориши республикада 2005 – 2010 йилларга қадар давом этиши мумкин. Кейинчалик эса аҳоли таркибида қариялар салмоғи ошиб бориши эҳтимоли бор.

Умуман, кейинги 20 – 30 йиллик даврда дунёдаги аксарият давлатларда қариялар салмоғи кўпайиб борди. Ҳозирги даврда дунё бўйича 65 ёш ва ундан катта бўлган аҳоли салмоғи кўпайиб борди. Ёки аҳолининг йиллик ўсишида қариялар хиссаси 10 фоизни ташкил этмоқда.

Мутахассислар башорат этишларича яқин келажакда, дунёning барча ҳудудларида ҳам турли ижтимоий – иқтисодий, демографик омиллар таъсирида қариялар салмоғи ортиб борар экан. 2050 йилга бориб жами аҳоли таркибида қариялар салмоғи

<sup>2</sup> Демографический – энциклопедический словарь М., 1985 с. 278., Населения и общества Информацион бюллетень РАН. М., 2001, № 56

<sup>3</sup> Юқорида қайд этилган манбалар

ривожланган давлатларда 25 – 30 фоизга, ривожланаётган давлатларда эса 8 – 10 фоизга этиши кутилмоқда.

1998 йил маълумотига қараганда дунё бўйича 65 ёш ва ундан юқори ёшдагилар жами аҳолининг 7 фоизини ташкил этган. 2004 йилда ҳам шундай суръатда давом этмоқда.

БМТ маълумотига қараганда 1990 йилда аҳолини қариш жараёни бўйича аҳолини қариш жараёни бўйича давлатлар қўйидагича тақсимланган:

- 61 давлат (1,200 млн.киши) аҳолиси қари давлатлар хисобланган
- 58 давлат (2700 млн. аҳоли) қарилик бўсағасида
- 73 давлат (980 млн.аҳоли) демографик ёш
- 23 давлатдан эса аҳоли қариши бўйича маълумот бўлмаган.

Ҳозирги даврга келиб эса демографик қари давлатлар сони кўпайганлиги табий.

Осиёда эса Арманистон, Кипр, Греция, Истроил, Ливан, Қозогистон, Хитой, Корея, Япония, Тайвань давлатларида, Африкадаги Яшил Бурун, Сейшель ороллари давлатлари аҳолисининг ярмидан кўпроғи демографик қариш муаммосини бошидан кечирмоқда. Лекин бу муаммо Европа давлатларида қатор социал-иктисодий оқибатларни келтириб чиқариш даражасига етган.

Демографик қариш натижасида қариялар салмоғининг ошиб бориши маълум даражада аҳолининг ижтимоий фаоллигини пасайтиради, иктиносидётда ёшлар салмоғи камаяди, нафақа ажратиш билан боғлиқ муаммолар кўпаяди; қарияларга тиббий хизмат хизматни кўпайтириш соғлиқни сақлаш тизимиға ўзгартишлар киритилишини тақозо этади. Нихоят ҳали ишлашни ҳоҳловчи “ёш қарияларни” иш билан таъминлаш ҳам ўзига хос муаммоларни келтириб чиқаради.

Аҳолининг қариши моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари тизимиға ҳам таъсир кўрсатади-чунки қарияларнинг талабларига кўра товар ва хизмат кўрсатиш турларини ўзгартиши лозим бўлади. Баъзи технологик операцияларни бажариш, машина ва жиҳозларни қариялар талабига мослаштиришга тўғри келади. Улар талабларига транспорт воситалари ҳам жавоб бериши керак.

“Қариялар буми” аста-секин бутун дунёни қамраб оляяпти ва юқоридаги қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Инсоният бу муаммоларнинг накадар мухимлигини тушуниб этиши лозим. Кўп давлатларда (биринчи навбатда Европа давлатларида) қарияларнинг ҳётини яхшилаш борасида анча ишлар қилинмоқда. Бироқ демографик қариш билан боғлиқ барча муаммолар, мазкур жараёнга юз тутган ҳамма давлатларда ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилиш ва такомиллашви лозим.

Ўзбекистонда 2004 йил 1 январда аҳолининг умумий сони 26,0 миллиондан ошди.<sup>4</sup> Агар республика аҳолисини ёш таркиби бўйича тахлил этилса, ҳозир (2004 й.) Ўзбекистонда 0-14 ёшли аҳоли жами аҳолининг 38,0 фоизини, 15-64 ёшли аҳоли-58,0 фоизни, 65 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳоли 4,0 фоизни ташкил этмоқда. Демак, қариш шкаласи бўйича Ўзбекистон жаҳондаги аҳолиси “ёш” давлатлар қаторига киради. Шундай бўлсада республикада қариялар сони бир мунча ошиб бормоқда.

Шуниси эътиборга моликки Ўзбекистонда меҳнат ёши эркаклар учун 16-59 ёш, аёллар учун эса 16-54 ёш этиб белгиланган. Меҳнат ёшидан юқори, яъни 55 ва ундан катта аёллар, 60 ва ундан катта эркаклар сони 1991-2004 йилларда 18,7 фоизга ошди.

Ўзбекистонда нафақа ёшига етганлар ҳам ўз ҳоҳишлари билан, саломатликлари йўл кўйса, ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашишлари мумкин. Ҳозирги кунда республикамиз иктиносидётида банд аҳолининг маълум қисмини нафақа ёшидаги аҳоли ташкил этмоқда. Ўзбекистон давлати нафақа ёшидаги аҳолига, қарияларга алоҳида эътибор билан қарайди. 2002 йилни “Қарияларни қадрлаш йили” деб эълон қилиниши ҳам сўзимизни исботлайди. Қарияларни эъзозлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш бўйича республикада жуда кўп кўп чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

<sup>4</sup> Статистическое обозрение Узбекистана. Ташкен-2005. стр. 46.

Ўзбекистонда қариялар ва ногиронлар учун маҳсус ғамхўрлик уйлари мавжуд. Ҳозирги кунга келиб бундай муассасалар сони республикамиизда 29 тага етган ва уларда 6 мингга яқин қарияларга ғамхўрлик қилинмоқда.

Ўзбекистондаги бугунги демографик вазият, айниқса туғилиш жараёнининг кескин камайиб бориш (1991 йили Ўзбекистонда туғилишнинг умумий коэффиценти 34,5 %<sup>5</sup> ни ташкил этган бўлса, 2004 йили бу кўрсаткич 20,5 %<sup>5</sup> ни ташкил этди ёки 14,0 % га камайди) яқин келажақда жами аҳоли салмоғида қариялар улушининг ошиб боришидан далолат беради. Бу хол эса ўз навбатида Ўзбекистонда ҳам қарияларнинг ижтимоий-демографик гурух сифатидаги мавқеи ошиб боришини ҳамда уларга алоҳида ижтимоий-иқтисодий эътибор лозимлигини тақозо этади.

## **Мавзу. Аҳолининг такрор барпо бўлиши.**

### **Режа.**

1. Аҳолининг такрор барпо бўлиши моҳияти.
2. Туғилиш ва унга таъсир этувчи омиллар.
3. Ўлим даражаси ва унга таъсир этувчи омиллар.
4. Асосий демографик коэффицентлар

Авлодлар алмашиниши давомида (аҳолининг такрор барпо бўлиши) унинг сони, ёш ва жинсий таркиби ўзгаради. Автолар алмашинуви, аҳоли табиий ўсиши ҳажмини аниқлаш, ҳар бир авлод ўртacha умр кўриши, туғилиш ва ўлим жараёнлари йифиндиси аҳолининг табиий ҳаракати ёки такрор барпо бўлиши дейилади.

Аҳолининг такрор барпо бўлиши, жамият давомийлигини таъминловчи асосий жаран бўлиб, инсон авлодининг мунтазам янгиланиб туришидир.

Аҳолининг такрор барпо бўлишида унинг табиий ҳаракати туғилиш ва ўлим асосий омил ҳисобланади. Аҳолининг такрор барпо бўлиш кўрсаткичлари туғилиш ва ўлим даражасига боғлиқ бўлиб, у ҳар бир ҳудуд аҳолиси динамикасининг таҳлили учун муҳим таркибий қисмидир.

Жамиятда авлодлар алмашинади, аҳоли такрор барпо бўлади. Натижада аҳоли сони ўсади. Аҳолининг такрор барпо бўлиши ҳар бир ҳудуд табиий, ижтимоий-иқтисодий муҳити таъсирида рўй беради ва трақкий этади. Шу боисдан аҳоли такрор барпо бўлиш кўрсаткичлари турли мамлакатларда турли вактларда бир-биридан фарқланди. Бу фарқларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда аҳоли такрор барпо бўлишини ифодаловчи маҳсус кўрсаткичлардан фойдаланилди. Биологик ҳодиса ҳисобланмиш туғилиш ва ўлим асосий аҳоли такрор барпо бўлишидги кўрсаткич эканлигини айтиб ўтгандик. Бу кўрсаткич микдорий жиҳатдан 1000 кишига ҳисобланади ва промилледа ифодаланади.

Аҳоли такрор барпо бўлишига кўплаб омиллр таъсир кўрсатади. Булар куйидагилар:

7. Табиий-биологик;
8. Ижтимоий-иқтисодий;
9. Ижтимоий-маданий;
10. Психологик;
11. Демографик.

Табиий-биологик омил аҳол такрор барпо бўлишида муҳим омиллардан бири. Ер юзи аҳолиси турли табиий шароитда яшайди, туғилади ва ўлди. Инсоннинг туғилиши ва ўлиши каби билогик ҳодиса экан у табиий шароит билан узвий боғлиқликдадир.

Жамият давомийлигини таъминловчи инсон ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ва психологияк омиллар таъсирида шаклланади ва ривожланади.

Аҳоли табиий ўсиши унинг жинсий, ёш таркиби, никоҳ ва ажralиши жаранлари ҳам муҳим ҳисобланади. Буларнинг барчаси демографик омиллар сирасига киради. Маълумки,

<sup>5</sup> Юқорида қайд этилган манба; 47 бет

туғилиш қанчалик кўп бўлса, аҳоли сони ўсиб боради, аҳоли таркибида болалар ва ёшлар иқдори ошади ёки аксинча туғилиш камайса, жинсий таркибдаги бузулишлар рўй берса аҳоли ёш таркибид қариялар идори ошади ва ҳоказо.

Юқоридаги омиллар аҳоли такрор барпо бўлишига бир хил таъсир этмайди.

Ижтимоий-иқтисодий омил аҳоли табиий ҳаракатида муҳим роль ўйнайди. Аҳолининг яшаш шароити, соғлиқни сақлашнинг аҳволи, аёлларнинг жамиятдаги ўрни, аҳолининг маданий ва маълумотлилик даржаси ва бошқалар аҳоли табиий ҳаракати даражасини белгилаб беради. Ушбу омилларнинг туғилиш ва ўлимга таъсири қарама-қарши ҳам бўлиши мумкин. Аҳолининг яшаш шароити, моддий аҳволи яхшиланиши, тиббий хизмат каби соҳаларнинг ривожланиши, ўлим кўрсаткичини пасайтиради, аҳоли ўртacha умр кўриш даражсини узайтиради. Натижада аҳоли таркибида қариялар салмоғи кўпаяди ва ўз-ўзидан ўлим кўрсаткича оша бошлайди.

Турли ижтимоий-иқтисодий шароитда аҳолининг такрор барпо бўлишининг турли кўринишлари мавжуд. Жумладн, ривожланаётган ёки иқтисодий начор давлатлардаги аҳоли ўртасида эрат оила қуриш, кўп фарзандлилик, аёллар аҳволини яхши ҳимояланмаганлиги, маълумотлилик даражасининг пастлиги, соғлиқни сақлаш тизимининг етарли йўлга қўйилмаганлиги туғилишнинг жуда юори бўлишига, ўлим дражасининг, айниқса болалар ва аллар ўлимининг кўплигига сабаб бўлади. Мазкур санаб ўтилган ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида аҳолининг табиий ҳаракатини ўрта ёки паст, авлодлар алмашинишини жуда тез деб баҳолашимиз мумкин.

Ижтимоий-маданий, психологик омиллар қўргина ижтимоий-иқтисодий омиллар билан биргаликда аҳоли такрор барпо бўлишига таъсир этади. Аҳолининг турмуш даражаси баланд, маданий савияси юқори бўлган аксарият ривожланган давлатларда аҳоли такрор барпо бўлишида туғилиш даражасининг пастлигини кўрамиз. Ўртacha умр кўриш кўрсаткичи энг баландни ташкил этади. Англиялик иқтисодчи Сэмюэл Ленг “агар ҳамма етарли, қулай, яхши шароитда яшаганда эди, ҳозир дунё одамсиз қолган бўлур эди” дейди. Бундан аҳолининг моддий аҳволи, маънавий турмуши юксалиб борар экан ўз навбатида инсон психологик нуқтаи-назардан кўп фарзнд кўришни истайди деган фикр туғилади. Б.Ц. Урланиц “Моддий жиҳатдан яхши таъминланган оиласларнинг фарзандлари кам сонлидир” деб иқтисодий омилнинг демографик омилга кўрсатаётган таъсирини ифодалаб беради. Шунинингдек у моддий омил билан маънавий омилнинг авлодлар алмашинувига ҳамиша бир ҳил йўналишда таъсир этмаслигини ҳам айтиб ўтади.

Аҳоли такрор барпо бўлишида муҳим хисобланган омилларни ўрганар эканмиз минтақалар доирасида аҳоли такрор барпо бўлишининг бир-биридан фарқ қилувчи типларини кузатамиз.

Биринчи тип- бу гурухга киравчи давлатларда яшовчи аҳоли ўз-ўзини қайта тикламайди. Ўлиб кетаётганлар мутлоқ микдори ҳаётга янги келаётганлар микдоридан ортиқ. Мазкур гурух давлатларини “депопуляция” давлатлари деб ҳам аташ мумкин. Буларга Европа, Болтиқбўйи давлатлари, Шимолий Америкадаги маълум бир давлатларни, Япония, Грузия, Арманистон, Россияни киритиш мумкин.

Иккинчи тип- аҳолининг умумий сони ошмайди, бу типдаги давлатлар аҳолисида туғилиш билан ўлим кўрсаткичи деярли тенг. Аҳоли сони ҳаддан ташқари қўпайиб ёки камайиб кетмайди. Аҳолининг маълум бир микдори ушланиб туради. Ушбу типдаги давлатлар аҳоли такрор барпо бўлишининг оддий типига киравчи давлатлар деб ҳам аталади.

Учинчи тип- давлатларига туғилиш миқдори, ҳаётдан ўтиб кетаётганлар миқдоридан анча катта кўрсаткичга эга. Аҳоли таркибида прогрессив ёш таркибидагилар сони ўсиб боради. Кекса ва қариялар салмоғи кам сонли, болалар, ёшлар кўпчиликни ташкил этган холда аҳоли такрор барпо бўлиши ижобий баҳоланади.

Аҳоли такрор барпо бўлишининг кенгайган деб аталувчи типига Африканинг барча давлатлари, Хорижий Осиё, Жанубий Американинг қатор давлатлари, Австралия ва Океания, Ўрта Осиё давлатларини киритиш мумкин. Мазкур давлатларга

туғилиш миқдорининг кўплигига қатор омиллар сабаб бўлиб у ўз навбатида бир қанча ижтимоий-иктисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Туғилиш ва ўлим қўрсаткичлари орасидаги катта фарқлар аҳоли тақорор барпо бўлиши қўрсаткичларининг бир-биридан кескин ажралишларига сабаб бўлади. Аҳоли тақорор барпо бўлишининг асосий жраёнлари бўлган туғилиш ва ўлим даражасидаги ўзгаришлар аҳоли тақорор барпо бўлишида ҳам сезилмасди қолмайди. Натижада аҳоли тақорор барпо бўлишида бир турдан, иккинчи ўтиш бошлинади. Буни фанда “демографик ўтиш” деб номланади.

Манбаларда қўрсатилишича аҳоли тақорор барпо бўлишининг дастлабки даврларида туғилиш ҳам ўлим ҳам юқори бўлган натижада табиий ўсиш жуда паст қўрсаткични ташкил этган.

Иккинчи даври XIX асрларга бориб тақалади. Бунда туғилиш юқори, ўлим бирмунча меъёрий ҳолатда бўлиб аҳоли табиий ўсиши олдингига нисбатан баланд бўлган.

Аҳоли тақорор барпо бўлишининг кенгайган яна бир учинчи янги типида ўлим ўзининг энг паст қўрсаткичига эга бўлади, туғилиш юқорилигича сақланиб туради. Натижада аҳолининг тезлик билан ўсиши кузатилади. Ривожланаётган давлатларда кузатилган бу вазият 1950-1970 йилларга тўғри келади. Ҳудди шу 1950-70 йилларда аҳоли ўсиши унинг географик жойлашувид ҳам акс этади. Ер юзининг барча мамлакатларида аҳолининг кўпайишида ўсиш қайд этилди.

Навбатдаги типда туғилиш ҳам ўлим сингари камая боради, аҳоли таркибид кексалар салмоғи ошади. Юқорида мисол қилиб келтирилган Европа давлатлари учун аҳоли тақорор барпо бўлишининг айнан шу оддий типи хос. Бу типдги давлатлард аҳоли ўртача умр кўриш ёши узаяди, бироқ ўлим борган сари ошиб боради. Оқибатда туғилиш билан ўлим тенглашиб, табиий кўпайиш жараёни манфий тус олади. Ҳозирги вақтда ер юзидаги ривожланган ва ривожланаётган давлатлар аҳолиси тақорор барпо бўлиши бир-биридан кескин фарқ қилмоқда. Бу эса аҳоли тақорор барпо бўлишини йирик икки типга ажратишни зарурлигини қўрсатмоқда. Қолганлари шу иккаласи ўртасидаги оралиқ тип сифатида хизмат қилди.

Тадқиқотлардан ривожланаётган давлатларда ҳам туғилиш борган сари камаяётганлигиги, ўлим қўрсаткичини пасайтиришга уринишлар, кейинчалик кенгайган аҳоли тақорор барпо бўлиши ўрнини, оддий кўринишдагиси эгаллашидан далолат беради.

Аҳоли тақорор барпо бўлиши қўрсаткичлари.

- Ҳаётийлик коэффиценти.

$$Kx = \frac{T}{\bar{Y}}$$

бу ерда: Kx- ҳаётийлик коэффиценти.

T- туғилганлар;

Ў- ўлганлар.

2. Туғилиш коэффицети (Kt):

$$K_t = \frac{T \times 1000}{\bar{A}}$$

бу ерда: Kt- туғилиш коэффиценти;

T- бир йилда туғилганлар сони;

А-аҳолининг ўртача сони.

3. Ўлим коэффиценти (Ky):

$$K_y = \frac{\bar{Y} \times 1000}{\bar{A}}$$

бу ерда:  $K_{\bar{y}}$ - туғилиш коэффиценти;  
 $\bar{Y}$ - бир йилда ўлганлар сони;  
 $\bar{A}$  -аҳолининг ўртача сони.

4. Мутлоқ табиий кўпайиш ( $\Delta TK$ )  
 $\Delta TK = T - \bar{Y}$

5. Табиий ўсиш коэффиценти ( $K_{T\bar{Y}}$ ):

$$K_{T\bar{Y}} = \frac{(T - \bar{Y}) \times 1000}{\bar{A}}$$

$$K_{T\bar{Y}} = K_T - K_{\bar{Y}}$$

12. Махсус туғилиш коэффиценти ( $K_{MT}$ ):

$$K_{MT} = \frac{T \times 1000}{A_{15-49}}$$

$A_{15-49}$  – 15-49 ёшдаги аёлларнинг ўртача сони.

13. Махсус 1 ёшгача бўлган болалар ўлими коэффиценти ( $K_{B\bar{Y}}$ ):

$$K_{B\bar{Y}} = \frac{T \times 1000}{\frac{2}{3}N_1 + \frac{1}{3}N_0}$$

бу ерда:  $T$ - жорий йилда туғилганлар сонидан 1 ёшгача ўлганлар сони;

$N_0$  ва  $N_1$ - ўтган ва жорий йилда туғилганлар сони. 4-жадвал

### **Мавзу: Туғилиш ва аҳолининг репродуктив майли**

Туғилиш- демографик жараёнлардан бири бўлиб, у ҳам қатор ижтимоий-иқтисодий, маданий омиллар таъсирида ривожланади. Шунинингдек жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муҳит туғилиш даражасини белгилайди. Биологик жараён бўлмиш туғилиш даражаси кўпгина ижтимоий-иқтисодий омилларга боғлиқ. Буларга аёлларнинг жамиятдаги мавқеи, бандлиги, болалр ўлими, моддий шарт-шароит, давлатнинг демографик сиёсати, аҳолининг атркиби ва ҳоказолар киради. Ижтимоий-иқтисодий омиллар ичida аҳолининг яшаш шароити, аҳоли туғилиш даржасида географик фарқларни яққол ифодалайди.

Б.Ц. Урланис “қаерда камбағаллик ва қашшоқлик бўлса, ўша ерда турмуш шароит, маданият паст даражад бўлади” деб ўз фикрини билдиради. Ҳақиқатан аҳолининг турмуш шароити, маданияти юксалган сайин унинг ўртача умр қўриш даври узаяди. Аҳоли таркибида кариялар миқдори ошади, топган даромадлари болалари эҳтиёжларини қондириш ва ўзларининг яхши яшашиг сарфлашади. Демак аҳоли маданий даражасининг кўтарилиши туғилиш кўрсаткичининг пасайишига хизмат қилади десак ҳато қилмаймиз.

XVIII аср охирларига қадар ер юзининг барча минтақаларида туғилиш кўрсаткичи юқори бўлган XX асрга келиб аксарият ривожланган давлатларда индустрлаштириш, урбанизация жараёнларининг жадллашуви, аёлларнинг ишлаб чиқаришда фаоллигининг авж олиши, фан-таълим соҳасидаги ривожланишлар, маддиятнинг таракқий этиши, никоҳ қуриш ёшининг кўтарилиши натижасида туғилиш бир мунча пасайди. XIX аср охирида Европа давлатларида туғилиш юқори, ўлим паст бўлиб, аҳоли такрор барпо бўлиши интенсив ҳолатд бўлган бўлса XX асрда худди шу аҳвол Лотин Америкаси давлатларида кузатилган. Европада бу вақтда туғилишнинг пасайиши аҳамиятли тус олган ва ҳозиргача бу жараён давом этмоқда.

Туғилишга таъсир этувчи омиллардан яна бири бу аёлларнинг жамиятдаги ўрни. Айниқса, аёлларнинг билим даражаси ва ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиши

туғилишга, оиладаги фарзандлар сонига таъсир этади. Оилад фақат фарзанд трбияси ва уй ишлари билан банд бўлаган аёлга нисбатан маълумотли, бирон бир соҳада ишлайдиган аёлда фарзандлар кам бўлади. Чунки бу аёллар кечроқ турмуш қуради, уларнинг билим, маданият даражаси, қизиқишлари кўп болликни инкор этади.

Юқорида мисол келтирган ривожланган Европа давлатлари аҳолиси жинсий таркибида аёлларнинг 45-50 фоизи халқ хўжалигида банд. Осиё, Африка давлатлрида эса бу рақам жуда кичик. Африкада аёлларнинг атиги 5 фоизи ишлаб чиқаришда қатншади. Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда иштирок этиши нафақат давлатлар балки уларнинг худудий таркибида ҳам бир-биридан кескин фарқ килади. Шу боисдан шаҳар аҳолиси ва қишлоқ аҳолиси ўртасида тұғилиш даржси бир хил бўлмайди. Турли макон ва замонларда ҳамиша қишлоқ аҳолиси ҳамиша қишлоқ аҳолиси ўртасида шаҳар аҳолисига нисбатан тұғилиш даржаси юқори бўлиб келган. Манбаларда кўрсатилишича аграр давлатлар қишлоқ жойларида тұғилишдаражаси 30-40 фоиздан ҳам баланд. Қишлоқ аҳолисининг ҳисобига шаҳар аҳолиси ўсиб боради. Натижада урбанизация жарёни тұғилишга аста-секинлик билн ўз таъсирини ўтказади. 1970 йили республикамиз шаҳар аҳолисининг тұғилиш кўрсаткичи ҳар 1000 кишига 26.7 % ни, қишлоқ аҳолиси эса 37.5 % ни ташкил этган. 1990 йилга келиб шаҳар аҳолиси миқдори 2 мартаға ошди, тұғилиш коэффиценти 0.7 % га камайганлиги кузатилади. 2004 йилда тұғилиш даражаси нафақат шаҳар аҳолисида умуман мамлакат доирасида ҳам пасайди. Шаҳар аҳолиси миқдори тобора ўсишда давом этмоқда. Шаҳар аҳолиси тұғилиш жараённанда бу ердаги аҳолининг таркиби, миграцияси ҳам муҳим роль ўйнайди. Республикамиз аҳолиси тұғилиш жараённининг пасайишида ижтимоий-иқтисодий омиллар етакчи ҳисобланмоқда. Ижтимоий ҳаётдаги моддий шрт-шароит у ёки бу даржада маънавий ҳаётда, оилда, никоҳ қуришда, демографик жараёнларда ўз аксини топмади. Маълумки, бизнинг давлатимиз кўп йиллардан кўп болалик анъанасини қўллаб-қувватлаб келган мамлакатдир. Бу албатта тұғилиш жараённанда ижобий таъсир этган. Аммо мустақиллик йилларида ушбу анъанада сал ўзгаришлар рўй берга бошладики, оқибтда тұғилиш даражаси борган сари пасая бормоқда.

Ижтимоий-иқтисодий омилларнинг тұғилишга таъсири ҳар доим бир хил кечмайди. Баъзи иқтисодий ночор, қолоқ давлатларда тұғилиш кўрсаткичи ҳаддан ташқари баланд. Масалан, Африкада 40 % ва ундан ҳам юқорини ташкил этади. Одатда ночор, қашшоқ оилалarda фарзандлар кўп туғилади ва ўз навбатида ўлим држаси ҳам юқори бўлади.

Тұғилишга ижобий таъсир этувчи омиллардан бири никоҳ қуриш ёши ҳисобланди. Эрта никоҳ қуриш тұғилиш даражасини ошиrsa, аксинча кеч никоҳга кириш, ажralишнинг камайиши, тұғилиш даражасини кўтардиган қулай демографик вазият ҳисобланади. Қатор Осиё давлатларидағи демографик вазиятни қулай деб баҳолаш мумкин. Африка, Осиё ва Лотин Америкаси давлатларида ёшлар эрта никоҳга киради. Фарбий Европада эса аксинча. Никоҳ қуриш жамиятда авлодлар алмашинуви учун замин бўлиб хизмат қилса, ажralиш тұғилиш даражасини сезиларли пасайишига сабаб бўлади. Қаерда ажralишлар кўп бўлса, ўша худудда тұғилишнинг пастлигини кузатмиз. Ажralишнинг олдини олиш, тұғилиш држасини бир меъёрда бошқариш давлат аҳамиятига эга масала ҳисобланди. Шу боисдан демографик жарёнларни назорат қилиш, баъзи холларда чоралар кўриш, тұғилиш кўрсаткичига таъсир этиш мақсадларида ҳар бир давлат томонидан “демографик сиёsat” юритилади. Аҳолининг табиий ўсиши паст бўлган географик худдлрд тұғилишни кўпайтиришга қаратилган сиёsat олиб борилади. Бунда аҳоли ҳам моддий ҳам маънави рағбатлантирилади, ёш оилалар учун шароитлар яратилади, юқорида келтирилган ажralишлар давлат томонидан назоратга олинади ва ҳоказо. Ҳозирда бундай тұғилишни кўпайтиришга қаратилган сиёsat ғарб давлатларида юрғизилмоқда. Аксинча тұғилишни чеклаш деган сиёстни илгари сураётган давлатлар ҳам мавжудки, булар табиий равишда аҳолиси тезлик билан қўпаётганлиги сабаб шундай сиёsat олиб боришга мажбур. Тұғилишни чеклаш сиёсати ривожлнётган Осиё

мамлакатларига хос ва мос. Жумладан, аҳолисининг ўсиш суръати баланд бўлган Хитой, Ҳиндистон, Индонезия каби давлтлрд дунё аҳолисининг 41.0 фоизи яшайди. Хитойда эрта оила куриш, иккитадан ошиқ фарзнда ўриш бутунлай ман этилган.

Туғилишга таъсир этувчи омилларнинг таъсири турли географик худудда бир хил эмас. Бу эса унинг кўрсаткичларининг турли жойда хилма-хил бўлишига олиб келади. Демак аҳоли тақрор барпо бўлишида, ўсиш суръатининг пасайишида ёки кўтарилишида туғилиш алоҳида аҳамият касб этади дейиш мақсадга мувофиқ.

### **Мавзу: Аҳоли ўлими ва ўртача умр кўриш даври**

Ўлим авлодлар алмашинуидаги асосий жараён ҳисобланилди. Аҳоли ўлими турли сабаблар нтижасид рўй беради. Аҳолининг табиий ўсиши ҳамда камайишида муҳим демографик жараён бўлиб иштирок этади. Ўлимнинг рўй беришида асосан эндоген ва экзоген омилларни сабаб қилиб кўсатилди.

Эндоген омиллар- организнинг ички ривожланиши, унинг шаклланиши ва қариши, инсоннинг яшаш фаолияти қобилиятининг пасайишига сабаб бўладиган омиллардир. Одатда эндоген омиллар туфайли кекса ёшдаги аҳоли кўпроқ ўлим топади. Буни одатд мөъёрий ҳодиса деб баҳолашади. Бироқ аҳолининг ёш қатламид ҳам эндоген сабблар туфайли ўлим ҳодисаси рўй беради. Буларга давоси йўқ ирсий касалликлар, ножўя воқеа-ҳодисалар киради.

Экзоген омиллар- одамларда ташки таъсир билан боғлиқ пайдо бўладиган ўлимлар бўлиб бу омиллар оқибатид аҳолининг турли ёшдаги кишилари турли вактда турли жойда вафот этадилар. Ушбу омилларга ички юқумли касалликлар, касб касалликлари, оғир меҳнат ва меҳнат шароитлари оқибатида юзага келган касалликлар, баҳтсиз ҳодисалар, захраниш, наркомания, алкогольизм ва ҳоказолар киради. Ҳозирги замон саноати, урбанизация, техника тараққиёти, автоматлаштириш, халқ хўжалигини химиялаштириш нтижасида атроф-муҳитнинг, атмосфера ҳавосининг бузилиши, оқар сувларнинг ифлосланиши, ўлим ҳодисасининг янада кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Ўлим кўрсаткича ўрганилаётган худддаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражасига, аҳолининг яшаш шароити ва соғлиқни-сақлаш тизимининг аҳволига чамбарчас боғлиқ. Ушбу соҳаларнинг ривожланганлик даржаси қанчлик баланд бўлса, ўлим кўрсаткичи шунчалик паст бўлади ва аксинча. Аксарият ўлим даражаси юқори бўлган ривожланаётган давлатларда буларнинг даржаси паст бўлганлиги кузтилади. Масалан, Африка давлатларида дунё бўйича умумий ўлим кўрсаткичи ўта баланд. Ҳар 1000 кишига тўғри келадиган аҳоли ўлими 15-20 %, баъзи жойларда 25 % га ҳам етади (Нигерда- 24 %). Ўлим даражаси баланд бўлган иккинчи минтақа Европа ҳисобланди. Ижтимоий-иктисодий ривожланиши, тараққиётига кўра бир-биридан кескин фарқ қилувчи бу иккала географик ҳудуд ўлим ҳодисаси кўплиги билан бир-бирига ўхшайди. Европанинг деярли барча қисмларида ўлим туғилишга нисбатан юқори. Ўлимнинг умумий кўрсаткичи ва мамлакат иқтисодий ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик ҳар доим ҳам ўзини оқлмайди. Жумладан, Европа иқтисодий бақувват бўлишига қарамасдан аҳоли ўртасида ўлим кўплиги билан ажralиб туради. Буни ижтимоий-иктисодий шарт-шароит билан эмас, балки аҳоли ёш таркибидаги вазият билан баҳолаш мақсадга мувофиқ. Шу боисдан фанда аҳоли ўлимнинг ёш бўйича тахлили алоҳида ўрганилди.

Европа аҳолисининг умумий ўлим кўрсаткичи ёш бўйича қаралганда болалар ва ўрта ёшдагилар ўртасида ўлим кам учрайди, кекса ёшдагиларда аксинча жуда баланд. Аҳоли ёш таркибida кексалар кўплигини инобатга олсак табиий равишда бу умумий ўлим кўрсаткичига таъсир этишини аниқлаймиз. Бундан ташқари Европа аҳолиси таркибida экзоген омиллар туфайли содир бўладиган ўлим ҳодисаси кўп учрайди.

Туғилиш даржасининг пастлиги, ўлимнинг туғилишдан кўплиги аҳолининг табиий камайишини келтириб чиқарди. Бугунги Европа демографик вазиятида айнан шу ҳолат оддий аҳоли тақрор барпо бўлиши содир бўлмоқда яъни аҳоли табиий равишда камаймоқда.

Таққослаш учун танлаб олган қитъамиз Африкада эса ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги қолоқлик, соғлиқни сақлаш соҳасининг етарли ривожлнмаганлиги, туғилаётган фарзандлар сонининг ҳаддан ташқари қўплиги ва улар ўртасид ўлимнинг юкорилиги, умуй ўлим кўрсаткичининг баландлигига олиб келмоқда.

Ўлим ҳодисасининг катта ёки кичик кўрсаткични ташкил этиши бир ёшгача бўлган боллар ўлии билан бевосита боғлиқ. Ҳар 1000 та туғилган чақалоққа тўғри келадиган гўдаклар ўлими дунё бўйича 56 тани ташкил этади. Шундан Африкада бу рақам 89 та, Европада 9 та, Океанияда 26 та, Осиёда 53 та ва Америкада энг кам 7 тага тенг (2004 йил).

Маълумки, бир ёшгача бўлган болалар ўлими бу биринчи йил болалр ҳаётида рўй берадиган ўлим ҳодисасидир. Гўдаклар ўлимини қиёслаш борасида маҳсус шкаладан фойдаланидди.

Гўдаклар ўлими коэффицентининг шкаласи

Гўдаклар ўлими коэффиценти, % да	Гўдаклар ўлими даражаси
20 гача	жуда паст
20-34	паст
35-49	ўрта
50-64	баланд
65 ва ундан юқори	ўта баланд

Гўдаклар ўлими коэффицентининг пасайиши аҳоли умумий ўлим даражасининг қисқаришида муҳим роь ўйнайди.

БМТ маълумотларининг тахлилига кўра гўдаклар ўлими баъзи Осиё давлатларида 1-1.5 ҳатто 2 мартаға ошганлиги кузатилади. Буларга мисол тариқасида қўйидаги жадвални келтириш ўринлидир.

Аҳолининг тақрор барпо бўлишида аҳоли ўлимининг аҳамияти жуда катта. У ҳоҳ катталар, ҳоҳ гўдаклар ёки оналар ўлими бўлсада авлодлар алмашинувининг иккинчи муҳим томони ҳисобланади. Аҳолининг жойлашиши, миграцияси ҳам ўлимга маълум бир тарзда ўз таъсирини ўтказади. Аҳоли зич жойлашган жойларда турли хил эпидемик касалликлар тез тарқалади, миграция оқими йўналган ҳудудлрд мигранетлар ўзлари билан инфекция, касалликни ҳам олиб юришади. Охир-оқибатда ўлим ҳодисасининг авж олишига олиб келади. Аҳоли ўлими кўрсаткичи ҳар қандай географик ҳудуддаги аҳолининг ўртacha умр кўриш даражасини белгилайди. Ҳаммамизга маълум юқори аҳоли ўлими кузатилаётган давлатлард ўртacha умр кўриш паст кўрсаткични ташкил қиласи. Статистик маълумотлар тахлилидан аҳолининг ўртacha умр кўриш кўрсаткичи дунда эркакларда 63.3, аёлларда 67.9 ёшга тенг (2004 йил). Ривожланган давлатлар бу боради етакчи яъни, энг баланд аҳоли ўртacha умр кўриши айнан шу давлатларга тўғри келади (Эркаклар- 72.1, аёллар- 79.4 ёш).

Ўртacha умр кўриш ёши 80 ва ундан баланд бўлгани аксарият аёлларда кузатилмоқда. Эркакларда деярли йўқ. Аёллар ўртасида 80 ва ундан катта умр кўриш ёшига эга бўлган давлатларга Япония- 81.9, Гонконг- 82.8, Финлндия- 81.5, Швеция- 82.6, Норвегия- 81.9, Греция- 80.9, Италия- 81.9 ва Ғарбий Европа (81.7) давлатларининг ҳаммаси киради. Айнан мана шу санб ўтилган давлатларда дунё миқёсида энг кичик гўдаклар ўлими кузатилади. Узоқ умр кўриш ёшига эришиш ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқ бўлиши билан бирга соғлиқни-сақлаш, аҳоли соғлом ҳаёт тарзини ташкил этишдаги эришган ютуқлари билан белгиланади.

## Мавзу. Аҳоли миграцияси Режа.

1. Миграция нима ва унинг турлари.
2. Миграция сабаблари ва йўналишлари.
3. Дунё миқёсида миграция жараёни.

#### 4. Ўзбекистон аҳолининг механик ҳаракати.

Мигрция сўзи лотинча “migratio” сўзидан олинган бўлиб, кўчиб юриш, яъни бир худуддан иккинчи бир ҳудудга чегаралардан ўтиб аҳолининг алмашинишини билдиради. Аҳолининг турли мақсадларда, янги ерларни ўзлаштириш, дараомад топиш, ўқиш, яшаш ҳамда сиёсий нуқтаи-назардан яшаш жойини доимий ёки вақтинча ўзгартаришига унинг механик ҳаракати дейилади.

Аҳоли миграцияси икки шаклда ички миграция ва ташқи миграция шаклида рўй беради.

Агар аҳоли мамлакат ичida ҳудудлар бўйлаб (шаҳар-қишлоқ, қишлоқ-шаҳар, туман-вилоят ва ҳоказо) кўчишни амалга ошиrsa бундай миграция ички миграция дейилади. Аксинча, аҳоли ўзи яшаб турган мамлакатдан бошқа мамлакатларга, китъаларга кўчиб борса бундай миграцияни ташқи ёки халқаро миграция деб атаемиз. Миграциянинг ҳар қандай турида иштирок этган кишилар мигрантлар дейилади. Ташқи миграция иккиг бўлинади: эмиграция ва иммиграция.

Эмиграция- кишиларнинг доимий ёки вақтинча яшаш учун ўз ватанидан бошқа мамлакатларга кўчиб кетиши. Эмиграцияда қатнашган аҳоли эмигрантлар деб аталади.

Иммиграция- кишиларнинг узоқ муддатга доимий ёки вақтинча яшashi учун бирон бир мамлакатга бошқа давлатлардан кўчиб келиши. Иммиграцияда қатнашган аҳоли “иммигрантлар” дейилади.

Реэмиграция- кишиларнинг узоқ муддатга доимий ёки вақтинча яшаш учун ўз ватнидан бошқа мамлакатга кўчиб кетиб, муайян муддатдан сўнг яна қайтиб кўчиб келишидир. Реэмиграцияда қатнашган кишилар “реэмигрантлар” дейилди.

Шунингдек, аҳоли миграцияси ўз моҳиятига кўра уч турга, яъни доимий, вақтинча (мавсумий) ва тебранма (маятниксимон) миграцияга бўлинади. Сабабларига қараб ихтиёрий ҳамда мажбурий миграция турлари ҳам мавжуд.

Доимий миграция- аҳолининг узоқ муддатга (бир йилдан ошиқ) бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб яна қайтишидир.

Мавсумий миграция- аҳолининг маълум бир вақтга (мавсумга) бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб яна қайтишидир.

Тебранма миграция- аҳолининг бир жойдан иккинчи бир жойга ҳар куни ёки ҳар ҳафтада бориб қайтиши. Бунга мисол тариқасида Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан аҳолининг пойтахтимиз Тошкент шаҳрига турли мақсадларда ҳар куни ёки бир ҳафтага келиб қатнайдиганларни келтириш мумкин. Демак, тебранма миграция урбанизация характеристига эга десак ҳато бўлмайди. Сабаби, тебранма миграцияда иштирок этганларнинг аксарияти, қишлоқдан туман ёки вилоят марказига, қишлоқ-шаҳар, кичик шаҳарлардан йирик шаҳарларга томон ҳаракат қилишади. Маятниксимон миграцияда баъзан аҳоли бир давлат ҳудудида яшаб иккинчи бир давлат ҳудудига ишлаш, ўқиш учун ҳар куни ёки ҳафтада чегарадан ўтиб бориб келишади. Бу Ғарб давлатларида яққол кузатилади.

Миграция жараёнини тавсифлашда қатор миқдорий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Миқдорий кўрсаткичлар аҳоли меҳнаик ҳаракатининг дунё миқёсида, маълум бир даврлардаги ҳолатини аниқ, асосли ифодалашга хизмат қиласида.

Миграциянинг миқдорий кўрсаткичларига қўйидагилар киради:

1. Миграциянинг мутлоқ ва нисбий маълумотлари.
2. Миграция коэффиценти.
3. Миграция сальдоси.

Маълум ҳудудда яшовчи аҳолининг ҳар 100 кишисига тўғри келувчи мигрантлар сони миграцион ҳаракатнинг интенсивлиги ёки коэффицентини кўрсатади. У йилига ўртacha тахминан 5-6 фоизга teng, лекин бу рақам турли жойларда катта фарқ қиласида.

Бирон бир давлат, шаҳар, туман, қишлоқдаги миграцияларнинг самарадорлиги-миграция сальдоси дейилади, у бир йил давомида кўчиб келган аҳоли билан кўчиб кетган

аҳолининг айирмасига тенг. Миграция сальдоси ижобий ёки салбий бўлади ва у абсолют (масалан, йилига 5000 киши) ҳамда нисбий кўрсаткичларда (100 ёки 1000 киши ҳисобига) ифодаланади.

Аҳолининг бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиши аҳоли географиясига, таркиби ва динамикасига катта таъсир кўрсатади. Бу таъсир нафақат кичик, алоҳида аҳоли манзилгоҳларид, балки йирик материқ, регион, мамлакатлар доирасида ҳам сезилади. Шунингдек, аҳолининг механик ҳаракати натижасида аҳоли сони, зичлиги, унинг кўпайиши кўрсаткичлари ва демографик вазият ҳам ўзгаради. Бу ўзгариш салбий ва ижобий тусга эга бўлади.

Аҳоли миграциясининг салбий томони шундаки, мигрантлар оқими йўналган районларда кўчиб келганлар сони, кўчиб кетганлар сонидан ортиқ бўлади. Аҳоли сони ўсиб боради, ёш таркиби, кўчиш жарёнларидан фаол иштирок этувчи ёшлар салмоғининг юқорилиги билан фарқ қиласи. Бу хол келажакда аҳоли кўчиб келаётган регионлардаги демографик вазиятни яхшилашга ва аҳоли табиий ҳаракати суръатларининг ошишига имкон беради. Бир пайтлар Ўзбекистоннинг Мирзачўл, Қарши чўллари ҳудудига Фарғона водийси, Самарқанд, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларидан аҳоли кўчиб келиб жойлашган. Бу юқорида келтирилган ҳолатларга мисол бўлиши билан бирга етишмаётган меҳнат ресурсининг таъминланишига ҳам ёрдам берди.

Аҳоли кўчиб кетаётган ҳудудлардан катта ёшдаги кишилар салмоғининг камайиши рўй беради. Натижада туғилиш нисбатан камаяди, ўлининг ўртacha микдори юқори бўлади, аҳолининг ўсиш суръатлари пасаяди ёки унинг сони камайиб боради. Аҳолининг табиий ҳаракати аҳоли кўчиб кетган ва аҳоли кўчиб келган ҳудудларда бир-биридан кескин фарқ қиласи. Чунки ҳар икки жараёнда ҳам аҳолининг жинсий, ёш таркибида у ёки бу тарзда бузилишлар рўй беради. Бу аҳолининг табиий ҳаракати суръатига ўз таъсирини кўрсатади. Аҳолининг жинсий ва ёш таркибидаги, унинг ўсиш суръатларидаги ўзгаришлар, меҳнат ресурсларининг керагидан ортиб кетишига ёки уларнинг етишмаслигига олиб келади. Умуман олганда, аҳоли миграциялари- бу мамлакатнинг турли ҳудудлари ва халқ хўжалиги тармоқлари ўртасида меҳнат ресурсларини қайта тақсимланишининг воситасидир. Чунки, асосан маълум касб малакага эга бўлган кишилар кўчиб юрадилар. Янги қурилиш ва қишлоқ хўжалик ерлари ўзлаштирилаётган ҳудудларга малакали ишчи кучи келиши, уларнинг иқтисодий ривожланишини тезлаштиради, ишлаб чиқаришнинг нисбатан мукаммал техника турларини ривожлантиришга имкон беради.

Мигрантлар таркиби айрим ҳудудлар аҳолисининг маданий даражасига, билимига таъсир кўрсатади, этник ассимиляция жараёнларини ва қўп тилликнинг тарқалишини белгилаб беради. Турли хил этник гурухларнинг аралashiши оқибатида янги этник бирликлар пайдо бўлишига, оммавий аҳолининг кўчиши ёки кўчирилиши сабаб бўлади. Масалан, республикамизга Улуғ Ватан уруши йиллари, 1966 йилги Тошкент зилзиласидан сўнг оммавий русийзабон миллатиг мансуб кишиларнинг кўчиб келиши минтақа аҳолисининг таркиби, этник тузилишида ўзгаришларга шароит яратади. Бошқа миллат вакиллари кўчиб келган ҳудудлар, янги ўзлаштирилган ерлар аҳолиси ирқий ва миллий тузилишига кўра хилма-хил бўлди. Аҳоли миграциялари илгари одамлар яшамаган ҳудудларни аҳоли билан таъминлашга ва ўзлаштиришга, аҳоли тарқалган йирик янги ареалларни барпо этишга, мамлакат айрим қисмлари орасидаги иқтисодий ва социал ривожланиш даражаларини тенглаштиришга имкон беради. Бунда миграцияларнинг йўналишлари ҳудудий бўлган иқтисодий ва социал вазифаларнинг ҳал этишга ёрдам бериши зарурдир. Миграция жараёнларини бошқаришда давлат миграциялар ва уларнинг географияси тўғрисидаги микдорий кўрсаткичлардан кишиларнинг кўчиб юриш сабаблар ҳақидаги хилма-хил маълумотлардан фойдаланилади. Ана шу асосда аҳолининг у ёки бу ҳудудга миграциясини рағбатлантирувчи тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилади. Бу тадбирлар кўпинча катта ҳаражат талаб қиласи. Миграцияни вужудга келтирувчи сабаблар қилиб иқтисодий, сиёсий ва ихтиёрий кўчиб юришлар кўрсатилади. Айтайлик маълум бир ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли ўзи яшаб турган жойга нисбатан яшаш

даражаси устун бўлаган худудга кўчиб ўтишни иқтисодий сабб билан боғлаймиз. Давлат тузумидаги сиёсий вазият ва ундаги ўзгаришлар, чегараларнинг қайта кўрилиши оқибатида аҳоли манзилгоҳларининг у ёки бу давлат чегарасига ўтиш ва ҳоказо сабаблар аҳолининг кўчиб юришига олиб келади. Бунга мисол тариқасида собиқ Иттифоқнинг парчалниб ҳар бир давлат мустақилликка эришуви миллатларнинг у давлатдан бу давлатга кўчиб ўтишини тезлаштиради. Кўплаб русийзабон кишиларнинг ўз она ватанларига қайтиб кетиши, чет давлатларга кўчиб кетиш ҳоллари шулар жумласидандир. Учинчи сабаб қилиб турли хил баҳтсиз ҳодиса, табиий шароит, турмуш тарзидағи ноқулайликлар туфайли аҳоли ихтиёрий равишда бир жойдан- иккинчи жойга кўчиб ўтади. Сўнгги ўн йилда миграция масштаби мамлакатимизда ҳам, мамлакатлараро ҳам кенгайиб у сиёсий аҳамият касб этмоқда.

БМТ маълумотларига кўра 2000 йилда дунё бўйича 175 миллион халқаро мигрантлар мавжуд бўлган. Булардан деярли 50 фоизи аёллар, қарийиб 4 миллиони қочоқлардир. 1990 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда ҳар 3/2 мигрант Шимолий Америкага тўғри келган. 1980 йилгача кам ривожланган давлатларда халқаро мигрантлар умумий сонининг ҳар 5/3 таси ўта ривожланган мамлакатларда жойлашган. Бугунги кунда иқтисодиёт ўта муҳим жглобал аҳамиятга эга бўлган бир вақтда мигрантлар оқими тобора жадаллашмоқда. Айниқса, ишга жолашиш, иш топиш мақсадида аёл мигрантлар миқдори ошиб бормоқда. Халқаро аҳолининг алмашиниши аҳолини жўнтувчи (транзит) ва қабул қилувчи худудлар учун иқтисодий, ижтимоий-иктисодий, маданий ва демографик таъсири аҳамиятли бўлади.

Халқаро миграцияда аҳоли кўчиб кетаётган, кўчиб келаётган миграция оҳимини тўғри бошқариш муҳим аҳамиятга эга. миграция натижасида ноқонуний одамларни олиб ўтиш ва сотиш, ОИТС инфекциясини ва бошқа касалликларни у давлатдан бу давлатга ташиш каби нохуш ҳолатлар тобора ривожланмоқда. Шунингдек, ривожланган давлатлардан ривожланаётган давлатларга мигрантларнинг пул ўтказиши миграциянинг иқтисодий нуқтаи-назардан салбий кўринишидир. Малакали мутахассислар ва эркаклар миграцияда иштирок этиш, аёлларнинг оиласида хўжайин бўлиб қолишига ва ҳатто оиласарнинг бузилишига ҳам олиб келмоқда.

Мигрантлар таркибини таҳлилидан уларда асосан эркаклар ва ёшлар кўплаб қатнашишини таъкидлаш лозим. Болалар, аёллар ва қариялар юқорида келтирилган сабаблар туфайли камдан-кам яшаш жойини ўзгартиради.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари аҳолини тинч жойларга оммавий кўчириш ишлари олиб борилганлиги ҳаммага маълум. Кўчириб келтирилганлар ичида ёш болалар, кексакариялар, аёллар аксариятини ташкил этганди.

Вақт ўтиши билан аҳоли миграциясининг сабаблари ҳам ўзгариб боради. Аммо барча даврларда ҳам ижтимоий-иктисодий сабаблар етакчи бўлиб қолаверади. Тарихда давлатлар миқёсида йирик миграцион ҳаракатлар рўй берганлиги ҳаммага маълум. Жумладан Е.Л. Шувалов VII-X асрларда оммавий кўчишларни Арабистон ярим оролида яшовчи араб қабилаларининг Шимолий Африка, Пиреней ярим ороли, Яқин ва Ўрта Шарқ худудларини босиб олганлиги ва бу ерларда ислом дини ҳамда араб ёзувини кенг тадбиқ қилиб тарқатганлигини кўрсатиб ўтади (96- бет). Шунинингдек бу араб қабилалари мазкур худудда Миср ва Марокаш каби қатор замонавий араб қабилаларининг ташкил топишида қатнашдилар.

Аҳоли миграциясига катта таъсир кўрсатадиган давр дунёда буюк географик кашфиётлар даври ҳисобланади (XV аср охири- XVII аср ўртаси). Бу давр одамларнинг алмашилишида унчалик аҳамиятли бўлмасада, кейинчалик оммавий аҳоли кўчишига замин бўлиб ҳизмат қилди. XIX асрда Африка минтақасидан Америкага кўплаб қора танли негрлар кўчириб келтилди. XV-XVIII асрда аввал Испания ва Португалиядан кейинчалик Англия ва Франциядан Америкага одамлар кўчиб боришади. Ўша вақтларда Америка арzon ишчи кучига эҳтиёжи баландлиги туфайли 50 миллион негр қул сифатида Африкадан олиб кетилган. Бу қулларнинг атиги 12-14 миллиони Америкага етиб борган

бўлишса, қолганлари эса йўлда ҳалок бўлишган. Европадан Америкага XIX аср ўрталарида ахолининг кўчиб бориши янада кучайди ва XX аср ўрталаригача давом этди. Иккинчи жаҳон урушигача кўчиб борганларнинг аксарияти АҚШ га тўғри келади. Ушбу аҳоли харакатларининг бош сабаби иқтисодий омил ҳисобланади.

Сеҳрли диёр бўлмиш Америкага ахолининг кўчиб бориши Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам тўхтаганий йўқ. Ҳатто, собиқ Иттифоқ республикалари алоҳида давлат бўлиб, мустақилликка эишганларидан сўнг бу жараён яна бир каррага жонланиб, тезлашди. 1993 йили АҚШ президентининг собиқ Иттифоқ ҳудудидаги зиёлилар ва мутахассисларнинг АҚШ га кўчиб келишига мумкин қадар қулайликлар яратиш тўғрисидаги қарори бу давлатга мигрантлар оқимининг янада кўпайишига туртки бўлди десак хато бўлмайди. Ва бу жараённи олимлар фанда “оқиллар кетиши” деб номлашган. Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши қўплаб математик, компьютер дастурчилари, химик, физик, биолог сингари олимлар ва мутахассисларнинг Америкага кетишига, ўз навбатида МДХ давлатларидаги интелектуал салоҳиятнинг пасайишига олиб келди. Европадан, Африкадан, собиқ Иттифоқ давлатларидан Америкага кўчиб келган аҳоли сони шу ҳудуд аҳолиси билан аралашиб мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига катта ҳисса кўшмоқдалар.

Қитъя ва материклар ўртасидаги миграция жараёни нафақат Европа ва Америка балки Европа ва Африка, Европа ва Австралия, Хитой ва Корея ўрталарида ҳам бўлиб ўтган. Европадан Африкага одамларнинг механик харакати Американики сингари XIX аср ўрталарига тўғри келади. Манбларда кўрсатилишича 1960 йили Африкада тоза европаликлар 6 миллион кишига етган. Европаликлар Африканинг жанубий ва шарқий ҳамда шимоли ҳудудларига кўчиб боришган. Аввало буларнинг кўчиб борган жойлари Африканинг энг бой қимматбаҳо ресурслари мавжуд бўлган ерлардир. Кейинчалик кўпгина Африка давлатлари алоҳида бўлиб мустақилликка эришганидан сининг кўчиб келган баъзи кишилар ватанига қайтиб кетишиди. Дунё миқёсида аҳамиятли қитъалараро миграция жараёни қандай материлик ёки минтака доирасида бўлишидан қатъий нзар аҳолисининг сонига ўз таъсирини кўрсатади. Европадан кўчиб кетаётган аҳоли шу ердаги давлатлар учун йўқотиш бўлиш билан бирга аҳолисининг сони қисқаришига ҳам сабаб бўлади. Бироқ айрим давлатлар учун миграциянинг аҳамияти юкорироқ. Жумлдан, собиқ Иттифоқнинг парчаланиши республикалар олдига қатор ижтимоий-иқтисодий, сиёсий масалаларни мустақил ҳал этишни олдиларига қўйди. Бу ўз навбатида ахолининг харакатчанлигини ҳам оширишга олиб келди. Россия МДХ ичидаги энг йириқ, қудратли давлат ҳисобланади, аммо демографик вазиятни яхшилаш давлат аҳамиятидаги муаммолардан бири. 1990 йиллардан бери табиий кўпайишига манфийга тушган. Аҳолиси Ўрта Осиё ва бошқа МДХ давлатларидан кўчиб бораётганлар сони билан ўсмоқда ва ишчи кучига бўлган эҳтиёжни тўлдирмоқда.

Собиқ Иттифоқ республикаларидаги иқтисодий ахволнинг пасайиши, хўжалик алоқаларининг узилиши, турмуш даражасидаги нохушликлар, ишлаб чиқариш корхоналарининг тўхтаб қолиши кабилар ишсизлик муаммосини келтириб чиқарди. Натижада Россиядан аҳоли хориж давлатларига иш излаб, яхшироқ даромад топиш мақсадларида чимқиб кетмоқдалар. Бу эса янада аҳоли сонинг камайишига сабаб бўлмоқда. Россияга кўчиб келаётган иммигрантлар Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондандир.

Ўзбекистондан ҳам хорижга, Россияга ва бошқа ҳудудларга турли мақсадларда миграцияда иштирок этиб чиқиб кетаётганлар ҳаммамизга маълум. Республикамиздан чиқиб кетаётган эмигрантлар таркибида биринчидан бир вақтлр келиб қолган русийзабон миллатга мансуб кишилар, уларнинг фарзандлари яна ватанларига қайтишмоқда. Иккинчидан яхудийлар, немислар, греклар, қозоклар, месхети турклар ўз она юртларига ёки бошқа давлатларга кўчиб кетишишмоқда. Бундай миграцияни этник миграция деб ҳам аташ мумкин. Учинчидан, маҳаллий миллат вакиллари (ўбеклар) ичидан ҳам иш излаб, ўқиш ёки қариндошлари орқали бошқа жойларга бориб яшаш мақсадларида ташки

миграцияда фаол иштирок этишмоқдаки- бу оммавий меҳнат миграцияси ҳисобланади. Ушбу миграцияда иштирок этаётганлар вақтинча ва доимий яшаш учун кетишади. Ўзбекистон аҳолисининг халқаро миграциядаги иштироки кўпроқ четга кўчиб кетувчилар ҳисобига бўлиб миграция сальдоси манфий тус олган. Халқаро миграцияда иштирок этиб мамлакатимизга кўчиб келаётганларнинг аксариятини ишбилармонлар, тадбиркорлар, илмий ҳодимлар, элчихона ҳодимлари ташкил этади. Булар вақтинча яшаб кейин ватанига қайтиб кетишади.

Халқаро миграция жараёни билан бирга маҳаллий ички миграция ҳам республикада мустақиллик йиллари анча жонланди. Ички миграцияда кишлоқдан-шаҳарга ва шаҳардан-шаҳарга йўналишлари бўйича аҳоли ҳаракати кучайди. Яъни қишлоқ жойларда баъзи корхона ва хўжаликлардаги ишларнинг тўхтаб қолиши аҳолининг, айниқса ёшларнинг иш излаб марказ шаҳарларга қатновига олиб келди. Умуман Ўзбекистон учун ички миграцияда вақтинча яшаш жойини ўзгартирадиганлар ва маятниксимон миграцияда иштирок этадиганлар ҳамма даврларда устун бўлиб келган. Шаҳарлар ўртасидаги аҳоли алмашиниши ҳам кичик шаҳарларда яшовчиларнинг йирик шаҳарларга кўчиши ҳисобига анча катта.

Мамлакат аҳолисини халқаро ва ички миграцияда ишшини ҳам салбий, ҳам ижобий томонлрга эгалигини юқорида келтириб ўтгандик. Ўзбекистон учун чет давлатларга кўчиб кетаётганлар ичидаги етук мутахассислар катта йўқотиш ҳисобланади. Айниқса, фан, мактаб, соғлиқни саклаш, хукуқ соҳасидаги малакали етук мутахассислар шулар жумласидандир.

Кам сонли аҳолиси бўлган давлатлар учун ташки миграция (кўчиб кетиш) демографик, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ҳарактерга эга муаммоларни келтириб чиқаради. Республикализ аҳолисининг халқаро миграциядаги иштироки бундай мундай муаммоларга олиб келгани йўқ. Аммо, замонавий халқаро аҳоли миграцияси масштаби борган сари кенгайар экан кўп миллатли аҳолиси бўлдган Ўзбекистон учун давлатлараро миграция сезиларли ахамиятга эга бўлади.

Манбаларда кўрсатилишича 90-йиллар бошида дунё бўйича 25 меҳнаткаш ишчи мигрант рўйхатга олинган. Уларнинг ярмидан ортиғи ривожланган давлатлардн чиққан бўлиб 3/2 қисми индустрнал ривожланган давлатларга бориб жойлашган. Халқаро миграцияда охирги йиллари аҳоли ўртасида табақаланиш кучайганлиги оқибатида ноқонуний мигрантлар сони ошди. Нелегал мигрантларнинг асосий қисмини ёлланиб ишловчилар ташкил этмоқда. Бундай ишчи-мигрантлар кўпчилик давлатлар арzon ишчи кучи саналади. 1990-йиллардн кейин собиқ Иттифоқ республикалри аҳолиси ичida худдий шундай (нелегал) яширин миграцияда қатнашувчи мигрантлар сони кўпайди, айниқса, аҳолиси сони кўп, ишсизлик баланд бўлган худудларда бу янада ўси. Европа, Осиёнинг ривожланган давлатлари, Россия (Ўрта Осиё республикалари учун) асосий иммиграция давлатлари бўлиб қолди.

Миграция жараёнини бошқариш, йўлга қўйиш ҳар бир давлат миграция сиёсатининг бош вазифасидир. Демак, давлатлараро, давлат ичидаги аҳолининг механик ҳаракатини тўғри ташкил этиш малакали мутахассисларни йўқотиш олдини олиш, мутахассисларни алмашишни амалга ошириш, мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланиш йўлларини излаб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, аҳоли турмуш даражасини кўтриш бугунги кунда ривожланаётган давлатлар олдидағи муаммолардан ҳисобланади. Аҳолининг механик ҳаракати худуд ижтимоий-иктисодий ва демографик вазиятни яхшилашга хизмат қилмоғи лозим.

## 1. Миграциянинг турлари.

Миграция жуда кенг қамровли ва муракаб жараён бўлиб, унинг турли жиҳатларига кўра: худудий йўналишига, муддатига, ташкил этилган ёки этилмаганига, қонуний ёки ноқонунийлигига қараб турлари мавжуд.

Худудий йўналишига кўра миграция ташки ва ички миграцияга бўлинади.

**Ички миграция** деб бирор бир мамлакат, вилоят ёки маъмурий ҳудудий бирлик ичида аҳолининг бир жойдан иккинчи бир жойга қўчишидир. Бу хил миграция ҳам ўз навбатида тўрт йўналишга бўлинади: шаҳардан-шаҳарга, шаҳардан-қишлоққа, қишлоқдан-шаҳарга, қишлоқдан-қишлоққа.

**Ташқи миграция** деб аҳолининг мамлакат ташқарисига, жумладан қўшни мамлакатлар ёки чет элга қўчиб кетиши ёки у ердан қўчиб келишидир. Ташқи миграциянинг қитъаларо ва қитъалар ичидаги турларини ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ташқи миграция тўғрисида гап кетар экан эмиграция, иммиграция ва реэмиграция тушунчаларига қисқача таъриф бериб ўтиш лозим бўлади. «Иммиграция- бу мамлакатга хорижий фуқароларнинг доимий яшаш ёки ишлаш мақсадларида келиши бўлса, эммиграция эса бу жараённинг тескарисидир, яъни бирор мамлакат фуқароларининг доимий яшаш ёки ишлаш мақсадларида хорижга чиқиб кетишидир. Реэмиграция ва реиммиграция эса қўчиб келган ёки қўчиб кетганларнинг кайтиб келиши ва қайтиб кетишидир. Иммиграцияда қатнашган фуқаролар иммигрантлар, эммиграция жараёнида иштирок этувчиликлар эмигрантлар деб аталади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, “Эммигрант” ва “Иммигрант” тушунчалари учун халқаро ягона таъриф мавжуд эмас. Бу тушунчалар бўйича ҳар бир давлатнинг ўз мезонлари бор. Масалан, Болгарияда “иммигрант” шу давлатга жойлашиш мақсадида бошқа давлатдан келганлар; “Эммигрант” эса Болгарияни бутунлай ташлаб бошқа давлатга яшаш учун кетганлар. Польшада- олдин хорижда, яъни бошқа давлатда яшаб, кейинчалик шу давлатга доимий фуқаролик учун келганлар – “иммигрантлар” деб; Польшани бутунлай ташлаб кетганлар эса “Эммирантлар” деб аталади. Россияда – Россияга ишлаш ёки ўқиш мақсадида 1,5 йилдан кўп муҳлатга келганлар ва уларнинг кузатувчилари “иммирантлар” деб; ўқиш ёки ишлаш учун 1,5 ойдан кўп муҳлатга бошқа давлатга кетганлар “Эммирантлар” деб аталади. АҚШ да қонуний асосда бошқа давлатлардан доимий яшаш мақсадида АҚШ га келганлар “иммирантлар” деб аталади. “Эммирантлар” га эса таъриф берилмаган.”<sup>6</sup>

**Муддатига қўра** – миграциянинг доимий вақтинча (мавсумий) ва тебранувчи (маятниксимон) турлари ажратилади.

**Доимий миграция-** бу аҳолининг қўчиб кетган жойида бутунлай қолиб кетиши ёки узокроқ муддат қайтиб келмаслигидир. Кишиларнинг нисбатан қисқа муддатдан сўнг қўчиб кетган жойларига қайтиб келишлари вақтингчалик миграциядир. Вақтингчалик миграциянинг энг муҳим йўналиши мавсумий миграция бўлиб, кишиларнинг йилнинг муайян бир фаслида четга чиқиши ёки келиши жараёнидир. Мавсумий миграция асосан меҳнат миграциясига хос жараён бўлиб аҳоли бандлигига катта тебранишлар бўладиган ва ишчи кучига талаб катта бўладиган мавсумларда кишиларнинг миграцион фаоллиги бир неча баробар ортиб кетади. Мавсумий миграция кўпроқ қишлоқ хўжалиги, меҳмонхона хўжалиги сингари ишчи кучини кўп талаб этадиган ва юқори малака талаб этилмайдиган ишлар билан боғлиқ бўлади. Мисол учун ёз ойларида Туркия, Швейцария каби давлатларга хорижлик сайёхларнинг кўплаб келиши натижасида ишчи кучига бўлган кескин ортади. Бу эса даромад топиш даражаси нисбатан пастроқ бўлган давлатлардан кўплаб ишчиларнинг оқиб келишига сабаб бўлади.<sup>7</sup>

Миграциянинг яна бир тури тебранувчи (маятниксимон) миграция бўлиб, аҳолининг бир аҳоли пунктидан иккинчи бир аҳоли пунктига ўқиш, ишлаш ва бошқа сабабларга қўра ҳар кунлик қатнашидир. Бу тур миграция кўпроқ ички миграцияга хос бўлиб, халқаро миграция доирасида давлатлараро яхши қўшничилик алоқалари йўлга қўйилган чегараолди ҳудудларигагина хосдир.

Миграция жараёни ташкил этилиш нуқтаи- назаридан ташкил этилган ва ташкил этилмаган турларга ажратилади. Ташкил этилмаган миграция аҳолининг ўз ҳоҳиш ва ихтиёрлари билан аввалдан режалаштирилмасдан, стихияли тарзда бўлиши бўлса, ташкил

<sup>6</sup> Бўриева М.Р. Демография асослари. Т., 2002.

<sup>7</sup> Демографический энциклопедический словарь, М., 1985., 243-244- бет.

этилган миграция ижтимоий зарурия туфайли давлат томонидан режалаштирилган тарзда содир бўлади. Мисол учун, ҳозирги кунда жуда кўп Ўзбекистон фуқаролари Жанубий Корея Республикасида ташкиллаштирилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Сўнги йилларда миграцияда, хусусан ҳалқаро миграция жараёнларида қонуний ва ноқонуний мигрантция турлари алоҳида ажратиб кўрсатилмоқда..

**Қонуний миграция**- бу кишиларнинг мавжуд қонунчиликни четлаб ўтмаган ҳолда, давлат органлари томонидан рўйхатдан ўтказилган ва тегишли рухсатномалари бўлган ҳолдаги кўчишларидир.

**Ноқонуний миграция** эса кишиларнинг мавжуд қонунчиликни четлаб ўтган ва давлат органлари томонидан рўйхатга олинмаган ҳолдаги ҳамда зарурий хужжат, ва рухсат бўлмаган ҳолдаги кўчишидир.

### 3. Миграцияни келтириб чиқарувчи омиллар.

Маълумки миграция кишиларнинг доимий ва вақтинча ўз яшаш ёки иш жойларини ўзгартиришлари натижасидаги бир жойдан иккинчи бир жойга кўчишларидир. Табиийки аҳоли миграцияси қатор омиллар таъсирида вужудга келади. Бу омилларни шартли равишда иқтисодий, демографик, сиёсий, ижтимоий ва экологик омилларга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Иқтисодий омиллар.** Аҳоли миграциясига таъсир этувчи омиллар орасида иқтисодий омиллар энг муҳими ҳисобланади, чунки қолган барча омиллар пировардида иқтисодий муаммоларга айланади ёки иқтисодий оқибатларга олиб келади. Иқтисодий омиллар деганда ҳар бир давлат иқтисодий тизимининг мустаҳкамлиги, унинг ўсиш даражаси ва ривожланиш кўлами тушунилади. Дунёнинг турли минтақаларида иқтисодий имкониятлар, меҳнат шароитлари ва иш ҳақи ўртасида юзага келган сезиларли фарқ ишчи кучларини мамлакатлараро кўчиб юришига сабаб бўлувчи муҳим омил ҳисобланади. Масалан АҚШ ва Мексикадаги даромадларнинг тахминан 10 баробарга фарқ қилиши мексикалик ишчиларни АҚШ га иш қидириб ўтишларининг асосий сабаби ҳисобланади. Шундай қилиб ер юзида ривожланган бой ва ривожланаётган иқтисодий имкониятлари чекланган мамлакатларнинг мавжудлиги ҳалқаро миграция ва жаҳон меҳнат бозорининг амал қилишини белгиловчи асосий омил ҳисобланади.<sup>8</sup>

**Демографик омиллар.** Аҳолининг ўсиш суръати, аҳоли сонининг кўпайиши ёки қисқариши билан боғлиқ бўлган омиллар демографик омиллар бўлиб саналади. Бундай омиллар қаторига биринчи навбатда аҳолининг табиий ўсиш даражасини киритиш мумкин, чунки табиий ўсиш миграцион жараёнга таъсир этиши билан биргалиқда миграцион жараённинг жадаллашув ҳам ўз навбатида табиий ўсишга сабаб бўлиши мумкин. Табиий ўсиш натижасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли етишиб чиқишига, яъни миграция қилиши мумкин бўлган аҳоли кўпайишига замин яратилади. Шу ўринда демографик омилларнинг иқтисодий омиллар билан узвий боғлиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Жумладан иқтисодий ўсиш билан табиий ўсиш ўртасидаги фарқнинг ортиши ҳам миграцияга катта таъсир этади. Яъни табиий ўсиш суръатлари иқтисодий ўсиш суръатларидан юқорироқ бўлса мамлакатда ишсизлар сонининг ортишига ва кишиларнинг чет элга иш излаб чиқишиларига сабаб бўлади. Табиий ўсиш суръатлари иқтисодий ўсиш суръатларидан паст бўлса мамлакатда ишчи кучига бўлган талаб кўтарилади ва чет эллик ишчиларнинг иш излаб келишлари ортади. Мисол учун, 90-йилларнинг ўрталаригача Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти мамлакатларида (АҚШ, Япония, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Исландия, Туркия, Швейцария ва Европа Иттифоқи давлатлари) иқтисодий фаол аҳоли йилига ўртacha 0,8 фоиз кўпайган, ялпи ички миллий маҳсулот ҳажми эса 3 фоизга ошган.<sup>9</sup>

**Сиёсий омиллар.** Айрим мамлакатлардаги, сиёсий вазиятнинг баарор эмаслиги, уларнинг иқтисодий ахволига таъсир этиб, мамлакат ишчи кучинининг четга оқимини кескин кучайтиради. Шу жумладан турли сиёсий инқироз ва урушлар натижасида

<sup>8</sup> Ҳакимова М. ва бошқ. Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар. Т.; 1997. 140-бет.

<sup>9</sup> Юкоридаги манба, 141- бет.

мажбурий мигрантлар (қочоқлар, депортация қилинганлар) сонининг кўпайишига олиб келади. Собиқ Иттифоқнинг тарқалиб кетиши натижасида нафақат Иттифоқ таркибидаги давлатларда балки унга қўшни бўлган социалистик лагер таркибидаги давлатларда сиёсий бекарорлик ҳолларининг юзага келишига сабаб бўлди. Унинг натижасида мажбурий мигрантлар сони кўпайди. Экспертларнинг маълумотига кўра МДҲ давлатларида айни пайтда (2003 й.) 1,8 млн. қочоқлар ва мажбурий мигрантлар мавжуд.<sup>10</sup>

**Ижтимоий омиллар.** Аҳоли миграциясини келтириб чиқарувчи омиллар ичida ижтимоий омиллар ҳам каттагина аҳамият касб этади. Л.Л. Рыбаковский миграциянинг ижтимоий омиллари деганда миграцион жараёнга маънавий омилларнинг таъсирини тушунади.<sup>11</sup>

М.К. Қорахонов миграцион жараёндаги ижтимоий омилларни кишиларнинг малакаси ва маъумоти қанчалик юқори даражада бўлса, унинг миграцион ҳаракатчанлиги (мобиллиги) шунчалик тез ва у онгли равишда малакасидан самарали фойдаланиш мумкин бўлган жойни кидиради.<sup>12</sup> Шу жумладан ўқиш ва касбий малакани ошириш мақсадлари ҳам кўплаб кишиларни, айниқса ёшларни миграция қилишларига сабаб бўлади.

Ижтимоий омиллар ичida этник омиллар ҳам ўзига хос мавқега эга. Этник омилларга- ахолининг анъаналари, урф-одатлари, тили, турмуш тарзи қабиларни киритиши мумкин. Уларнинг ҳар бири миграция жараёнини жадаллаштириши ёки секинлаштириши мумкин. Жумладан, ўзбек ҳалқининг тарихан ўтроқлиги, ўз туғилган ва ўсган жойига боғликлиги, ўрганган қадриятлари ва турмуш тарзини ўзгартиришга мойил эмаслиги туфайли собиқ Иттифоқдаги бошқа ҳалқлар ичida энг суст миграцион ҳаракатчанлии билан ажralиб туради. Бироқ сўнги бир неча йил ичida мигрантлар таркибида ўзбеклар салмоғининг тобора ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Тил омили ҳам миграцияга сезиларли таъсири этади. Кишиларнинг тил билиш билмаслиги ҳам уларнинг миграция қилишига ёки миграциядан тийилиб туришига сабаб бўлади. Мисол учун 1989 йилда ўзбек тилига “Давлат тили” мақомининг берилиши ва давлат расмий идораларида ўзбек тилида иш юритишнинг лозимлиги таъминланиши натижасида ўзбек тилини ўрганишни ҳоҳламаган ёки ўрганмаган кишиларнинг бошқа худудларга миграция қилишларига сабаб бўлди.

**Экологик омиллар.** XX асрнинг ўрталаридан миграция омиллари қаторига экологик омиллар ҳам қўшилди ва борган сари унинг қўлами тобора ортиб бормоқда. Экологик жиҳатдан ўз ҳаётларига ҳавф туғиладиган жойлардан кишиларнинг кўчиб кетиши табиий ҳолдир. Мисол учун, Ўзбекистонда иккита йирик экологик ҳавф ўчоғи мавжуд. Булар Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик ҳавф ўчоғи ва Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегара худудлари (Турсунзода алюминий заводи атмосферага чиқиндиларни чиқариши натижасида) бўлиб, бу ерлардаги кишилар ўзларининг ва авлодларининг келажак тақдирини ўйлаб бошқа экологик жиҳатдан ҳавсизроқ худудларга кўчиб кетмоқдалар. Биргина Ўзбекистоннинг Оролбўйи худудларидан 90-йилларда Қозогистонга- қарийиб 30 минг, Туркманистонга – 4 минг ва Ўзбекистоннинг бошқа худудларига қарийиб 20 минг киши кўчиб кетишга мажбур бўлишган.<sup>13</sup>

## Мавзу. Никоҳ

Никоҳ социологик ва демографик категория сифатида.

Никоҳ-бу эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларнинг, уларнинг бир-бирига ва ўз болаларига нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг жамият томонидан қайд этиладиган ва бошқариладиган шаклидир. **Никоҳ тарихан кўп асрлик узоқ тараққиёт йўлини ва маълум бир шаклларнинг бошқа шакллар билан алмашинувини босиб**

<sup>10</sup> Интернет маълумоти - [www.FromUz.Com](http://www.FromUz.Com)- сайт Эммигрантов из Узбекистана.

<sup>11</sup> Рыбаковский Л.Л. Миграция населения: прогнозы, факторы, политика. М.; 1987.

<sup>12</sup> Караканов М.К. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. Т., 1982.

<sup>13</sup> Alikhan Aman, Population migration in Uzbekistan (1998-1999). Т., 2000. 84-бет.

**ўтган. Бу тарихий ўзгаришлар ана шу соҳа билан боғлиқ маҳсус тарихий этнографик ва тарихий социологик илмий адабиётда яхши ёритилган.** Никоҳ ҳақида сўз борар экан унинг хуқуқий ва бошқа турли ижтимоий фанларда турлича талқин қилинишини таъкидлаш лозим. Дейлик, хуқуқий нуқтаи назардан, никоҳ бу эркак ва аёл ўртасида эркин, ихтиёрий, тенг хуқуқли асосда тузилган иттифоқ бўлиб, унда қонун талабларига риоя қилиш ва эр-хотин ўртасида шахсий ҳамда мулкий қонунлар ва мажбуриятларга сўзсиз бўйсуниш таъкидланади. Ўзбекистонда никоҳ фуқаролик ҳолати қайд этиладиган ташкилотларда рўйхатдан ўтказилгандан кейингина қонуний ҳисобланади ва бу ҳозирги вактда қабул қилинган оила кодекси бўйича тартибга солиб турилади.

Демография нуқтаи назаридан эса никоҳ деганда оила қуриш ва болалар туғилиши ҳамда туғилиш ва ўлим факторлари, уларнинг ўзгариш қонуниятлари ва хусусиятлари назарда тутилади. Бошқача қилиб айтганда, демография никоҳнинг эркак ва аёл ўртасидаги иттифоқнинг қонунийлаштирилган юридик шаклидан кўра амалдаги никоҳ, яъни никоҳга кирувчиларнинг муносабатларига эътибор беради. Бунинг учун никоҳ маълум бирор бир давлат қонун-қоидалари асосида қайд этилиши шарт эмас. Умуман олганда демографияда никоҳнинг юридик шакли ҳам муҳим аҳамият касб этади ва шу асосда никоҳсиз туғилиш деган тушунча ҳам бор.

Социологик жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, никоҳ муносабатларининг расмий қайд этилгани ёки этилмагани, уларнинг юридик томондан расмийлаштирилгани оила ҳолатининг социал институт сифатида энг муҳим белгиси саналади. Кейинги йилларда никоҳсиз яшаш ҳолатлари содир бўлаётгани оила тушунчаси учун инқирозий ҳолат ҳисобланади ва бу ўз навбатида жамиятда ижтимоий ҳолат кескинлашгани, социал ахлоқий нормаларнинг салбийлашувидан дарак беради. Бундай пайтда оила тушунчасида, айниқса болалар масалаларида социал муаммолар келиб чиқади. Мазкур имконият бошқа томондан хуқуқий никоҳ ва оила бирга яшашнинг ягона мезоний шакли эканлигига ҳам путур етказади. Энди никоҳ ва никоҳ муеосабатларига келсак, бу ерда фанда бир мунча чалкашлик бор. Аникроғи, никоҳнинг юридик, демографик ва социологик жиҳатлари аниқ ишлаб чиқилмаган. Шу сабабдан бўлса керак, турли нашрларда расмий никоҳ тушунчасига ва қайд этилган никоҳ тушунчасига турлича баҳо беришади. Баъзан эса қайд этилмаган никоҳларни “фуқаролик никоҳи” деб аташади. Бу чалкашликдан қутулиш учун фуқаролик никоҳи деганда қайд этилган никоҳни тушуниш керак. “Амалдаги никоҳ” масаласига келсак, унинг хуқуқий жиҳатларидан қатъий назар, хақиқий никоҳ муносабатлари бўлганлиги эътиборга олиниши керак. Умуман олганда амалдаги никоҳни қайд этилган никоҳга қарама-қарши қўйиш маълум ноаниқликларга асосланган; зоро хуқуқий никоҳ шаклининг борлиги ўз навбатида амалдаги никоҳ муносабатлари борлигини инкор қилмайди ва аксинча, амалдаги никоҳ бўлиши унинг хуқуқий шаклларини инкор қилмайди.

Никоҳнинг турлари-қайд қилган ва амалдаги –бир-бирини инкор қилмайди. Аксари қайд қилинган никоҳлар айни пайтда амалдагидир, шунингдек амалдаги никоҳларининг кўпчилиги эса –қайд қилинганлардир. Никоҳлар ичида ёлғон никоҳлар ҳам бор, улар қонуний жиҳатдан расмийлаштирилган бўлсада аслида бунда оила қуриш эмас балки уй-жой олиш, мол-дунёга эга бўлиш ва шунга ўхшаш хуқуклар учундир. Айрим қайд қилинган никоҳлар амалда тарқаб кетган бўлсада, бироқ ажralиш расмийлаштирилмагани сабабли давом этади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики кимдир бир киши билан никоҳдан ўтиб бошқаси билан яшайди. Шунинг учун қайд қилинган ва қайд қилинмаган никоҳлар мавжуд дейиш мумкин.

Никоҳнинг хиллари ёки шакллари деганда никоҳга кирадиган ёки кирган эркак ва аёлларнинг никоҳ иттифоқлари назарда тутилади. Никоҳ хиллари деганда моногамия (бир никоҳлилик) ва полигамия (кўп никоҳлилик) тушунилади.

Моногамия ёки моногам никоҳ- бу бир эркакнинг бир аёл билан никоҳидир, полигамия ёки полигам никоҳ- бу бир эркакнинг бир неча аёл билан никоҳидир (кўпхотинлилик),

ёки бир аёлнинг бир неча эркак билан никоҳидир (кўпэрлилик). Тарихий этнографик тадқиқотлар шуни кўрсатади, тарихда полигамия моногамияга қараганда кўпроқ тарқалган. Айниқса ислом динига эътиқод қилувчи мамлакатларда.

Полиандрия ёки кўпэрлилик никоҳ шакли жуда кам учрайди; Хиндистон ва Тибетнинг баъзи халқларида гина бор, у ҳам бўлса битта аёлнинг бир неча ака-укалар билан никоҳда бўлиши шаклидан иборат.

Ҳозирги вақтда боган сари полигамия миқдори камайиб моногамия кўпайиб бормоқда. Ҳатто ислом қоидалари полигиния (кўпхотинлилик)ни йўл қўйган бўлсада, бироқ қонун билан тақиқланган.

Ҳозирги даврда серияли моногамия, яъни тақорори, асосан эркак ва аёлларнинг ажralгандан сўнг никоҳ қуриш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Бу ҳодиса шундай кенг тарқалмоқдаки, ҳатто кўпгина тадқиқотчилар, айниқса журналистлар ва сиёситчилар никоҳни эркак ва аёл ўртасидаги умрбод иттифоқ демай қўйиши. Аксинча уни вақтинча бирлашув деб ҳисоблайдилар, уни хоҳлаган пайтда хоҳлаган томоннинг истагига кўра бекор қилиш мумкин дейишади. Серияли моногамия ва унга бўлган хайриҳоҳлик оиланинг институт сифатида кризисига олиб келади ва ҳозирги демографик жараёнларга ўта сабий таъсир қиласи.

Никоҳни қайд этиш бу никоҳ танловининг натижаси, сўнгги босқичи ҳисобланади. Никоҳ танлови деганда никоҳга кириш мумкин бўлган бир қанча шахслар ўртасида борадиган жараён тушунилади. Бундай пайтда у ёки бу усул билан конкрет бирор ҳолатда ягона никоҳга кирувчи киши (эркак ёки аёл) танланади ва у эр (хотин) бўлади ҳамда улар яшайдилар. Буни оила доираси дейилади. Оила доираси- бу никоҳга кирувчиларнинг гуруҳидан иборат.

Никоҳ танлови жараёни тарихан аниқ жараён ҳисобланади, у жамиятда мавжуд демографик, иқтисодий, социал, социал – маданий ва бошқа шароитлар билан боғлиқ. Никоҳ танлови жараёнининг асосий ҳусусиятлари турли хилда намоён бўлади: турли маданиятларда ва турлича тарихий тараққиёт босқичларида ҳар хил шаклда, бошқача қилиб айтганда никоҳга кирувчилар ва никоҳга кириш учун танлов имкониятлари ва эркинлиги хилма-хилдир. Никоҳга кириш имконияти деганда турли хил никоҳга кирувчиларнинг тарқалиши кўзда тутилган. Бундай ҳолатда уларнинг қайта никоҳга кириши мумкинлиги эҳтимоли муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги замон тадқиқотларидан шу нарса маълум бўлмоқдаки никоҳга кирмоқчи бўлганлар, эркаклар орасида ҳам аёллар орасида ҳам, жамиятнинг асосий структураларига, шу жумладан социал, маданий, иқтисодий ва психологик элементларга катта таъсир кўрсатади. Эркак ва аёллар ўртасидаги никоҳга кириш имконияти мавжудлигининг бузилиши уларнинг фаолияти ва ҳукмронлигига жинсий, ахлоқий ҳолатига, нияоҳ коэффициенти динамикасига, оила ва туғилишнинг бир текис боришига кескин таъсир кўрсатади.

Агар қайта никоҳга кириш тақиқланадиган бўлса, яъни шахс социал-маданий, ахлоқий ва ҳуқуқий таъқиқлар таъсирида моногамия ҳолати ҳукмрон бўлса, бундай пайтда никоҳга кирувчилар фақатгина ҳали никоҳга кирмаганлардан иборат бўлиб қолади.

Агар қайта никоҳга кириш муммкин бўлса, яъни серияли моногамияга йўл қўйилса, бундай ҳолатда никоҳга кирувчиларда танлов имконияти кенгаяди ва унда никоҳга кирганлар ҳам, кирмаганлар ҳам бўлаверади. Бундай пайтда асосий қоида, ҳар бир киши, у хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин никоҳда бўлган ва бўлмаганлигидан қатъий назар никоҳга кириш имкониятига эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда никоҳга кирувчилар имконияти кенгаяди.

**Никоҳ ёши** –бу қонун ёки одат никоҳга киришга рухсат берадиган энг кичик ёшидир. Кўпчилик мамлакатларда никоҳ ёши қонун томонидан никоҳга кирувчиларнинг жинсий етуклиги, психологик ва социал етуклиги шунингдек анъаналар, урф-одатлар

ва шунга ўхшаш шароитларга қараб қонун томонидан белгиланади. Никоҳга кириш учун индивидуал танлов масаласига келсак, бунда ҳам турли жамоалар ўртасида катта фарқ бор. Ўтмишда баъзи маданиятлар вакилларида кўпинча никоҳ ота-оналар, қариндошлар ёки ҳомийлар томонидан ташкил қилинган. Бошқа бир гуруҳ вакилларида эса никоҳга кириш “эркин” танлов асосий ўринда турган, яъни бу масалани никоҳга кирувчиларнинг ўзлари ҳал қилганлар. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам никоҳга кириш ва танлаш эркин ҳолат эмас. Никоҳга кирувчилар маълум бир маданий, социал, психологик ва ҳатто социал биологик характердаги факторлар таъсирига бўйсунадилар. Социологик нуқтаи назардан никоҳга кириш ўз навбатида ҳар бир одамда социал статус ўзгаришини англатади, яъни бундай пайтда никоҳ статуси алмашуви ёки никоҳ ҳолати алмашуви юз беради. Демография аҳолининг тақрор барпо этилиши ҳақидаги фан сифатида никоҳга кириш (ажралиш) ҳолати бўйича умумий жараёнлар шаклланишини, яъни никоҳ статуслари алмашувлари умумий жараёнлари-никоҳга кириш, ажралиш, бева қолиш ҳолатлари билан бирга, аҳолининг никоҳ статусларига аниқроғи никоҳ структурасига қараб тақсимлинишини ўрганади.

### **Аҳолининг никоҳ-оила структураси.**

**Никоҳ ҳолати ва никоҳ структураси.** *Никоҳ ҳолати (статуси)* деганда индивиднинг никоҳ институтига нисбатан ҳолати тушунилади; мазкур ҳолат у ёки бу мамлакатнинг урф-одатлари ва ҳукукий нормаларига муофиқ белгиланади. Ҳозирги вақтда аксари мамлакатларнинг статистик идоралари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Статистик комиссияси тавсияномаларига муофиқ никоҳ статуси қоидаларини белгилашга ҳаракат қиласидилар. Бунга кўра никоҳ ҳолати ёки никоҳ статусининг қуидаги категориялари назарда тутилган: никоҳда бўлмаган шахслар; никоҳда бўлган ва бирга яшовчи шахслар; бевалар қолиб янги никоҳга кирмаганлар; ажралиб янги никоҳга кирмаганлар; никоҳда бўлиб бирга яшамайдиганлар; у ёки бу категорияга киритишнинг иложи бўлмаганлар. Бу олти категория никоҳ ҳолатининг асосий категориялари бўлиб, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидаги демографик статистика томониданҳисобга олинади. Юқорида санаб ўтилган асосий никоҳ статусларидан ташқари айrim мамлакатларнинг статистикасида унинг бошқа хилларини ҳам учратиш мумкин. Масалан, баъзан қайд қилинган ва қайд қилинмаган никоҳдагиларни алоҳида ажратиб кўрсатишиади ва кейинги вақтда бу икки категорияга, никоҳсиз туғилганларнинг сони ортиб бориши билан, қизиқишиш кўпаймоқда.

Айrim мамлакатларда маҳаллий никоҳ қонуни ва урф-одатлардан келиб чиқиб у ёки бу шаклдаги никоҳлар хусусида бошқа статуслар ҳам белгиланган. Масалан, Африкадаги бир қатор мамлакатларда аҳоли рўйхати чоғида статистика қуидаги никоҳ статусларини ҳисобга олади: никоҳга кирмаганлар; моногам никоҳда турувчилар; ҳукукий, диний қоидалар ва халқ урф-одатларига муофиқ тузилган никоҳлар; ҳукукий ёки эркин тарзда полигам, яъни иккита хотин билан яшовчилар; ҳукукий ёки эркин тарзда бирга яшовчи полигам, яъни учта хотинликлар; полигам тўртта ва ундан ортиқ хотин билан қонуний ёки эркин тарзда бирга яшовчилар; моногам эркин тарзда бир ойдан кам бўлмаган муддатга бирга яшовчилар; ҳукукий никоҳ бекор қилиниши натижасида ажралганлар; никоҳдагиларнинг бирортаси ўлинши натижасида бева қолиб ҳукукий жиҳатдан қайд этилганлар; эркин никоҳ иттифоқининг бекор қилиниши натижасида ажралганлар; классификацияга киритиб бўлмайдиган ҳолатлар.

Одамлар никоҳга кириб, ажралиб ёки бева қолиб, ўзларнинг никоҳ статусларини ўзгарирадилар, яъни бир никоҳ ҳолтидан бошқасига ўтадилар. Мазкур ўзгаришларжами аҳоли бўйича олиб қараганда уларнинг мажмуаси никоҳ структурасининг қайта барпо этилишини билдиради.

**Никоҳ структураси –бу аҳолининг никоҳ ҳолатлари (статуслари) бўйича тақсимланишидир.** Никоҳ структураси аҳолини рўйхатга олиш ёки микро рўйхатга

олиш маълумотлари бўйича белгиланади. Бунда одатда никоҳ ҳолатига қараб жинси, ёши бўйича гурухларга ажратилади. Натижада ахолининг турли жинс ва ёшдаги никоҳ структураси ҳосил бўлади. Бундай ишни аҳоли рўйхатлари оалиғида қилиб бўлмайди, зеро никоҳ ҳолати ҳақида маълумотлар йиғиш анча мушкул.

Ахолининг никоҳ структурасини билиш оиланинг шаклланиша ва бузилиши, туғилиш тенденциясининг ўзгариши, ўлиш, ахолининг қайта барпо этилиши тенденцияларининг ўзгаришини билиш нуктаи назаридан зарурдир. Шу асосда демографик жараёнларнинг ўтмишдаги динамикаси ва келажакдаги ўзгаришларини аниқлашга ёрдам беради.

### **Никоҳда бўлиш**

#### **Никоҳда бўлишни аниқлаш**

“Никоҳ” аслида социал институт ҳисобланади, “никоҳга кириш” эса индивидуал қайд бўлиб эркак ва аёл ўртасидаги иттифоқни англатади. “Никоҳда бўлиш” тушунчаси эса аҳоли таркибида никоҳга киравчи жуфтлар шаклланишининг ялпи жараёнини англатади. Ва бу ходиса авлодлар доирасида ёки бир авлоддаги жамоалар орасида юз беради. Демографияда “никоҳда бўлиш” кенг тушунча бўлиб никоҳдаги жуфтларнинг оммовий шаклланиш жараёнини аҳоли никоҳ структураси шаклланиш жараёнини англатади. Ана шу кенг тушунчада никоҳда бўлиш ажралиш ва бева қолиш жараёнларини ўз ичига олади. Никоҳда бўлишни ўрганиш никоҳнинг қайталаниши билан ёки эркак ва аёл ўртасидаги иттифоқ блан боғлик. Улар ўзоро маълум бир конун ва мажбурият шакллантирадилар ва ўз навбатида қонунлар ёки одаталарда қайд этилган бўлади. Кенгроқ тушунчада олиб қараганда, зарурат туғилган ҳолларда мазкур тушунча бошқа турли ҳил қонунда қайд этилмаган никоҳларни ҳам қамраб олади.

#### **Никоҳларнинг абсолют сони.**

Демографияда никоҳда бўлиш бутун бошли бир кўрсаткичлар тизими билан ўлчанади, улар унинг шаклланиш ва ўзгариш тенденцияларини изоҳлаб келади. Уларнинг аксарияти учун никоҳни қайд этиш ҳолати умумий кўрсаткич ҳисобланади ва шу сабабдан фақат легал, юридик расмийлаштирилган никоҳлар назарда тутилади. Бошқача қилиб айтганда мазкур ҳолат никоҳда бўлишни тўла реал кўрсата олмайди, айниқса бирга яшаш ҳоллари кўб бўлган пайтларда.

Никоҳда бўлиш –бу аҳоли таркибида никоҳдаги жуфтлар ташкил бўлиш жараёнидан иборат ва ўз таркибига биринчи ва қайта никоҳларни қамраб олади. Бева қолиш ва ажралиш жараёнларини қўшиб ҳисоблаганда никоҳда бўлиш ахолининг никоҳда бўлиш структурасининг такрор барпо бўлишини англатади. Никоҳ тушунчаси битта жуфт эркак ва аёлга тегишли. Никоҳни қайдж этшнинг ялпи жараёни никоҳда бўлиш деб аталади. Бироқ демографик адабиётларда “никоҳда бўлиш” кенгроқ тушунча: никоҳда бўлиш деб никоҳга кириш ва никоҳдан чиқиш яъни ажралиш ёки ўлим туфайли жараёнларнинг мажмуасини англатади (бунда “никоҳда бўлиш” атамаси ажралиш ва бева қолиш жараёнларини ҳам қамраб олади). Никоҳнинг сони аҳоли сони ва демографик структурасига шу жумладан аҳоли никоҳ структурасидаги мутаносибликларга боғлик.

#### **Никоҳга киришнинг ўртача ёши**

Никоҳда бўлишнинг муҳим кўрсаткичи бу никоҳга киришdir. Мазкур ҳолат туғилишдан бошлаб никоҳ қайд этилган вақт оралиғидан келиб чиқиб ҳисобланади. Аҳоли рўйхати, махсус социал демографик тадқиқотлар, демографик ҳолатларнинг мунтазам ҳисоб-китоблари никоҳга кириш ёши учун манба бўлиб хизмат қиласди. Демографик таҳлилларда никоҳга кириш ёши алоҳида индивидлар ёки ахолининг маълум бир даврдаги ёки бутун бошли бир авлодниннг умри давомидаги ҳолати учун

муҳим кўрсаткич саналади. Никоҳга кириш ўртача ёшини аниқлашда турли услублар қўлланилади: никоҳга кирувчиларнинг ёшини турли ёшдаги никоҳга кирувчилар умумий сонига тақсимлаш асосида; аҳолининг никоҳ статусига кўра рўйхатга олинган маълумотлари асосида; реал ва гипотетик авлодлар учун тузилган никоҳда бўлиш жадваллари асосида.

Одатда ўртача никоҳ ёши никоҳга киргандарнинг абсолют сонига қараб ҳисобланади, у ёки бу ёшда. Туғилишнинг ўзгариб туриши таъсирида никоҳга кирувчилар сони эркаклар ва аёллар ўртасида қўпайиб ёки озайиб туриши мумкин.

### **Никоҳда бўлиш потенциали**

Юқорида кўриб ўтилган никоҳда бўлиш кўрсаткичлари, умумий коэффициентдан ташқари яна эркаклар ва аёллар учун алоҳида никоҳда бўлишни ҳам англатади. Никоҳда бўлиш потенциали максимал никоҳ сонидан келиб чиқиб ҳисобланади ва назарий жиҳатдан у ёки бу даврда амалга ошиши мумкин. Мазкур рақам ўз навбатида аҳолини эркак ва аёллар сонига ва ёш структурасига, никоҳда бўлмаганлар ҳиссасига, эҳтимолдаги келин ва куёвларнинг мавжуд ёш нисбатига қараб белгиланада. Потенциал никоҳда бўлишнинг муҳим томони шундаки, улар кузатиб борилаётган никоҳда бўлиш статистикасининг шаклланишида никоҳ ҳолати ролини дастлабки баҳолаш учун зарурдир.

Улардан биринчиси никоҳда бўлишнинг умумий потенциал коэффициенти, аҳолининг ўртача йиллик никоҳлар сони максимал эҳтимолидан келиб чиқиб ҳисобланади. Иккиси кўрсаткич-никоҳда бўлиш кўшимча потенциалининг реализация даражаси, амалдаги никоҳда бўлиш коэффициентини потенциал коэффициентга бўлиш орқали топилади.

### **Қайд қилинмайдиган никоҳлар ёки шунчаки бирга яшаш**

Илгари айтиб ўтилганидек, демография учун никоҳнинг юридик шакли билан бир қаторда, унинг реалдаги ва эффективлиги ҳам аҳамиятлидир. Демографик таҳлилларда қайд қилинмайдиган никоҳда бўлиш муҳим ўрин эгаллади. Сабаби, бундай никоҳлар биринчи навбатда бола туғилиши билан боғлиқ. Шу асосда никоҳсиз туғилиш даражаси ўсиб боради. Шунчаки бирга яшаш деганда маълум бир мамлакатнинг никоҳ қонуни орқали расмийлаштирилмаган жинсий иттифоқ назарда тутилади. Бошқача қилиб айтганда шунчаки бирга яшаш бу ноқонуний никоҳ бўлиб, никоҳ қонунчилиги воситасида расмийлаштирилмаган жинсий иттифоқнинг ғайри илмий аталишидир. Яна бир фикрга кўра, шунчаки бирга яшаш деганда битта хўжаликда иккита вояга етган шахснинг яшashi тушунилади, улар никоҳда бўлмайдилар ва қариндош ҳам эмаслар, бироқ жинсий алоқада бўладилар. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида дунёдаги барча халқларда никоҳ турлари унинг қайд этилиши, мақсади ва вазифалари ўзоро жуда яқин бўлсада, лекин никоҳ ёши, ёш гурухлари, жинслар бўйича никоҳда турвчилар салмоғи, яъни никоҳлилик даражаси турличадир.

Никоҳ жараёнини аҳолишунослик фанлари тизимиға кирувчи қатор фанлар ўз мақсадларига мос равишда таҳлил этадилар, ўрганадилар.

Демографияда никоҳ аҳоли такрор барпо бўлишига бевосита таъсир этувчи демографик жараён сифатида, ўз ўрганиш услуби, коэффициентлари ёрдамида таҳлил этилади. Аҳоли гурухидаги никоҳлилик даражасини никоҳ коэффициентлари ёрдамида аниқ ўганилади. Никоҳ коэффициентлари – аҳолини ( эркаклар ва аёлларнинг ) никоҳда бўлишини ифодаловчи нисбий кўрсаткич бўлиб, у маълум даврда қайд этилган никоҳлар сонини никоҳ ёшидаги аҳолига ( 16 ёшдан юқори ) нисбати билан ўлчанади.

Никоҳнинг умумий ёш гуруҳлари ва йиғинди коэффициентлари мавжуддир. Ниокҳнинг умумий коэффициенти – маълум ҳудудда маълум даврда никоҳга кирганлар сонининг шу худуд аҳолисининг ўртача сонига нисбатан ифодалайди.

$$R = \frac{B}{P_{16+}} * 1000$$

В - бир йилда никоҳга кирганлар сони.

$P_{16+}$  - 16 ёш ва ундан юқори никоҳ ёшидаги аҳоли. Ниокҳнинг умумий коэффициенти орқали маълум давлат ёки аҳоли гурухи никоҳ динамикасидаги ўзгаришлар, никоҳга ижтимоий иқтисодий омиллар таъсирини ўрганиш мумкин. Лекин, никоҳнинг умумий коэффициенти ҳам туғулиш ва ўлимнинг умумий коэффициентлари каби аҳолининг ёш жинсий таркиби боғлиқдир.

Аҳолининг никоҳ ҳолатини ўрганишдан никоҳнинг ёш гуруҳлари коэффициенти аниқ кўрсаткич ҳисобланади. Бу коэффициент ёрдамида маълум ёш гуруҳлардаги (16-19, 20-24, 25-29...) эркаклар, аёллар, бўйдоклар, ажралганлар, беваларга нисбатан никоҳда турганлар сони аниқланади. Никоҳнинг ёш гуруҳлари коэффициенти маълум ёшда никоҳга кирганлар сонини шу ёшдаги аҳоли сонига нисбатан ифодалайди. Никоҳнинг йиғинди коэффициенти - никоҳнинг ёш гуруҳлари (16-69 ёшдаги эркаклар ва аёллар) коэффициентининг йиғиндиси бўлиб, ўрганилаётган авлоднинг ҳаёти давомидаги никоҳлар сонини ифодалайди. Ушбу коэффициентда ўлим ҳоллари ва авлод сонига таъсир этувчи омиллар ҳисобга олинмайди. Одатда никоҳнинг йиғинди коэффициенти бир кишига нисбатан ҳисобланади ва маълум авлоднинг никоҳда бўлиш ҳолатини ифодалайди. Шунингдек мазкур коэффициент орқали ўрганилаётган авлодда биринчи, иккинчи никоҳга кириш ва никоҳсизлик ҳолатлари ҳам ўрганилади.

Мавзуу. Ажралиш (никоҳнинг бекор этилиши)

#### Режа:

1. Ажралиш ва унинг коэффициентлари.
2. Ажралиш омиллари.

Ажралиш ва унинг коэффициентлари. Ажралиш-эр-хотиннинг хаётлик даврида никоҳнинг бекор этилишидир. Ажралиш-мураккаб социал жараён бўлиб, қатор омиллар таъсирида содир бўлади. Уларга жамиятда никоҳнинг тутган ўрни, никоҳ турлари, ҳар бир давлатда никоҳ ва ажралиш ҳақидаги мавжуд қонунлар, давлат томонидан оила мустаҳкамлиги борасида олиб борилаётган сиёсат, аёлларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, фарзандсизлик, оила турмуш тарзи, дин, урф одатлар, алкоголизм ва наркомания кабиларни киритиш мумкин. Ушбу омиллар таъсирида жамият тараққиётининг турлича босқичларида, давлатларда, ҳалқларда ва аҳоли гуруҳларида ажралиш даражаси турлича бўлади. Ажралиш жараёнини ўрганишда қатор коэффициентлардан фойдаланилади.

Ажралишнинг умумий коэффициенти- маълум даврдаги ажралиш сонини шу даврдаги аҳолини ўртача сонига нисбатини ифодалайди, ва промилледа белгиланади.

$$\hat{a} = \frac{\hat{A}}{\hat{D}} \bullet 1000 -$$

$\hat{A}$  - маълум даврдаги ажралиш сони.

$\hat{P}$  - ўрганилаётган даврдаги аҳолининг ўртача сони.

Масалан, Ўзбекистонда 2003-йил учун ажралишнинг умумий коэффициентини топамиз:

$A$  (ажралганлар сони, 2003-йил)- 17,6 минг

P<sub>2003</sub> - 25115,8

P<sub>2004</sub> – 25707,4

P\* (2003-йил учун ўртача ахоли сони)

P\* ни топамиз:

$$P^* = 25411,6 \quad \dot{a} = \frac{\dot{A}}{D} \bullet 1000 = \frac{17600}{25411,6} \bullet 1000 = 0,7\% \circ$$

Шунингдек, ажралишнинг ёш гурухлари коэффициенти (маълум ёш гурухлари эркаклар ва аёлларда содир бўлган жами ажралишлар сонини шу ёш гуруҳидаги жами эркаклар ва аёлларга нисбатан); ажралишнинг махсус коэффициенти (маълум ёш гуруҳида эркаклар ёки аёлларда содир бўлган жами ажралишлар сонини шу ёш гуруҳидаги оиласи эркаклар ва аёлларга нисбатан) ва никоҳ давомийлиги бўйича ажралишнинг махсус коэффициент (никоҳда туришнинг маълум даврида ажралганлар сонининг ана шу давр бошида қайд этилган жами никоҳлар сонига нисбати) лари ҳам мавжуд бўлиб, улар орқали ажралиш жараёнидаги ўзгаришлар мукаммал ўрганилади. Ажралишнинг камайишига олиб келган асосий омил, давлат, дин ва халқ фаоллари томонидан оиласа катта эътибор берилишидир. Маълумки, қадимдан мусулмон халқларида оила жуда муқаддас хисобланган, оила қуриш, фарзандлар кўриш ҳар бир оиласининг бурчи деб қаралган. Оиласадаги барча муносабатларни хамиша пок тутишга, тўғри йўналтиришга ҳаракат қилинган. Бу сифатлар Қуръони Карим сураларида ҳам, Хадисларда ҳам, тарихий, бадиий ва илмий манбаларда ҳам ўз ифодасини топган. – ажралиш омиллари орасида асосий ўрин демографик ва ижтимоий-иқтисодий детерминантларга тегишли. Масалан, эр-хотинларнинг ёши катта роль ўйнайди. Мазкур демографик ўзгарувчи уч хил турли мадификацияда намоён бўлади: никоҳга кириш ёши, ажралиш давридаги ёши, аёл ва эркак ёши орасидаги фарқ. Биринчиси, яъни никоҳга кириш ёшига келсақ, тадқиқотлардан аниқ бўладики, мазкур ўзгарувчидан бўладиган ажримлар эҳтимоли куйидагича: дастлаб у ёш никоҳлардаги пасайиб келади, сўнг яна каттароқ ёшда тузилган никоҳларда кўтарилади. Ажралишнинг энг кам эҳтимоли максимал никоҳлилик ёшида тузилган никоҳларда мавжуд. Ажралиш давридаги ёш ҳакида сўз юритсақ, ажралиш 20-30 ёшлар орасида максимал кўрсаткичга эга, сўнг аста-секин камайиб 50 ёшдан катта ёшдагилар орасида энг паст даражага етади. Бунда аёлларда ажралишнинг максимал ёши эҳтимоли эркакларнидан пастроқ. Эр ва хотин ёши орасидаги катта фарқ ажралиш эҳтимолини оширади, бунда айниқса хотин эрдан каттароқ бўлса, ажримлар кўпроқ учрайди. Ажралишнинг яна бир омили, бу никоҳнинг давомийлигидир. Мазкур боғлиқлик ҳам қўнғироқсимон ҳарактерга эга: дастлаб ажралиш эҳтимоли ошиб боради ва бунда максимум никоҳнинг биринчи ва иккинчи беш йилликлари чегарасига тўғри келади, сўнг ажралиш эҳтимоллиги пасайиб боради. Ажралишлар кўплигини детерминация қилишда никоҳнинг тартиб рақами алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур саволга доир маълумотлар кам бўлса-да, ўтказилган тадқиқотлар такрор никоҳлар ўртасида ажралишлар кўплиги юқорироқ эканини кўрсатади. Қайд этилмаган, яъни “синов” никоҳлар ўртасидаги ажралиш детерминацияси қизиқарли. Бундай жуфтликлар аъзолари ўз муносабатларини қонунийлаштирилмаётганининг сабаби сифатида ўзини текшириш ва шу тарзда никоҳни янада мустаҳкамроқ қилишни кўрсатсалар ҳам, амалда бундай эмас. Бундай проба ҳаётдан сўнг тузилган никоҳлар нисбатан мустаҳкам эмас ва нормал никоҳлардан кўра тезроқ тарқатилиши аниқланган. Никоҳга киргунга қадар бирга яшаганлар орасида никоҳнинг дастлабки 10 йили мобайнида ажралиш никоҳгача бирга яшаб кўрмаганларнига нисбатан 1/3га кўпроқ – 36 % 27 %га қарши. Бунинг сабаблари никоҳга бўлган қарашларнинг сустроқлигига ва аъзоларнинг ўзини, бир-бирини нотўғри тушунганида. Никоҳ тузилгунга қадар бу каби “оила”ларда томонлар ўзларининг энг яхши жиҳатларини намоён қилишлари мумкин. Никоҳ тузилганидан сўнг эса буларнинг “асл” шахсияти нмоён бўлиши ва бу бир-бирида яхши таассурот қолдирмаслиги мумкин. Мазкур ҳолат, аввалги муносабатларнинг бузилиши ва натижада ажралишга олиб келиши эҳтимоли юқорироқ бўлишига олиб келади. Швециялик аёллардан 4966таси сўров

қилинганида никоҳгача бирга яшаганлар орасида ажралиш коэффициенти никоҳгача бирга яшамаганларнидан таҳминан 80 % юқорилиги айён бўлди. Никоҳгача бирга яшаган шахслар никоҳ мустаҳкамлигига ишонмай ёки умуман никоҳ институтини инкор этиб келганлар ва, афтидан, никоҳни катта босим таъсирида тузганлар. Шунингдек, қонуний никоҳга кириш албатта кейинчалик томонларнинг роллари ўзгариши билан боғлиқ. Масалан, икки томон тенг бўлиши тўғрисидаги тасаввурлар никоҳ тузилганидан кейин анъанавий томонга ўзгариши мумкин. Ёки эр-хотинлар эркинлик шароитида бирга яшаган хаётдаги ўзаро муносабатлар никоҳ билан ўрнатиладиган ижтимоий ва қонуний чекланишга умуман тўғри келмаслигига дуч келадилар. Нихоят, никоҳгача бирга яшаш, бу ижтимоий меъёрларни бузиш, деган дунёқарааш ҳам аҳамиятли бўлиб, ҳозирча уларда “паспортдаги муҳр” мавжудлиги талаб қилинади. Никоҳгача бирга яшовчилар, бу ижтимоий меъёрларни бузвучи шахслар. Улар никоҳгача бирга яшамаган шахсларга нисбатан никоҳ мажбуриятларида маъсулиятни камроқ хис этадилар. Статистик маълумотлар ва олимларнинг изланишларига кўра, кўпайиб бораётган “синов” никоҳлар, эҳтимол, никоҳнинг мустаҳкамлигини бузвучи ва ажралишларни кўпайтирувчи омил сифатида ўз ролини ошириб боради. Ажралишнинг муҳим омилларидан бири, бу ажралиш ва унинг сабаблари ҳақидаги жамоатчилик фикри. Мазкур омилнинг аҳамияти сўнгги вактларда ошиб бормоқда. Махсус социологик изланишларнинг кўрсатишича, жамиятнинг ажримга нисбатан холислиги ўсиб, сабаблар таркиби ҳам ўзгармоқда ва буларга мувофиқ ажралиш жараёни нафақат эҳтимолий, балки шарт бўлган ҳодиса, деб тушунилмоқда. Сабаблар ўзгараётган йўналиш, бу “ажралиш фақатгина аниқ узрли сабабларга кўра (бепуштлик, бевафолик ва х.к.) содир бўлиши мумкинлигини” тан олган фикрдан “эр ва хотин ўртасида муҳаббат йўқлигидан юз бериши эҳтимоли ҳам мавжуд”, деган хуласаларга келиб ажрашишга аҳд қилишдир.

### Таянч сўзлар (глоссарий)

**Демография** – мустақил ижтимоий фан сифатида туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш, оиласарнинг такрор барпо бўлиши, умуман шу жараёнларнинг негизи сифатида ахолининг такрор барпо бўлиши кабиларнинг қонуниятлари ва ижтимоий негизларини таҳлил этади.

“**Демография**” икки юонон сўзининг қўшилишидан иборат бўлиб, “демос” – халқ, аҳоли, “графия” - тасвирилаш, шархлаш деган маъноларни билдиради.

**Демографик статистика** – аҳоли сони, таркиби, жойлашуви, такрор барпо бўлиш ва демографик жараёнлар ҳақида статистик услуг ёрдамида рақамли маълумотлар тўплайди.

**Этник демография** – турли халқлар ва этник гурӯҳлар аҳолисининг сони, таркиби, такрор барпо бўлиши ва демографик жараёнларини ўрганади.

**Иқтисодий демография** – аҳоли такрор барпо бўлишини иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ ҳолда ўрганади; демографик жараёнлар ҳусусиятларини иқтисодий структурага ва мувозанатга таъсирини таҳлил этади.

**Худудий демография** – маълум худуд, мамлакат, давлатнинг худудий бўлинмасидаги аҳоли сони, ёш – жинсий, оиласавий таркиби демографик жараёнларининг ҳусусиятларини ўрганади.

**Амалий демография** – аҳоли ва демографик жараёнлар ҳақидаги маълумотларни шахарлар ва қишлоқларни, қурилишни, ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда, умуман инсон ҳаёти учун зарур бўлган воситаларни режалаштиришда ишлатилиши

**Аҳоли деганда** – маълум худудда яшайдиган кишилар гурухи тушунилади. Шу боисдан илмий – географик тадқиқотларда аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларини атроф мухит ва хўжалик билан бевосита боғлиқ ҳолда тадқиқ этишади.

**Антрапология** (грек тилидан – antropos – “инсон”) инсон организмининг эволюцияси ва ундаги жисмоний ўзгаришларнинг келиб чиқиш қонуниятлари, шунингдек иркларнинг вужудга келиши ва географик тарқалишини ўрганиб, у аҳоли географияси билан

биргаликда аҳоли меҳнат фаолияти турмуш шароити ва маданиятидаги худудий хусусиятларни ўрганади.

**Агломерация** – аҳоли пунктларнинг бир-бирларига қўшилиб кетиб, улкан шаҳар, ягона иқтисодий худуд ҳосил қилиши. Агломерацияларда аҳоли зич ўрнашган, хилма-хил ишлаб чиқариш тармоқлари, хусусан саноат корхоналари, илмий ва ўқув муассасалари тўплланган бўлади

**Эндоген омиллар**- организнинг ички ривожланиши, унинг шаклланиши ва қариши, инсоннинг яаш фаолияти қобилиягининг пасайишига сабаб бўладиган омиллардир

**Экзоген омиллар**- одамларда ташқи таъсир билан боғлиқ пайдо бўладиган ўлимлар бўлиб бу омиллар оқибатид аҳолининг турли ёшдаги кишилари турли вақтда турли жойда вафот этадилар.

**Аҳоли географияси** – аҳолининг таркиби, динамикаси ва жойлашувидаги регионал тафовутларни ва бу тафовутларни вужудга келтирадиган омилларни, аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларининг худудий тизимларини ҳамда уларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

**Эмиграция**- кишиларнинг доимий ёки вақтинча яаш учун ўз ватанидан бошқа мамлакатларга кўчиб кетиши. Эмиграцияда қатнашган аҳоли эмигрантлар деб аталади.

**Иммиграция**- кишиларнинг узоқ муддатга доимий ёки вақтинча яашши учун бирон бир мамлакатга бошқа давлатлардан кўчиб келиши. Иммиграцияда қатнашган аҳоли “иммигрантлар” дейилади.

**Реэмиграция**- кишиларнинг узоқ муддатга доимий ёки вақтинча яаш учун ўз ватнидан бошқа мамлакатга кўчиб кетиб, муайян муддатдан сўнг яна кайтиб кўчиб келишидир. Реэмиграцияда қатнашган кишилар “реэмигрантлар” дейилди.

**Доимий миграция**- аҳолининг узоқ муддатга (бир йилдан ошик) бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб яна қайтишидир.

**Мавсумий миграция**- аҳолининг маълум бир вақтга (мавсумга) бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб яна қайтишидир.

Тебранма миграция- аҳолининг бир жойдан иккинчи бир жойга ҳар куни ёки ҳар ҳафтада бориб қайтиши

**Прогрессив**- ёш таркибида аҳоли умумий миқдорида болалар (0-14 ёшдаги) салмоғи қарияларга (65 ёш ва ундан юқори) қараганда юқори бўлган худудларда кузатилиб уларнинг аҳолиси мунтазам кўпайиб боради. Бу ёш таркибида Африка ва Осиё давлатларини киритса бўлади. Дунё бўйича 15 ёшдан кичиклар жами аҳолининг 30 фоизини (2003 йил) ташкил қиласа, Африкада 42 фоизни, Осиёда 30 фоиз, Европада 17 фоизга тенг. Бизнинг республикамиз аҳолиси ёш таркибида айнан шу ёшдагилар дунё кўрсаткичидан баланд (38 фоиз) лиги тилан тафсифланади.

**Стационар**- ёш таркибида аҳоли умумий миқдорида қариялар салмоғи ёшлар билан тенгдир. Стационар ёш таркибида аҳоли сони бир хил миқдорда туради. Аҳолининг тез камайиши ёки камайиши кузатилмайди.

**Регрессив**- ёш таркибида аҳоли умумий сонида қариялар салмоғи болаларга қараганда юқори бўлади. Бундай ҳолда эса аҳоли сони аста-секин камайиб боради ва “депопуляция” ҳолати юз беради. Аҳоли “қариб” бориши кузатилади.

**Урбанизация** – (лотинча urbanus – шаҳар) – шаҳарлашиш, яъни шаҳарларнинг ўсиши ва кўпайиши. Бу жараён фан-техника инқилоби даврида кескин кучайиб, шаҳар аҳолисининг кўпайишига, шаҳар турмуш тарзининг кенг тарқалишига сабаб бўлади

**Никоҳ** - бу эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларнинг, уларнинг бир-бирига ва ўз болаларига нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг жамият томонидан қайд этиладиган ва бошқариладиган шаклидир.

**Моногамия** ёки моногам никоҳ- бу бир эркакнинг бир аёл билан никоҳидир, полигамия ёки полигам никоҳ- бу бир эркакнинг бир неча аёл билан никоҳидир (кўпхотинлилик), ёки бир аёлнинг бир неча эркак билан никоҳидир (кўпэрлилик).

**Полиандрия** ёки кўпэрлилик никоҳ шакли жуда кам учрайди; Ҳиндистон ва Тибетнинг баъзи халқларида гина бор, у ҳам бўлса битта аёлнинг бир нечта ака-укалар билан никоҳда бўлиши шаклидан иборат.

**Никоҳ ёши** –бу қонун ёки одат никоҳга киришга рухсат берадиган энг кичик ёшидир.

**Никоҳ структураси** –бу аҳолининг никоҳ ҳолатлари (статуслари) бўйича тақсимланишидир. Никоҳ структураси аҳолини рўйхатга олиш ёки микро рўйхатга олиш маълумотлари бўйича белгиланади.

**Оила** – инсонларнинг табиий, биологик, никоҳ-қон қариндошлиқ, иқтисодий, хуқуқий, иаънавий муносабатларда асосланган, турмуш бирлиги ва ўзаро жавобгарлик орқали боғланган ижтимоий гурӯҳидир.

**Жинс** – жинсий кўпайишни таъминлайдиган, организмнинг генетик, физиологик ва морфологик белгилар мажмуидир

Жинсий таркиб – аҳолининг эркаклар ва аёлларга бўлинишидир.

**Ёш** – инсон туғилганидан ҳаётининг маълум нуқтасигача бўлган давр.

**Ёш аккумуляцияси** – баъзи ёш гурӯҳларидаги аҳоли сонини ўзидан олдинги ёш гурӯҳдаги аҳоли сонидан ошиб кетиши.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### **Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати:**

#### **Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар:**

- Борисов В.А. Демография. Учебник для вузов. М., 1999.
- Бўриева М.Р., Тожиева З.Н. Аҳоли географияси. Т., 2000.
- Копылов В.А. География населения. Учебное пособие. М., 1999,
- Медков В.М. Демография. Учебник. М., 2004,
- Симагин Ю.А. Территориальная организация населения. М., 2004,
- Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши. Т., 2010.
- Умарова М. А., Артықбаев Р.Д. Основы демографии. Т., 2001.
- Абдурахмонов Қ.Х., Абдурамонов Х.Х. Демография. Т.: ТДИУ, 2010
- Демографический энциклопедический словарь. – М. 1985.
- Метков В.М. Демография. – М. 2004.
- Голод С.И. Семья и брак: историко-социологический анализ. – М. 1998.
- Антонов А.И., Медков В.М. Социология семьи. – М. 1996.
- Волков А.Г. Семья – объект демографии. – М. 1986.
- Бўриева М.Р. Демография асослари. – Тошкент, 2001.
- Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Тошкент, 1997.
- Брак и семья. Демографический аспект. – М. 1975.
- Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Тошкент, 1998.
- Демографический ежегодник Узбекистана – 2002. – Ташкент, 2003.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Артықбаев Р.Д., Мухаммаджанова М.М. Демографические проблемы Узбекистана и международные организации //География и использование природных ресурсов. Т., 2001. С. 101-104.
2. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. Т., 2002,
3. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В., Муртазаева Р.Х. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Т., 1998.
4. Ахмедов Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. Т., 2002.
5. Демографический энциклопедический словарь. М., 1994.
6. Максакова Л.П. Миграция населения: проблемы регулирования. Т., 2001.
7. Народонаселение. Энциклопедический словарь. М., 1994.
8. Ортиқбоев Р.Ж. Ўзбекистон аҳолиси ва аҳоли манзилгоҳлари мустақиллик даврида // Истиқлол ва география. Т., 1995, 173-176 бетлар.
9. Райимжонов З.Х., Ортиқбоев Р.Ж., Саъдуллаев А. Орол экологик кризисининг демографик оқибатлари // Истиқлол ва география. Т., 1995, 108-114 бетлар.
10. Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Умарова Н.О. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги (илмий-ўқув қўлланма). Т., 2006.
11. Эгамова Д.Н. Бозор иқтисодиёти шароитида Қашқадарё вилоятида оиласининг социал-демографик ривожланиш хусусиятлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. Тошкент, 2006.
12. 2010 World Population Data Sheet of the Population Reference Bureau.
13. <http://demography.narod.ru>
14. <http://demoscope.ru>



